

ТИББИЁТ КОЛЛЕЖЛАРИ УЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН  
УЎҚУВ АДАБИЁТИ

М. Н. БОЛИЕВ

**ЛОТИН ТИЛИ  
ВА ТИББИЁТ  
ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**

*(Қайта ишланган ва тўлдирилган  
иккинчи наشري)*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги тиббиёт коллеж-  
лари учун дарслик сифатида рухсат этган

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРИЕТИ  
2002

Муаллиф: М. Н. Болиев — Самарқанд Давлат тиббиёт коллежининг олий тоифали лотин тили ва тиббиёт терминологияси фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси.

Масъул муҳаррирлар: Н. Қ. Турниёзов — Самарқанд Давлат чет тиллар институти профессори, М. М. Йўлдошев — Самарқанд Давлат Университети доценти.

Тақризчилар: А. Э. Мамагов — Самарқанд Давлат тиббиёт институти профессори, Э. Б. Уринбоев — Самарқанд Давлат Университети доценти, Н. К. Мирзоев — Самарқанд Давлат Университети профессори, Ҳ. А. Арзиқулов — Самарқанд Давлат чет тиллар институти профессори, А. М. Бушуй — Самарқанд Давлат чет тиллар институти профессори.

### Болиев М. Н.

Б 83 Лотин тили ва тиббиёт терминологияси: Тиббиёт коллежлари учун дарслик (Масъул муҳаррир Н. Қ. Турниёзов)—2-нашр. қайта ишланган ва тўлдирилган). —256 б. — (Тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун). Ўқув адабиёти.

Лотин тили ва тиббиёт терминологияси фани дарслиги касб-ҳунар коллежлари учун тузилган ўқув дастури асосида қайта ишланди ва тўлдирилди. Фонетика, ҳарф ва товушлар таснифи, одам скелети ва ички аъзолари, дори шакллари, доривор ўсимлик қисмларига доир маълумотлар ҳамда назорат ишлари вариантлари каби қисмлар киритилди. Ушбу дарсликда тиббий атамаларнинг исалиши ва уларнинг замонавий тиббиёт терминологияси (анатомик, даволаш ҳамда доришunosлик)да қўлланилиши берилган. Дарсликдаги мавзулар бабларга бўлинган. Қўшимча маълумотларда касаллик номлари, тиббий фаоллар ва даволаш усуллари, шунингдек халқ табobatiда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар ва меваларнинг лотинча номлари берилган.

ББК 81. 2 Лот—922.5я 722

Б 4602020100—38  
М 354(04)2002

ISBN-5-638-02037-3

© М. Н. Болиев, 2002.

## МУҚАДДИМА

Ҳар бир фан замон ўзгарини билан ривожланади ва такомиллашиб боради. Тиббиёт соҳасидаги лотин тили ва тиббиёт терминологияси фанининг ривожини тиббий фанлар билан боғлиқдир.

Тиббиёт коллежларида ўқувчиларга тиббиёт ҳамда табобатда қўлланиладиган тиб атамаларини ўргатиш лотин тили ва тиббиёт терминологияси фанининг асосий мақсади ҳисобланади.

Дарслик материаллари тиббиёт коллежлари учун тузилган дастур мавзулари асосида берилган. Ушбу дарсликдаги топшириқлар турли хил бўлиб, улар ўқувчиларнинг мустақил ишлаш ва фикр юритиш, изланиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш каби малакалар ҳосил қилишида муҳим аҳамиятга эга.

Тиббиёт атамалари ясалишида қўлланиладиган сўз ясовчи қўшимчалар ва лотинча-юнонча маънодош сўзларнинг дарсликда берилиши сўз туркумларидан от ҳамда сифатларга оид мавзуларни чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Ҳар бир мавзуда ёдлаш учун сўзлар, машқлар ва рецептлар мутахассисликларнинг турларига қараб, яъни М\*-анатомик, S-M\*-даволаш, M-F\*-умумтиббий, F\*-доришunosликка доир атамалар берилган.

Ушбу иккинчи нашр олдинги нашрга қўшимчалар киритилган ҳолда қайта ишланди. «Фонетика» бўлимидаги машқлар, ёзма назорат ишлардан намуналар, ташқи аъзолар, скелет, ички аъзолар, дори шакллари, доривор ўсимлик таркибий қисмларининг расмлари ва номлари кабилар қўшимча қилинди.

Мавзулар сўнгида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг дунёқараши ва маънавий-маърифий билимларини оширишга кўмаклашувчи мустақил ўрганиш учун лотин мақоллари ҳамда ҳикматли сўзлар берилган. Дарсликда лотинча-ўзбекча ва ўзбекча-лотинча лугат ҳам берилган бўлиб, бу ўқувчиларнинг машқ ва топшириқларни мустақил бажаришига ёрдам беради.

Тиббиёт касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари тиббиётни ўрганишга киришишдан олдин қуйидаги мақолларни ҳамма вақт ёдда сақлаши керак: «*In via est in medicina via sine lingua latina* — лотин тилисиз тиббиётга йўл йўқ» ёки «*Non est medicina sine lingua latina* — лотин тилисиз тиббиётни тасаввур этиб бўлмайди».

## ЛОТИН ТИЛИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Тиббиётга оид янгиликлар, касалликлар, дориларнинг номи неча асрлар давомида лотин-юпон тилида берилган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Лотин тили халқаро тиббиёт тили деб тан олинган. Бу эса тиббий олимларнинг ҳамкорликда ишлашларига янада ёрдамлашади.

Жуда қадим замонларда ҳозирги Италия ҳудудидаги Аппенин ярим оролида Лация деган вилоят бўлиб, у ерда лотин қабиласи яшаган. Бу қабила босқинчилик урушлари вақтида бутун Европа, Африканинг шимолӣ қисми ва Ўрта ер денгизида яшовчи қабилаларга ўз ҳукмронлигини ўтказган. Босиб олинган ерларда яшовчи қабилаларни ўз тилини, яъни лотин тилини давлат тили деб қабул қилишга мажбур қилган. Лотинларнинг пойтахти Рум шаҳри бўлган. Рум давлати Юнонистонни босиб олганда бу ерда маданият юксак даражада тараққий этган бўлиб, у Рум давлати халқлари маданиятида ўз аксини топган. Буни тиббиётнинг даволашга доир атамаларида яққол кўриш мумкин. Кейинчалик, эрамининг бешинчи асрларига келиб, Рум давлати ниқирозга учради ва унинг ўрнига ҳозирги Франция, Испания, Юнонистон, Миср, Рум ва шунга ўхшаш бошқа давлатлар юзага келди. Биринчи бор тиббий атамалар йиғмасини эраминдан олдинги бешинчи асрда яшаган тиббий аллома Буқрот (Гиппократ) ёзган. Кўп олимлар ўзларининг илмий ишларини лотин тилида ёзиб, илмий даражаларни ҳимоя қилганлар. Овруро мамлакатларида XVIII асргача лотин тили фанда ва маъмурий ишларда ишлатилиб келинган. Лекин миллий давлатларнинг шаклланиши билан лотин тили ўзининг фан ва маданият соҳасидаги аҳамиятини бутунлай йўқотди. Лотин тили ўлик тилга айланган бўлса-да, ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳозирги кунда тиббиёт, тарих, ҳуқуқшунослик, филология ва биология фанлари соҳасида лотин тилидан кенг фойдаланилади. Бу айниқса тиббиётда аниқ кўзга ташланади, чунки анатомик ва даволашга оид атамалар ҳамда дориларнинг номи лотин тилидадир. Рецепт варақасида ҳаммаша дори номлари ва дорихона ходимига шифокор томонидан дори тайёрлаш ҳақидаги кўрсатмалар лотин тилида ёзилади.

## ФОНЕТИКА

### 1-§ ЛОТИН ТИЛИ АЛИФБОСИ

Лотин тили алифбосида 25 та ҳарф бор.

Бсма ҳарфлар	Езма ҳарфлар	Ҳарфларнинг номи	Ўзбекча муқобили
Aa	<i>Aa</i>	a (б)	а
Bb	<i>Bb</i>	bē (бэ)	б
Cc	<i>Cc</i>	cē (цэ)	ц ёки к
Dd	<i>Dd</i>	dē (дэ)	д
Ee	<i>Ee</i>	e (э)	э
Ff	<i>Ff</i>	ef (эф)	ф
Gg	<i>Gg</i>	ge (гэ)	г
Hh	<i>Hh</i>	ha (ха)	х
Ii	<i>Ii</i>	i (и)	и
Jj	<i>Jj</i>	jota (йота)	й
Kk	<i>Kk</i>	ka (ка)	к
Ll	<i>Ll</i>	el (эл)	л
Mm	<i>Mm</i>	em (эм)	м
Nn	<i>Nn</i>	en (эн)	н
Oo	<i>Oo</i>	o (о)	о
Pp	<i>Pp</i>	pe (пэ)	п
Qq	<i>Qq</i>	qu (кү)	қ
Rr	<i>Rr</i>	er (эр)	р
Ss	<i>Ss</i>	es (эс)	с ёки з
Tt	<i>Tt</i>	te (тэ)	т
Uu	<i>Uu</i>	ū (у)	у
Vv	<i>Vv</i>	ve (вэ)	в
Xx	<i>Xx</i>	ix (икс)	икс
Yy	<i>Yy</i>	upsilon энсилон)	ё
Zz	<i>Zz</i>	zeta (зета)	з ёки ц

## 2 §. ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

Лотин тилида товушлар талаффуз этилишига кўра унли (vocales) ва ундош (consonantes) товушларга бўлинади: а, е, і, о, и, у товушлари унли, b, c, d, f, g, h, k, l, m, n, p, q, r, s, t, v, x, z товушлари ундош товушлар ҳисобланади.

### 3-§. УНЛИ ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИ

«А, а» унли товуши ўзбек тилидаги «А» унли товушидек талаффуз қилинади. Масалан: amarus (амарус) — аччиқ, albus (альбус) — оқ, abdomen (абдомэн) — қорин.

«Е, е» унли товуши ўзбек тилидаги «Э» унли товушидек талаффуз қилинади. Масалан: pes (пэс) — оёқ, elasticus (эластикус) — қайишқоқ, букилувчан, derma (дэрма) — тери.

«І, і» унли товуши ўзбек тилидаги «И» унли товушидек талаффуз қилинади. Масалан: internus (интэрнус) — ички, intestinum (интэстинум) — ичак.

«О, о» унли товуши ўзбек тилидаги «О» унли товушидек талаффуз қилинади. Масалан: organum (органум) — аъзо, lobus (лобус) — бўлак, oculus (окулус) — кўз.

«У, у» унли товуши ўзбек тилидаги «У» унли товушидек талаффуз қилинади. Масалан: uterus (утэрус) — бачадон, ulcus (улкус) — яра, urina (урина) — сийдик.

«У, у» унли товуши ўзбек тилидаги «И» унли товушидек талаффуз қилинади. Масалан: symptoma (симптома) — белги, аломат, amygdala (амигдала) — бодом, Gossypium (госсипиум) — пахта.

**1-машқ. Уқинг.** Унли ҳарфларнинг ўқилиш қондасига риоя қилинг.

Amarus, Valeriana, emulsum, tabuletta, pasta, gaster, rubor, organum, linimentum, mastitis, costalis, bacterium, ventriculus, optimus, morbus, internus, tuberculum, sepsis, duodenumoculus, hepatitis, medicamentum, ureter, elasticus, abdomen, vertebra, uterus, vagina, vena, sutura, scapula, papilla, medulla, urina, arteria, Kalium, lobulus, decoctum, Amigdala, spiritus.

**2-машқ. Уқинг.** Дифтонг ва унли ҳарфларнинг талаффуз қилинишига эътибор беринг.

Praeparatum, diaeta, arnoë, anaemia, paediatер, haema, oedema, gangraena, haematogenum, aurum, pneumonia, Aloë, Aminocaine, Daimeton, Intercain,

Luteine, Foeniculum, Crataegus, roentgenum, aurus, bacteriaemia, oestrogenus, haemostaticus, aër, hyperaemia, trauma, leukaemia, croup, dyspnoë, Novocainum.

3-машқ. Қуйидаги сўзларни лотин ҳарфлари билан ёзинг.

[Валэриана], [прэпаратум], [спиритус], [апноэ], [планта], [диэта], [аурум], [эмулсум], [мэдулла], [скапула], [анэмиа], [ҳэма], [пэдиатэр], [дэококтум], [табулэтта], [капут], [окулус], [аурис], [орис], [трукус], [коллум], [манус], [дуктус], [мамма], [дорсум], [пэктус], [умбиликус], [глутэус], [анус], [пэнис], [вагина], [тестис], [пэс], [эдэма], [паста], [гангрэна], [гастэр], [ҳэматогэну́м], [Алоэ], [пнэумониа], [фэпикулум] [рэптгэшу́м], [линимэнтум], [морбус], [Кратэгус], [бактэриэмиа], [морбус], [эстрогэну́с], [дуодэну́м], [ҳэмоостатикус], [мэдикамэнтум], [траума] [эластикус], [урина], [лэукэмиа], [абдомэн].

#### 4-§ ДИФТОНГЛАР

Бир товушни ифодаловчи икки унли ҳарф бирикмаси дифтонг деб аталади. Лотин тилида асосан тўртта дифтонг бор:

«ае» унли ҳарфлари бирикмаси ўзбекча «э» деб ўқилади. Масалан, aegrotus (эгротус) — бемор, gangraena (гангрэна) — тирик тўқималарнинг ўлиши, Laevomysetinum (лэвомицетинум) — левомецетин.

«ое» унли ҳарфлари бирикмаси ўзбекча «э» деб ўқилади. Масалан, oedema (эдэма) — шиш, Foeniculum (фэникулум) — шивит.

«ау» унли ҳарфлари бирикмаси (ау) даги (у) ҳарфи қисқа ўқилади. Масалан: Augum (аурум) — олтин, trauma (траума) — шикастланиш.

«еу» унли ҳарфлари бирикмаси (эу) даги (у) ҳарфи қисқа ўқилади. Масалан, neuralgia (нэуралгия) — асаб касаллиги, pneumonia (пнэумония) — ўпканинг яллиғланиши. Leucocycin (лэукомицин) — лейкомицин.

«ай» унли ҳарфлар бирикмаси лотин тилида «ай» деб талаффуз қилинади. Масалан, Daimeton (даймэтон) — дайметон, Dicainum (дикайну́м) — дикаин, Nascain (наускайн) — новокаин.

«эй» унли ҳарфлар бирикмаси лотин тилида «эй» деб

талаффуз қилинади. Масалан, Luteine (лутэйнэ) — лутеин.

«**ou**» унли ҳарфлари бирикмаси ўзбекча «у» деб ўқилади. Масалан, group (круп) — ҳиқилдоқнинг ўткир яллиғланиши.

Баъзи вақтларда қатор келган икки унли ҳарф бирикмаси дифтонг ҳосил қилмайди, у ҳолда иккинчи унли ҳарфнинг устига икки нуқта қўйилади ва унлилар айрим-айрим ўқилади. Масалан: аёғ (аэр) — ҳаво, Aerosolum (аэрозолум) — аэрозол, Aloë (алоз) — сабур, dyspnoë (диспноэ) — нафас қисиши.

**4-машқ.** *Ўқинг. Дифтонглар ва унли ҳарфларнинг талаффуз қилинишига эътибор беринг.*

Acetein, Aminocaine, anaemia, amarus, auris, bacca, bacterium, Cysteinum, caecum, cito, cutis, Daimeton, dens, decoctum, emulsum, faex, gaster, haema, Herocaine, internus, intercain, Juniperus, Laevomycetinum, lobulus, Luteine, Leukomycin, Kalium, medula, nasus, Neurotin, oedema, Novocainum, papilla, Procaine, rubor, scabies, scapula, Syntocain, sutura, suceus, tubuletta, tuberculum, ureter, uterus, vagina, vertebra, vena,

#### 5-§. УНДОШ ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИ

«**С, с**» — ҳарфи икки хил ўқилади:

**e, i, y** — унли ҳарфлари ва **ae, oe** дифтонглари олдида (**ц**) деб ўқилади. Масалан: cerebrum (цэрэбрум) — мия, cystis (цистис) — пуфак, cito (цито) — тез, caecum (цэкум) — кўричак, coelia (цэлия) — қорин бўшлиғи.

Бошқа ҳолларда, яъни **a, o, u** — унлилари олдида, ундешлар олдида ва сўз охирида келса **c** ҳарфи (**к**) деб ўқилади. Масалан: caput (капут) — бош, costa (коста) — қовурға, cuprum (купрум) — мис, lac (лак) — сут, medicus (мэдикус) — шифокор, дўхтир.

**H, h** — ўзбекча (**ҳ**) ҳарфи каби талаффуз қилинади: herba (ҳэрба) — ўт (бот.) humanus (ҳуманус) — одамийлик, herag (ҳэпар) — жигар, haema (ҳэма) — қон.

**K, k** — ҳарфи тиббий латин тилида кам қўлланилади, фақатгина юнон ва араб тилидан кириб келган атама-ларда учрайди: Kalium (калиум) — калий, keratoma (кэратома) — шохсимон ўсма.

**L, l** — ҳарфи юмшоқ талаффуз қилинади: mel (мэл) — асал, luna (луна) — ой, labium (лабиум) — лаб.



**S, s** — ҳарфи икки унли ёки ҳар қандай бир унли билан **m, n** ундош ҳарфлари ўртасида (з) ҳарфидек, бошқа ҳолларда эса (с) деб ўқилади: *Rosa* (роза) — атиргул, *vaselinum* (вазелинум) — вазелин, *neoplasma* (неоплазма) — неоплазма, *scabies* (скабиэс) — қичима, *menpis* (мэнзис) — ой.

**X, x** — ҳарфи икки унли ўртасида келса (ғз) деб ўқилади, қолган ҳолларда (кс) ёки (ғс) деб талаффуз қилинади: *arex* (апэкс) — уч ёки бош қисм, *exitus* (эгзитус) — натижа, *lex* (лэгс) — қонун, *radix* (радикс) — илдиз.

**Z, z** — ҳарфи юнон ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган атамаларда (з) деб ўқилади: *zona* (зона) — зона, *zygoma* (зигома) — юз (ёноқ) суяги, *zonula* (зонула) — камарча. Лекин *Zincum* (цинкум) — рух ва *influenza* (инфлуэнца) — юқори нафас йўлларининг ўткир катари атамаларидагина **z** — ҳарфи (ц) деб талаффуз қилинади.

**5-машқ.** Ундош ҳарфларнинг ўқилишига эътибор беринг.

*Activatus, leukaemia, Haematogenum, occipitalis, contagiosus, nasalis, bacteriaemia, costalis, roentgenum, suppositorium, conjunctivus, sternum, gargarisma, spirituosus, paralysis, densitas, auris, laryngitis, symptoma, Magnesia, auscultare, Crataegus, apnoë, hyperaemia, gangraena, paediater, haemostaticus, oestrogenus, aestimare, vaccinum, officinalis, pancreas, Amidopyrinum, cellula, hygienä, cera, cito, statim, praeparatum, prognosis, medicamentum, diagnosis*

**6-машқ.** Қуйидаги атамаларда **C** ҳарфининг (Ц) товушидек ўқилишини тушунтиринг.

*Canalis, cerebrum, costa, occipitalis, conjunctivus, Crataegus, collum, cranium, cytus, ductus, processus, tuberculum, rectum, facies, tinctura, caecum, cella, calvaria, decoctum, cerebellum, causticus, ventriculus, medicinalis, columna, scapula*

**7-машқ.** Қуйидаги атамаларда **C** ҳарфининг (К) товушидек ўқилишини тушунтиринг.

*Abducens, abductor, acidum, acetum, bacca, bacterium, cancer, cartilago, cutis, cystis, elasticus, fascia, fructus, hepaticus, jecur, lac, medicamentum, mucilago, narcosis, oculus, pancreas, rectalis, scabies, succus, tuberculum, Urtica, vaccinum.*

**8-машқ.** Қуйидаги тиббий атамаларни ўқинг ва S ҳарфининг (З) товушидек талаффуз қилинишини тушунтиринг.


Abdominalis, Anisum, amarus, amnesia, bacillus, blastoma, calcaneus, cardiacus, cutis, cystis, dosis, narcosis, naturalis, nasus, obductus, otitis, optimus, spasmus, tabes, usus, vaselinum, vesica, virus.

**9-машқ.** Тиббий атамаларни ўқинг ва S ҳарфининг (C) товушидек ўқилишини тушунтириб беринг.

Auris, abducens, compositus, dens, dentalis depuratus, dilutus, destillatus, durus, dysuria, dysenteria, emulsum, fissura, fibrosus, genus, hydrops, incisura, intestinum, internus, lobus, mastitis, mollis, morbus, neurosis, ostium, paries, percussio, Ricinus, Rosa, siccus, sternum, succus, species, tonsilla, ulcus, vaginalis, vomicus.

**10-машқ.** Қуйидаги тиббий атамаларни ўқинг, х ва з ҳарфларининг ўқилишига эътибор беринг.

Zona, exoderma, exoplasma, xeroformium, eczema, extractum, larynx, zygoma, dexter, mixtura, Zincum, Taraxacum, radix, influenza, cortex, maxilla, externus, zygomatikus, zonula, Oryza.



1-расм. Ҳарфлар ва товушлар таснифи.

## 6-§. ҲАРФ БИРИКМАЛАРИ ВА ҚУШ УНДОШЛАРИНИҲ ЎҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**q** — ҳарфи доимо «и» ҳарфи билан биргаликда келиб, унли ҳарф олдидан келганда (ҚВ) деб талаффуз қилинади: aqua (аква) — сув, quinque (квинкве) — беш, quadriceps (квадрицепс) — тўрт бошли.

**ngu** — ҳарфлар бирикмаси унли олдида келганда (НГВ), бошқа ҳолларда эса (НГУ) деб ўқилади: Lingua (лингва) — тил, unguentum (унгвэнтум) — суртма, angulus (ангулус) — бурчак.

**su** — ҳарф бирикмаси а, е унли ҳарфлари олдида келса (СВ), бошқа ҳолларда (СУ) деб ўқилади: Suavis (свавис) — ёқимли, consuetudo (консвэтуда) — одат, Suinsulinum (суинсулинум) — суинсулин.

**ti** — ҳарф бирикмаси унлилар олдида келганда (ЦИ) деб ўқилади, лекин s, x ундошларидан кейин келганда эса (ТИ) деб талаффуз қилинади: Articulatio (артикуляцио) — бўғин, solutio (солуцио) — эритма, ostium (остиум) — тешик, mixtio (микстиио) — аралашииш.

**sch** — ҳарфлар бирикмаси (СХ) деб ўқилади: Schizandra (схизандра) — лимонўт, ischium (исхиум) — думба суяги.

Қуйидаги ҳарф бирикмаларини юнон тилидан ўзлаштирилган атамаларда учратииш мумкин.

**ch** — ҳарфлари бирикмаси (Х) деб талаффуз қилинади: Chirurgus (хирургус) — жарроҳ, Chamomilla (хамомилла) — мойчечак.

**ph** — ҳарфлар бирикмаси (Ф) деб ўқилади: Diaphoreticus (диафорэтикус) — терлатувчи, Phosphorus (фосфорус) — фосфор.

**th** — ҳарфлари бирикмаси (Т) деб ўқилади: Mentha (мэнта) — яллиз, thermometer (тэрмомэтрум) — ҳарорат ўлчагич.

**rh** — ҳарф бирикмаси (Р) деб ўқилади: Rheum (рэум) — ровоч, rharrhe (рафэ) — чок чизииги.

*11-машқ. Қуйидаги анатомик атамаларни ўқинг ва таржиима қилинг.*

a). Cranium, maxilla, mandibula, dens, vertebra, columna, ulna' clavicula, scapula, thorax, costa, sternum, humerus, radius, femur, carpus, metacarpus, phalanx, patella, fibula, tibia, metatarsus, tarsus.

b). Lingua, pharynx, larynx, trachea, oesophagus, cor, pulmo, lien, diaphragma, hepax, ventriculus, vesica,

duodenum, ovarium, testis, pancreas, uterus, colon, intestinum, processus.

**12-машқ.** Қуйидаги фармакологик атамаларни ўқинг ва таржима қилинг.

a). Tabuleta, pilula, dragee, briket, pulvis, unguentum, tinctura, linimentum, suppositorium, emplastrum, mixtura, oleum, solutio, extractum, decoctum, infusum, emulsum, suspensio, mucilago, aerosolum.

b). Herba, folium, flos, bacca, semen, stigma fructus, tuber, radix, rhizoma, cortex, secale cornutum.

**13-машқ.** Атамаларни ўқинг ва остига чизилган ҳарф бирикмаларининг талаффузига эътибор беринг.

Althaea, aether, bronchus, camphora, chirurgus, bronchialis, Morphinum, encephalon, Hippophaë, Kalanchoë, cephalalgia, metaphisis, nephritis, phlegmone, physiotherapia, physiologia, thorax, xerophagia, Ichthyolum, Rheum, phalanx, rheumatismus, saccharum, rhaps, erythema, therapia, diaphoreticus, Phosphorus, Mentha, concha, cirrhosis, Helianthus, Phenolum, Chamomilla, Schizandra, diaphragma, Ephedra, lethargia, cholecystopathia, Strophanthus, pharmacologia, chronicus, Glycyrrhiza, terebinthina

**14-машқ.** Қуйидаги атамаларни ўқинг ва *ti, qi, ngi, su* ҳарф бирикмалари талаффузига эътибор беринг.

Angulus, pinguis, essentia, lingua, suasor, articulatio, costio, operatio, equisetum, Sanguisorba, unguentum, Liquiritia, unguis, aqua, quadriceps, suavis, Suinsulinum, ostium, mixtio, longus, aequalis, Quercus, liquor, squama, combustio, injectio, substantia, solutio, liquor, sublingualis

#### 7-§. УНЛИ «У» ҲАРФИНИНГ ТИББИЙ АТАМАЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Унли «У» ҳарфи юнон тилидан ўзлаштирилган атамаларда учрайди. «У» унлиси олд қўшимчаларда, ўзак ва қўшимчаларда учраши мумкин. Бунинг учун қуйидаги олд қўшимча, ўзак ва қўшимчаларни эсда сақлаш кифоя.

oxy-	hydr-
hyper-	pyo-
hypo-	pyr-
glyc-	syn-
yl-	myc-
dys-	myo-

oxy — тахир; oxygenium — кислород  
 hyper — юқори, кўпроқ; hypertonia — қон босимининг кўтарилиши

glyc — ширин; Glycyrrhiza — ширинмия  
 yl — модда; amyllum — оҳор  
 hypo — паст, камроқ; — қон босимининг пасайиши  
 hypotonia  
 hydr — сув; Hydrogenium — водород  
 pyo — йиринг; pyorrhoea — йиринг оқиши  
 myo — мушак; myocardium — юрак мушаги  
 pyr — иссиқлик; Antipyrium — иссиқни пасайтирувчи дори  
 myc — қўзиқорин; Biomycinum — биомисини  
 dys — касаллик ҳолати ёки аъзо фаолиятининг бузилиши;  
 dysuria — қовуқдан сийдик чиқшининг қийинлашуви  
 syn (sym) — улаш;  
 symphysis — қўшилиш


**15-машқ.** Қуйидаги тиббий атамаларни ўқинг.

Antipyrium, butyrum, cystis, dysentaria, dystrophia, hydrops, hypnoticus, mycosis, myotonia, larynx, lymph, hypertonia, lymphaticus, hypotonia, myoma, myalgia, physiologia, polyvitaminum, dystrophia, Glycyrrhiza, cytologia, dyspepsia, amylaceus, erythrocytus, pyocytus, Glycerinum, Erythromycinum, Glycosidum, Gossypium, hydroxydum, Hyoscyamus, hyperaemia, hypothermia, Ichthyolum, Hydrargyrum, Helichrysum, gypsum.

### Мавзуларга оид саволлар


1. Латин алифбосини ёддан айтиб бериш.
2. Қайси ҳарфлар (И) товушидек талаффуз қилинади?
3. Қандай дифтонгларни биласиз?
4. Ae, oe, au, eu ҳарф бирикмалари қандай ўқилади?

5. **А**, **е**, **и** ҳарф бирикмалари қандай талаффуз қилинади?
6. **С** ҳарфи қайси ҳолларда (**Ц**) ва (**К**) деб ўқилади?
7. **З** ҳарфи қайси ҳолларда (**С**) ва (**З**) деб ўқилади?
8. **Х** ва **З** ҳарфларининг ўқилиш қондасини айтиб бering.




2-расм. Скелет, *skeleton*.

9. Qi va ngu ҳарф бирикмалари қандай ўқилади?
10. Ti va su ҳарф бирикмалари қандай ўқилади?
11. Sch, ch, ph, th ва rh ҳарф бирикмалари қандай ўқилади?



3 раем. Скелет, *skeleton*.



4-расм. Овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш аппаратлари — Apparatus digestorius et apparatus respiratorius.




## Мустақил ўрганиш учун

Лотин мақоллари са ҳикматли сўзлар

Non scholae, sed vitae discimus

Биз мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқиймиз.



5-расм. Дори шакллари ва идишлари —  
Formae medicamentorum et officinalium.

1 — capsula gelatinosa; 2 — capsula gelatinosa elastica; 3 — capsula amylacea seu oblata; 4 — suppositoria; 5 — globulus; 6 — bacilli.  
7 — ollae; 8 — vitra; 9 — tabuletta; 10 — pilula; 11 — pulvis in charta paraffinata; 12 — mensura; 13 — ampullae.

2—102

919976

kutubxonasi

17

In via est in medicina via sine lingua latina  
 Lotin tilisiz tibbiyeta yul yuq.  
 Radix litterarum amarae sunt, fructus dulce  
 Илмнинг илдизи аччиқ, меваси эса ширин.



6-расм. Дорилар ўсимлик қисмлари —  
 Partes plantarum officinalis.

- 1 — Herba; 2 — Folia; 3 — Flores; 4 — Bacca; 5 — Semina; 6 — Stigma;  
 7 — Fructus; 8 — Tuber; 9 — Radix; 10 — Rhizoma; 11 — Secale  
 cornutum; 12 — Cortex.

## 8-§. СЎЗЛАРНИНГ БЎҒИНЛАРГА БЎЛИНИШИ

Лотин тилида ўзбек тилидагидек сўзлар бўғинларга бўлинади ва сўзда печа унли ҳарф бўлса, шунча бўғин бўлади. Масалан, Com-po-si-tus, de-pu-ra-tus, mes-ti-tis. Товушлар чўзиқ ва қисқа талаффуз қилинади. Товушнинг чўзиқлигини белгилаш учун ҳарф устига тўғри чизиқча, қисқалигини белгилаш учун ёйсимон чизиқча

—  $\vee$     $\vee$  —  $\vee$  —  $\vee$  —  $\vee$  —  $\vee$  —  $\vee$

қўйилади: а а, о о, і і, и и, е е, у у

Товуш ва бўғинларнинг чўзиқ ёки қисқалигини аниқлаш учун ҳарф устига ургу белгисини (‘) қўйиш керак

## 9-§. БЎҒИНЛАРНИНГ ЧЎЗИҚ ВА ҚИСҚАЛИК ҚОИДАЛАРИ

### 1. Чўзиқлик қоидаси

1. Агар бўғинда дифтонг бўлса, ўша бўғин чўзиқ талаффуз қилинади. Масалан; Gangraena — тўқималарнинг ўлиши; diaeta — парҳез; lagoena — шиша идиш.
2. Агар унли ҳарф икки ва ундан ортиқ ундош ҳарфлар ёки х ва z ундошлари олдида келса, шу бўғин чўзиқ ўқилади. Масалан: Maxillo — юқори жағ; tabuletta — таблетка; unguentum — суртма; Glucyrrhiza — қизилмия; reflexus — рефлекс.
3. Агар бўғинда ur, in, at, ut, ar, al, os қўшимчалари бўлса, бу бўғинлар чўзиқ ўқилади. Масалан: Fissura — тирқиш; Analginum — анальгин; nitrat̄is — нитрат, ac̄utus — ўткир; aqūosus — сувли; muscul̄aris — мушакли; cost̄alis — қовурғага оид.

### 2. Қисқалик қоидаси

1. Агар унли ҳарф унли ҳарф олдида келса, ўша бўғин қисқа ўқилади. Масалан: Oleum — мой; labium — лаб; folium — барг.
2. Агар унли ҳарф bl, br, cl, cr, dl, dr, pl, pr, tl, tr ҳарф бирикмалари олдида келса, шу унли қисқа талаффуз қилинади; Vertebra — умуртқа; secrebrum — бош мия; ciatrix — чандиқ; palrebra — қовоқ.
3. Агар унли ҳарф ch, th, ph, rh, qu ҳарф бирикмалари олдида келса, қисқа ўқилади: Stomachus — ошқозон; reliquus — қолдиқ; Amarphos — амафос; choledochus — ўт (сафро)га оид.
4. Агар бўғинда ul, ol, ib, il, id ҳарф бирикмалари бўл-

са, бўгин қисқа ўқилади: *Injectabilis* — игна орқали дори юборишга тааллуқли; *gracilis* — нафис; *solubilis* — эрувчан; *fluidus* — суюқ.

5. *ia* қўшимчасига эга бўлган айрим юнон атамаларида урғу *i* ҳарфига тушади: *Dysenteria* — ичбуруғ; *epaemia* — камқонлик; *therapia* — даволаш; *hypertonia* — қон босимининг кўтарилиши.

#### 10-§. УРҒУ

Ўзбек тилида урғу одатда кўпинча сўзнинг охириги бўғинидаги унли товушга тушади. Масалан: жигар, юрак.

Лотин тилида эса урғу сўзнинг охиридан иккинчи ёки учинчи бўғинидаги унли товушга тушади.

1. Лотин тилида урғу сўзнинг охириги бўғинига тушмайди.
2. Икки бўғинли сўзларда урғу ҳамиша сўзнинг иккинчи бўғинига тушади: *Costa* — қовурға; *caput* — бош.
3. Агар сўзнинг охиридан иккинчи бўғини чўзиқ бўлса, урғу ўша бўғинининг унли товушига тушади: *Medicina* — тиббиёт; *tinctura* — спиртли эритма; *destillatus* — тозаланган; *solutus* — эритилган.
4. Агар сўзнинг иккинчи бўғини қисқа бўлса, урғу сўзнинг охиридан учинчи бўғинидаги унли товушга тушади: *Medicus* — шифокор; *pilula* — ҳаб дори; *capitium* — бош суяги.

**16-машқ.** *Урғу қондасига риоя қилган ҳолда қуйидаги тиббий атамаларни ўқинг.*

*Ligamentum, extractum, vertebra, complexus, Glycyrrhiza, cerebrum, cranium, pilula, pneumonia, cello, musculus, acidum, femur, pectoralis, clavicula, medicatus, therapia, scabies, palpebra, oleum, butyrum, dystonia, fractura, anaemia, aethereus, tuberculum, folium, solutio, decoctum, tinctura, depuratus, signatura, operatio.*

#### Мавзуларга оид саволлар

1. Урғу қондасини айтиб бериш.
2. Бўғинларнинг чўзиқлик қондасини айтиб бериш.
3. Бўғинларнинг қисқалик қондасини айтиб бериш.
4. Тиббий атамаларда урғу қайси бўғинга қўйилади?
5. Унли товуш қачон чўзиқ ўқилади?
6. Унли товуш қачон қисқа ўқилади?

## Мустақил ўрганиш учун

### Латин мақоллари ва ҳикматли сўзлар

Omne principium difficile est.

Ҳар бир иш бошланишидагина қийин.

Qui scribit, bis legit.

Ёзмоқ, икки қайта ўқимоқдир.

Alit lectio ingenium.

Ўқиш ақлни пешлайди.

## 11-§. СЎЗЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

### Сўз тартиби. Тиббий атамаларнинг ясалиш усуллари

Ҳозирги замон латин тиббий атамалари тиббиётнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Қадимги юнон олими Буқрот тиббий атамашуносликка асос солган олимдир. Вақт ўтиши билан тиббий атамалар кўпгина янги сўзлар билан бойиди, кўпгина атамалар қайтадан кўриб чиқилди ёки маъноси ўзгартирилди. Энди у ёки бу атаманинг маъносини тушуниш учун кўпгина атаманинг таркибий қисмини фарқлаш билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг маъносини ҳам билиш керак, бунинг учун сўз таркибини билиш зарур. Ҳар бир сўзни, агар у фақат ёрдамчи сўз бўлмаса, маъноли қисмларга ажратиш мумкин: олд қўшимча, ўзак, сўз ясовчи қўшимча ва тугалланма.

Ўзак деб сўзнинг туб маъносини билдирадиган, бирор қўшимча олмаган қисмига айтилади. Масалан:

Medicus	— шифокор
medicina	— тиббиёт
medicinalis	— тиббий

Бу атамаларда умумий ўзак *medic* — ҳисобланади.

Ўзак олдида келиб унга янги маъно берадиган қисмига олд қўшимча дейилади:

Intercostalis	— қовурғалар оралиғига қарашли
intervertebralis	— умуртқалар оралиғига оид
interosseus	— суяклар оралиғига тегишли

Бу атамаларда олд қўшимча *inter* ҳисобланади.

Ўзакдан кейин келиб, сўзга янги маъно берувчи қисмига сўз ясовчи қўшимча дейилади:

costalis	— қовурғага тегишли
vertebralis	— умуртқага тегишли

Бу ерда сўз ясовчи қўшимча — **alis** ҳисобланади.

Сўзнинг турланиш ёки тусланишдаги ўзгарувчан қисмига тугалланма дейилади.

Succus prugus	— тоза шира
aqua pruga	— тоза сув
unguentum prugum	— тоза суртма

Бу атамаларда **-us, -a, -um** тугалланмалардир. Атаманинг асосий маъносини билдирувчи, сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмаган қисмига негиз дейилади.

costa	(негиз — cost)
vertebra	(негиз — vertebr)
intervertebralis	(негиз — intervertebr)

Латин тили анатомик ва фармацевтик атамаларда, юнон тили клиник атамаларда кўп учрайди.

Кўп атамалар боғловчи унли ҳарф ёрдамида ва унлиз иккита негизнинг қўшилиши билан ҳосил бўлади:

Psychotherapia	— руҳий касалликни даволаш
psyche	— руҳ
therapia	— даволаш
Oncologia	— ўсмаларни ўрганувчи фан
-onco	— ўсма
-logia	— фан
Dermatologia	— тери касалликларини ўрганувчи фан
dermat	— тери
-logia	— фан

Кўпчилик мураккаблаштирилган дориларнинг поми қисқартирилган мураккаб сўзлардан иборат бўлади. Улар шу мураккаблаштирилган дори таркибига кирадиган дориларнинг номини қисқартириш асосида тuzилади. Мисоллар:

Tempalginum	— темпальгин
Tempidonum	— temp
Analginum	— algin
Calmaginum	— калмагин,
Calcium	— cal
Magnium	— magni
Coffetaminum	— кофетамин
Coffeinum	— coffe
Ergotaminum	— tamin

Тиббий атамаларнинг ясалнида қўлланиладиган асосий сўз ясовчи қўшимчалар

Сўз ясовчи қўшимча		Маъноси	Мисоллар
Латинча	Юнонча		
1	2	3	9
in-, im-	a-, an-	инкор этиш, сифатсиз	impotentia — жинсий заифлик Analginum — оғриқ қолдирувчи дори
contra-	anti-	қарши	invalidus — кучсиз, мажруҳ Contraceptinum — ҳомилага қарши дори antifebrilis — иситмага қарши
-dol-	-alg-	оғриқ	neuralgia — асаб касаллиги Promedolum — оғриқ қолдирувчи дори
	dys-	аъзо фаолиятининг бузилиши	dyspnoë — нафас қисиши
	-aesths-	сезиш	anaesthesia — оғриқсизлантириш усулининг умумий номи
cor (d)-	-arthr- -card (i)	бўғим юрак	arthralgia — бўғим оғриги Corazolium — юрак дориси cardialgia — асаб касаллиги натижасида юракнинг хасталаниши
.bili-	-chol (e)-	жигар ўти	Bilistrastum — рентген орқали ўт пуфагини текшириш учун қўлланиладиган рангли модда cholecystitis — ўт пуфагининг яллигланиши
	-cyst-	пуфак	cystitis — сийдик пуфагининг яллигланиши
	-derma-, dermat-	тери	dermatitis — тери яллигланиши dermatologia — тери касал-

1	2	3	4
intra-	-ectomy-	кесиб ташлаш	ликларни ўрганувчи фан nephrectomia — буйракни кесиб олиб ташлаш tonsillectomia — бодомси- мон безни кесиб олиб ташлаш
	endo-	ички, ичидаги	endonasalis — бурун ичи intravenosus — кўк томир ичидаги
	enter-	ингичка ичак	enteritis — ингичка ичак яллигланиши
	epi-	устиди, устки қисм, кейин	epidermis — тери устки қавати epicrisis — фавқулоддаги кескин ҳолатдан кейин, касаллик ҳақида охириги (кейинги) фикр-мулоҳа- залар
	-gaster-	меъда, ошқо- зон	gastritis — меъда шиллиқ пардасининг яллигла- ниши
inter-	-haem (o) -aemia-	қон	haemostaticus — қон тўх- татувчи anaemia — камқонлик
	-itis-	ораси	intercostalis — қовургалар оралигига оид bronchitis — бронх яллиг- ланиши
	-logia-	фан	oncologia — ўсмаларни ўрганувчи фан
trans-	-meta-	жойидан кўчи- риш, ўзгар- тириш	metastasis — оғриқнинг бир аъзодан иккинчи аъзо- га ўтиши transfusio — қуйиш transplantatio — биров-бир аъзони кесиб олиб, бошқа жойга ўтказиш
	nephr-	буйрак	nephritis — буйракнинг ял- лигланиши
	-neur-	асаб	neuralgia — асаб касал- лиги
	-onco-	ўсма	oncologia — ўсмаларни ўр- ганувчи фан
	-oma-		osteoma — суюк тўқимала- ридан ўсувчи ўсма
	-ot-	қулоқ	otitis — қулоқ яллигла- ниши



1	2	3	4
	-para-	ёнида, ўхшаш, атрофида	paracortralis — марказ, атрофида parasternalis — кўкрак ёнида paratyphus — ич терламага ўхшаш касаллик arathia — бепарқлик ҳо- лати pathologia — касалликлар ҳақидаги фан
	-pathia-	касаллик	haemophilia — қон оқиши- га мойиллик spasmophilia — титраб-қақ- шашлик ҳолати
	-phil (ia)-	майл, ҳолат	pericardium — юрак хал- тачаси periosteum — суяк усти пўрдаси
	-peri-	атрофида, ёни- да, устига	proclitis — тўғри ичак шиллик пардасининг яллигланishi
	-proct-	тўғри ичак	rectoscopya — тўғри ичакни текшириш
	-rect (o)-		reanimatio — қайта тирил- тириш
ge-		қайта, янги- дан	gastroscopya — меъда бўш- лигини текшириш
	-scopya	текшириш	— буйракдан сунъий те- шик очиш
-stomia	жарроҳлик йўли би- лан сунъ- ий тешик очиш	nephrostomia	
-therapia	даволаш	hydrotherapia	— сув билан даволаш
-tomia	кесиш	tracheotomia	— кокирдакни кесиш
-tonia	босим	hypertonia	— қон босимининг кўта- рилиши
-trophia	озикланish	atrophia	— ориқлаш
-ur (ia)	сийдик	dysuria	— сийдик чиқилишининг қи- йинлашуви
		diureticus	— сийдик ҳайдовчи

17-машқ. Қуйидаги сўз ясовчи қўшимчаларни маъноси-  
га қараб жойлаштиринг ва ўқинг:

alg	қулоқ
arthr	юрак
cardi	бўғин
chole	пуфак
cyst	ички

endo	ўт
itis	ўсма
gastr	буйрак
dermat	оғриқ
contra	яллиғланиш
aesthes	меъда
nephr	тери
oma	қарши
ot	сезги

**18-машқ.** Қуйидаги тиббий атамаларни маъносига қараб ўз ўрнига қўйиб чиқинг ва ўқинг:

atrophia	қон босимининг кўта-рилиши
reanimatio	сийдик чиқишининг қийинлашуви
hydrotherapia	ўсмаларни ўрганувчи фан
dysuria	асаб касаллиги
Corazolum	ориқлаш
intravenosus	қайта тирилтириш
gastritis	сув билан даволаш
neuralgia	юрак дориси
oncologia	кўк томир ичидаги
hypertonia	ошқозон шиллиқ пардасининг яллиғланиши

**19-машқ.** Қуйидаги атамаларни латин тилида ёзинг ва ўқинг:

(Аналгинум), (инвалидус), (дерматология), (тэмпалгинум), (калмагинум), (нэуралгия), (кофтаминум), (онкология), (интеркосталис), (антипиринум), (коразолум), (диспное), (анэмиа), (хидротэрапия).

**20-машқ.** Қуйидаги сўз бирикмаларидан тиббий атама ясанг ва маъносини аниқланг.

Haemato —	— logia	Pharmaco —	— logia
Bio —		Sexo —	
Deonto —		Reanimato —	
Onco —		Stomato —	
Physio —		Toxico —	

Epidemio	—		Parasito	—	
Curorto	—		Surdo	—	
Balneo	—	—logia	Cyto	—	—logia
Angio	—		Audio	—	
Morpho	—		Histo	—	

### Мавзуларга оид саволлар

1. Лотинча сўз ясовчи қандай қўшимчаларни биласиз?
2. Юнонча сўз ясовчи қандай қўшимчаларни биласиз?
3. Анатомик ва фармацевтик атамаларда қайси тил кўпроқ ишлатилади?
4. Клиник атамаларда қайси тил устун туради?
5. Мураккаб атамалар қандай ясалади?
6. Мураккаблаштирилган дори номлари қандай ясалади?

### Мустақил ўрганиш учун

#### *Лотин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Pigritia est mater omnia vitiorum.

Дангасалик камчиликларнинг онаси.

Medicina fructusior ars nulla.

Тиббиёт фанидек сермахсул фан оламда йўқ.

Scientia est potentia.

Билим — кучдир.

Mens sana in corpore sano.

Соғ танда — соғ ақл.

## МОРФОЛОГИЯ

### 12-§. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Сўзларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан ўхшашликларига кўра айрим лексик-грамматик турларга бўлиниши натижасида ҳосил бўлган гуруҳларга сўз туркумлари дейилади.

Лотин тилидаги сўзлар мустақил ҳамда ёрдамчи сўз туркумларига бўлинади.

#### *Мустақил сўз туркумлари*

Nomen substantivum	от
Nomen adiectivum	сифат
Nomen numerale	сон
Pronomen	олмош
Verbum	феъл
Adverbium	равиш

#### *Ёрдамчи сўз туркумлари*

Praepositio	олд кўмакчи
Conjunctio	боғловчи
Interiectio	ундов
Particulae	юклама

### 13-§. ФЕЪЛ

Предметнинг иш-ҳаракати ёки ҳолатини ифодаловчи сўзлар феъл деб аталади. Масалан: *curare* — даволамоқ, *amare* — севмоқ, *legere* — ўқимоқ.

Лотин тилида феъл ўзбек тилидагидек шахс-сон, замон ва майл билан тусланади.

Лотин тилида феъллар тўрт турга тусланади. Биринчи турда тусланишга кирувчи феъллар «-age» қўшимчаси билан тугалланади. *Daqe* — бермоқ. Иккинчи турда тусланишга кирувчи феъллар «-ere» қўшимчаси билан тугалланади: *miscere* — аралаштирмоқ.

Учинчи турда тусланишга кирувчи феъллар «-ege» қўшимчаси билан тугайди: *solvero* — эритмоқ.

Тўртинчи турда тусланишга кирувчи феъллар «-ige» қўшимчаси билан тугайди: *audire* — эшитмоқ.

Агар биринчи, иккинчи ва тўртинчи турда тусланишга кирувчи феъллардан ноаниқ шаклдаги «ге», учинчи турда тусланишга кирувчи феъллардан эса «-ege» қўшимчалари олиб ташланса, феълнинг негизи ҳосил бўлади. Масалан:

Тусланиш	Феълнинг ноаниқ шакли	Феъл негизи
I	<i>Dare</i> — бермоқ	<i>da</i> —
II	<i>Miscere</i> — аралаштирмоқ	<i>miscere</i> —
III	<i>Solvere</i> — эритмоқ	<i>solv</i> —
IV	<i>Audire</i> — эшитмоқ	<i>audi</i> —

Латин тилида феъллар худди ўзбек тилидагидек бирлик (*singularis*), кўплик (*pluralis*) да тусланади.

Латин тилида феълнинг учта майли мавжуд:

- I *Indicativus* — аниқлик майли
- II *Conjunctivus* — шарт майли
- III *Imperativus* — буйруқ майли

#### Аниқлик майли

Аниқлик майли иш-ҳаракати ёки ҳолатининг аниқлигини кўрсатади. Масалан:

*Medicus aegrotam curat* — «Шифокор беморни даволаяпти».

#### Буйруқ майли

Буйруқ майли буюриш, сўраш, илтимос каби маъноларни ифодалаб, одатда иккинчи шахсга қаратилган бўлади. Буйруқ майли бирлик сонини ҳосил қилиши учун феълнинг ноаниқ шаклидан «-ге» қўшимчасини олиб ташлаш керак. Масалан:

Тусланиш	Феълнинг ноаниқ шакли	Феъл негизи	Буйруқ майли бирлик сони
I	<i>Dare</i> — бермоқ	<i>da</i>	<i>Da</i> — бер!
II	<i>Miscere</i> — аралаштирмоқ	<i>miscere</i>	<i>Misce</i> — аралаштир!
III	<i>Solvere</i> — эритмоқ	<i>solv</i>	<i>Solve</i> — эрит!
IV	<i>Audire</i> — эшитмоқ	<i>audi</i>	<i>Audi</i> — эшит!

Буйруқ майли кўплик сонини ҳосил қилиш учун феълнинг буйруқ майли бирлик сонига «-te», фақат учинчи тусланиш негизига «-ite» қўшимчасини қўшиш керак. Масалан:

Тусланиш	Феълнинг ноаниқ шакли	Феъл негизи	Буйруқ майли кўплик сони
I	Dare — бермоқ	da	Date — беринг!
II	Miscere — аралаштирмоқ	misce	Miscete — аралаштиринг!
III	Solvere — эритмоқ	solv	Solvite — эритинг!
IV	Audire — эшитмоқ	audi	Audite — эшитинг!

### Шарт майли

Шарт майли иш-ҳаракатининг маълум бир шароитда бўлиши мумкин эканлигини билдиради. Масалан:

Misceatur — Аралаштирилсин! Аралаштирилган бўлсин!

Signetur — Билдирилсин! Билдирилган бўлсин!

Detur — Берилсин! Берилган бўлсин!

Рецептларда шарт майли учинчи шахс бирлик ва кўплик сонларида ишлатилади. Масалан:

Dividatur in partes aequales — тенг қисмларга бўлинсин!

Dentur tales doses numero... — шундай миқдор (сон)...да берилсин.

Латин тилида феълларнинг иккита нисбати бор:

аниқлик нисбати (Activum)

мажҳуллик нисбати (Passivum)

Аниқлик нисбатидаги феълда иш-ҳаракати шахс томонидан бажарилади, тўлдирувчи эса ҳаракатнинг объекти бўлади. Аниқлик нисбати учинчи шахс бирлик сонини ҳосил қилиш учун феъл негизига -t, кўплик сонини ҳосил қилиш учун эса -nt қўшимчасини қўшиш лозим. Масалан: Medicus aegrotam curat — «Шифокор беморни даволяпти».

Мажҳуллик нисбатида ҳаракат тўлдирувчи англаган предмет томонидан бажарилиб, ҳақиқий бажарувчиси номаълум бўлади. Мажҳуллик нисбати учинчи шахс бирлик сонини ҳосил қилиш учун феъл негизига -tur, кўплик сонидан эса -ntur қўшимчасини қўшиш керак. Масалан: Aegrotus ab medicis curantur — «Бемор шифокорлар томонидан даволансин».

## I тусланиш

Dare — бермоқ (негизи — da)

### *Activum*

Учинчи шахс бирлик сони Dat — у бераяпти  
Учинчи шахс кўплик сони dant — улар бериша-  
япти

### *Passivum*

Учинчи шахс бирлик сони datur — берилсин  
Учинчи шахс кўплик сони dantur — берилсин

## II тусланиш

Miscere — аралаштирмоқ (негизи — misce)

### *Activum*

Учинчи шахс бирлик сони misceat — у аралаш-  
тираяпти  
Учинчи шахс кўплик сони miscent — улар ара-  
лаштиришаяпти

### *Passivum*

Учинчи шахс бирлик сони miscetur — аралашти-  
рилсин  
Учинчи шахс кўплик сони miscentur — аралаш-  
тирилсин

## III тусланиш

Феъл негизига бирлик сонда -i, кўпликда -u унли ҳарф-  
лари қўшилади.

Solvere — эритмоқ (негизи — solv).

### *Activum*

Учинчи шахс бирлик сони solvit — у эритаяпти  
Учинчи шахс кўплик сони solvunt — улар эрити-  
шаяпти

### *Passivum*

Учинчи шахс бирлик сони solvitur — эритилсин  
Учинчи шахс кўплик сони solvuntur — эритилсин

### IV тусланиш

Audire — эшитмоқ (негизи — audi)

#### *Activum*

Учинчи шахс бирлик сони audit — у эшитаяпти  
Учинчи шахс кўплик сони audiunt — улар эшити-  
шаяпти

#### *Passivum*

Учинчи шахс бирлик сони auditur — эшитилсин  
Учинчи шахс кўплик сони audiuntur — эшитилсин

Esse — бор бўлмоқ, ёрдамчи феълининг ҳозирги замон  
учинчи шахсда тусланиши.

Бирлик	Кўплик
Singularis	Pluralis
est — у бор	sunt — улар борлар

### III шахс

#### Мисол:

Zincum metallum est	— рух — металлдир
Argentum et Zincum metalla sunt	— кумуш ва рух — ме- таллардир

Fiat, fiant феълининг рецептларда қўлланилиши.  
Учинчи шахс бирлик сони шарт феъли fiat — қилинсин  
ва учинчи шахс кўплик сони шарт феъли fiant — тай-  
ёрлансин, fio, fieri — қилмоқ, ҳосил бўлмоқ феълидан  
ҳосил қилинган. Масалан:

Misce, fiat pulvis	— аралаштириб кукун ҳосил қилинсин
Misce, fiat unguen- tum	— аралаштириб суртма ҳосил қилинсин
Misce, fiat pilulae	— аралаштириб ҳаб дорн тайёрлансин



#### 14-§. ҒАПДА СҮЗЛАРНИНГ ТАРТИБИ

Латин тилида ғап бұлақларниинг тартиби эркиндир. Ғапниинг бошида эга, ўртасида тўлдирувчи, охирида кесим келади. Масалан:

*Aegrota pilulam sumit* — бемор ҳаб дори ичаяпти.

#### 15-§. ТИББИЕТДА ҚУЛЛАНИЛАДИГАН ҚУИИДАГИ ФЕЪЛЛАРНИ ХОТИРАШГИЗДА САВЛАНГ!

<i>Addere</i>	— қўшмоқ
<i>adhibere</i>	— қўлламоқ, ишлатмоқ
<i>agitare</i>	— чайқатмоқ
<i>audire</i>	— эшитмоқ
<i>auscultare</i>	— эшитиб кўрмоқ
<i>colare</i>	— сузмоқ
<i>concidere</i>	— кесмоқ
<i>conspargere</i>	— сепмоқ
<i>contundere</i>	— янчмоқ
<i>coquere</i>	— пиширмоқ, қайнатмоқ
<i>curare</i>	— даволамоқ
<i>dare</i>	— бермоқ
<i>diluere</i>	— қўшмоқ, суюлтирмоқ
<i>dignoscere</i>	— аниқламоқ
<i>dividere</i>	— бўлмоқ
<i>exsiccare</i>	— қуритмоқ
<i>extendere</i>	— суртмоқ
<i>extrahere</i>	— чиқариб олмоқ
<i>extrimere</i>	— сиқмоқ
	— сузгичдан ўтказмоқ
	— шакл бермоқ
<i>formare</i>	— тугатмоқ
<i>finire</i>	— қуймоқ
<i>infundere</i>	— ивитмоқ
<i>macerare</i>	— аралаштирмоқ
<i>miscere</i>	— ўраб олмоқ, қопламоқ
<i>obducere</i>	
<i>palpare</i>	— пайпасламоқ
<i>praeparare</i>	— тайёрламоқ
<i>recipere</i>	— олмоқ
<i>refrigerare</i>	— совитмоқ
<i>repetere</i>	— такрорламоқ

salvere	— соф бўлмоқ
valere	— соф бўлмоқ
servare	— сақламоқ
solvere	— эритмоқ
signare	— белгиламоқ
sterilizare	— қайнатиб тозаламоқ
sumere	— қабул қилмоқ, ичмоқ
terere	— қирғичдан ўтказмоқ
vertere	— орқасига айлантириб қарамоқ

**21-машқ.** Қуйидаги феълларни тусланишига кўра гуруҳларга ажратинг!

Audire, colāre, miscere, obducere, palpare, coquere, curare, dare, dividere, recipere, salvere, sumere, vertere,olvere, repetere, praeparare, conspergere, finire

**22-машқ.** Феълларнинг негизини аниқланг!

Addere, aqitare, filtrare, finire, macerare, servare, extendere, valere, signare, terere, vertere, concidere

Намуна:

Феъл	Тусланиш	Негиз
Addere	III	add

**23-машқ.** Қуйидаги феълларнинг буйруқ шаклини ҳосил қилинг ва ўзбек тилига таржима қилинг!

Agitare, audire, auscultare, conspergere, contundere, coquere, dignoscere, extendere, praeparare, signare, dare, terere, miscere, vertere, adhibere, filtrare, colare, finire obducere.

Намуна:

Феъл	Тусланиш	Негиз	Буйруқ майли	
			бирлик	кўплик
Audire	IV	audi	audi эшит	audite эшитинг

24-машқ. Қуйидаги феълларни маъносига қараб жойлаштиринг!

Auscultāre	— такрорламоқ
colāre	— олмоқ
obducere	— даволамоқ
dare	— шакл бермоқ
miscere	— белгиламоқ
praeparare	— эшитиб кўрмоқ
infundere	— сузмоқ
dividere	— ўраб олмоқ
signare	— бермоқ
formare	— аралаштирмоқ
dignoscere	— тайёрламоқ
curare	— қуймоқ
sterilizare	— бўлмоқ
vertere	— аниқламоқ
repetere	— қайнатиб тозаламоқ
recipere	— орқасига айлантириб қарамоқ

#### Мавзуларга оид саволлар

1. Латин тилида нечта тусланиш бор?
2. Қандай қўшимчали феъллар биринчи турда тусланади?
3. Қандай қўшимчали феъллар иккинчи турда тусланади?
4. Қандай қўшимчали феъллар учинчи турда тусланади?
5. Қандай қўшимчали феъллар тўртинчи турда тусланади?
6. Феълнинг негизини қандай аниқлаш мумкин?
7. I, II ва IV турда тусланадиган феълларнинг буйруқ шакли қандай ҳосил бўлади?
8. III турда тусланадиган феълларнинг буйруқ шакли қандай аниқланади?
9. Аниқлик нисбати феъл негизига қандай қўшимчалар қўшиш ёрдамида ҳосил қилинади?
10. Мажхуллик нисбати феъл негизига қандай қўшимчалар қўшилса ҳосил бўлади?

#### Мустақил ўрганиш учун

*Латин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Patriam amare et defendere debemus.

Ватанимизни севишимиз ва ҳимоя қилишимиз керак.

Non est medicina sine lingua latina.

Лотин тилисиз тиббиётни тасаввур этиб бўлмайди.

Salve

Ассалом.

Salvete

Ассалому алайкум!

Vale

Хайр! Яхши қол! Кўришгунча!

Valete

Кўришгунимизча хайр! Яхши қолинг!

Labor omnia vincit.

Меҳнат ҳамма нарсани енгади.

#### 16-§. ОТ

Предметнинг маъносини ифодалайдиган ва грамматик сон, эгалик, род, келишик категорияларга эга бўлиб, ким? нима? сўроқларига жавоб берадиган мустақил сўз туркумига от дейилади. Отларда уч хил грамматик род бўлиб, улар қуйидагича:

Род (Genus)

Genus masculinum — Генус маскулинум

Genus femininum — Генус фемининум

Genus neutrum — Генус неутрум

Сон (Numerale)

Лотин тилида отлар икки сонга эга:

Singularis — бирлик сон

Pluralis — кўплик сон

Лотин тилида ҳам худди ўзбек тилидагидек олти келишик мавжуд бўлиб, тиббиётда отлар асосан бешта келишикда турланади.

Келишик (Causus)

Causus Nominativus — бош келишик, ким? нима?

Causus Genetivus — қаратқич келишиги, кимнинг? ниманинг?

Causus Dativus — жўналуш келишиги, кимга? нимага?

Causus Accusativus — тушум келишиги, кимни? нимани?

Casus Ablativus	— чиқиш келишиги. кимдан? нимадан?
Casus Vocativus	— гапда бош келишик билан бир хил савол- га жавоб бўлиб кела- ди. Шунинг учун ҳам олтинчи келишик тиб- биётда қўлланилмай- ди.

Латин тилида отларнинг турланиш хусусиятларини асосан беш гуруҳга бўлиш мумкин. **Отларнинг гуруҳлардаги турланиш хили қаратқич келишиги (Genetivus Singularis) нинг бирлик сондаги келишик қўшимчасига қараб аниқланади.**

*Қаратқич келишиги бирлик сонининг беш гуруҳда турланиш қўшимчаларини хотирада сақланг.*

Гуруҳлар	Genetivus Singularis қўшимчалари
I	ae
II	i
III	is
IV	us
V	ei

Луғатда отлар қуйидагича ёзилади: бош келишикнинг тўлиқ шакли, кейин қаратқич келишигини қўшимчаси ва роди. Масалан:

Aqua, ae, f	— ўқилиши — aqua, aquae, feminini	— сув,
dens, ntis, m	— ўқилиши — dens, dentis, masculini	— тиш,
septum, i, n	— ўқилиши — septum, septi, neutri	— тўсиқ.

Отлар келишиклар бўйича турланганда от негизига келишик қўшимчалари қўшилади. Отнинг негизини топиш учун қаратқич келишик бирлик сони шаклидан келишик қўшимчасини олиб ташлаш керак:

Nominativus Singularis	Genetivus Singularis	От негизи
aqua	aquae	aqu —
dens	dentis	dent —
septum	septi	sept —

25-машқ. Қуйидаги отларнинг турланишини ва родини аниқланг:

Tinctura ae, f; musculus, i, m; species, ei, f; dysenteria, ae, f; cutis, is, f, coleapsus, us, m; unguentum; i, n, membrana, ae, f; spasmus, i, m; folium, i, n; dies, ei, f; coelia, ae, f; habitus, us, m; bacillus, i, m; aër, is, m, res, ei, f.

#### 17-§. ОТЛАРНИНГ БИРИНЧИ ГУРУХДА ТУРЛАНИШИ

Отларнинг биринчи гуруҳда келишиклар бўйича турланишига бош келишик бирлик сонида (Nominativus Singularis) «а» қўшимчаси билан тугалланган женский роддаги отлар киради. Қаратқич келишиги бирлик сонида (Genetivus Singularis) эса «ас» қўшимчаси билан тугалланади ва луғат шакли қуйидагича бўлади. Масалан: Tinctura, ae, f — спиртли эритма, tabuletta, ae, f — таблетка, pilula, ae, f — ҳаб дори. Бу отлар женский родга тегишли отлардир. Женский роддаги отлар қуйидаги келишикларда турланади.

Cesus	Singularis	Pluralis	Singularis	Pluralis
Nominativus	a	ae	pilula	pilulae
Genetivus	ae	arum	pilulae	pilularum
Dativus	ae	is	pilulae	pilulis
Accusativus	am	as	pilulam	pilulas
Ablativus	a	is	pilula	pilulis

Дори номлари ва доривор ўсимликлар номи ҳамма вақт бош ҳарф билан ёзилади.

#### 18-§. ОТЛАРНИНГ БИРИНЧИ ТУРДА ТУРЛАНИШИДА ИШЛАТИЛАДИГАН СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

1. Сўз ясовчи —ur+a қўшимчаси ҳаракат натижасини ифодаловчи феъллардан ҳосил бўлган отлар бўлиши мумкин. Мисоллар:

Fract-ur-a — синиш, frangere — синдирмоқ,  
 mixt-ur-a — аралашма, miscere — аралаштирмақ,  
 signat-ur-a — белгилаш, signare — белгиламақ,  
 tinct-ur-a — ивита (настойка) —  
 нинг спиртда тайёрланган эритмаси, tingere — ивитамоқ,

fiss-ur-a — ёриқ, дарз, findere — ёрмоқ  
 struct-ur-a — тузилиш, struere — тузмоқ,  
 recept-ur-a — рецептура, recipere — олмоқ феълидан  
 ҳосил қилинган.

2. -ul+a ва -cul+a сўз ясовчи қўшимчалари кичрайти-  
 риш маъносини англатади:

Gland-ul-a — безча, glans — эман меваси,  
 radic-ul-a — илдизча, radix — илдиз,  
 pil-ul-a — ҳаб дори, pila — тўп, копток,  
 partic-ul-a — қисмча, pars — қисм сўзларидан  
 келиб чиққан.

3. -in+a сўз ясовчи қўшимчаси соҳа, касаллик ва мод-  
 данинг маъносини англатиши мумкин:

Medic-in-a — тиббиёт,  
 medicus — шифокор,  
 ang-in-a — ҳалқум лимфа тўқимасининг ял-  
 лиғланиши,  
 angeion — қон томири,  
 gelat-in-a — елимшак,  
 gel — туз сўзларидан келиб чиққан.

Биринчи гуруҳда турланувчан қуйидаги юнон атамаларига женский родда Nom. Sing. -e, Gen. Sing. -es қўшимчаси қўшилади. Буларни фақат луғат шаклини билиш керак.

Aloë, es, f — алой, сабур,  
 Hippophaë, es, f — чирқаноқ,  
 Kalanchoë, es, f — каланхое,  
 chole, es, f — ўт (сафро),  
 Hierochloë, es, f — тилқийёр.

#### 19-§. ҚУЙИДАГИ АТАМАЛАРНИ ЕД ОЛИНГ!

М. Aorta, ae, f — шотомир  
 arteria, ae, f — ўқ қон томири  
 bursa, ae, f — халта  
 clavicula, ae, f — ўмров суяги  
 costa, ae, f — қовурга  
 cuticula, ae, f — нозик пўст тери  
 fascia, ae, f — мушак пардаси  
 fibula, ae, f — кичик болдир суяги  
 fossa, ae, f — чуқурча  
 fractura, ae, f — синиш

M.	glandula, ae, f	— безча
	lingua, ae, f	— тил
	mamma, ae, f	— сут безн
	mandibula, ae, f	— пастки жағ
	maxilla, ae, f	— юқори жағ
	pleura, ae, f	— ұпка пардаси
	scapula, ae, f	— курак
	tibia, ae, f	— катта болдир суяги
	tonsilla, ae, f	— бодомсимон без
	trachea, ae, f	— кекирдак
	urethra, ae, f	— сийдик чиқариш йўли
	urina, ae, f	— сийдик
	vagina, ae, f	— қин, аёллар жинсий аъзоси
	vena, ae, f	— кўк қон томир, вена
	vertebra, ae, f	— умуртқа
	vesica, ae, f	— пуфак
	vesicula, ae, f	— пуфакча
S—M.	bucca, ae, f	— лунж
	calvaria, ae, f	— калла суягининг қопқоғи
	cellula, ae, f	— хужайрача
	columna, ae, f	— умуртқа устунн
	concha, ae, f	— чиганоқ
	cornea, ae, f	— кўз шох пардаси
	crista, ae, f	— қирра
	fissura, ae, f	— ёриқ, дарз
	gingiva, ae, f	— милк
	gravida, ae, f	— ҳомиладор
	incisura, ae, f	— кесма, бұлакча
	mamilla, ae, f	— кўкрак сўрғичи, эмчак учи
	medulla, ae, f	— мия моддаси, мия
	medulla ossium	— иликли суяк
	medulla spinalis	— орқа мия
	medulla oblongata	— узунчоқ мия
	membrana, ae, f	— ноғора парда
	nucha, ae, f	— бүйинининг орқа томони
	orbita, ae, f	— кўз косаси
	palpebra, ae, f	— қовоқ
	papilla, ae, f	— сўрғич
	patella, ae, f	— тизза қопқоғи
	prostata, ae, f	— эркаклар жинсий аъзо- сининг тоқ (простата) бези
	pulpa ae, f	— гўшт, эт



## M—F

retina ac, f	— тўр парда (кўзга онд)
sclera, ac, f	— кўзнинг оқ пардаси
spina, ac, f	— тук
substantia, ac, f	— модда (асос)
sutura ac, f	— чок
vulva ac, f	— аёлларнинг ташқи жинсий аъзоси
Althaea, ac, f	— гулхайри
ampulla, ac, f	— 1) ампула, ичига дори солиб оғзи пайванд- ланган шишача, 2) найчали аъзонинг кенгайган қисми (анат.)
aqua, ac, f	— сув
Belladonna, ac, f	— белладонна, заҳарли ўт ўсимлик
Calendula, ac, f	— тирноқгул, гулҳамиша- баҳор
camphora, ac, f	— камфора, ўткир ҳидли модда
capsula, ac, f	— 1) капсула, аччиқ до- рининг эрувчан филофи 2) қобиқ (анат.)
Chamomilla ac, f	— мойчечак
charta, ac, f	— қоғоз
Convallaria, ac, f	— марваридгул
febricula, ac, f	— снгл иситма
gutta, ac, f	— томчи
herba, ac, f	— ўт (ўсим.)
massa, ac, f	— хамирсимон модда
massa pilularum	— ҳаб дорининг хамир- симон моддаси
Mentha, ac, f	— ялпиз
mixtura, ac, f	— микстура (суяқ дори- вор аралашма)
natura, ac, f	— табиат
oblata, ac, f	— ширин филоф
particula, ac, f	— қисмча, бўлакча
pasta, ac, f	— наста (қуюқ суртма дори)
pilula, ac, f	— ҳаб дори
Rosa, ac, f	— наъматак атиргул
ratula, ac, f	— тугмача дори
Salvia, ac, f	— маврак, мармарак
signatura ac, f	— белги, кўрсатма

tabuletta, ac, f	— таблетка, тугмачаси- мон дори
temperatura, ac, f	— ҳарорат
tinctura, ae, f	— настойканинг спиртда тайёрланган эритмаси
F. Valeriana, ac, f	— валериана
Amygdala, ac, f	— бодом (мева)
axungia, ac, f	— ёғ, мой
bacca, ac, f	— мева
Betula, ae, f	— қайин
calcaria, ac, f	— оҳак
cera, ac, f	— мум
colatura, ac, f	— сузиб тишдирилган сууюқлик
Cina, ac, f	— дармана
Cucurbita, ae, f	— ошқовоқ, кади
Datura, ae, f	— баггидевона
Ephedra, ae, f.	— эфедрa, игна баргли дарахт
Farfara, ac, f.	— туятовон
Frangula, ae, f	— итжумрут
gelatina, ac, f	— елимшак
gemma, ae, f	— куртак (ўсим.)
Gentiana, ae, f	— газакўт, гажакўт
Glycyrrhiza, ae, f	— қизилмия
Liquiritia, ae, f	— ширинмия
Ipecacuanha, ae, f	— ипекакуана, қустирув- чи (қайт қилдирувчи) илдиз
lagna, ac, f	— шиша идиш
Lavandula, ae, f	— лаванда, ҳаворанг. хушбўй яшил ўсимлик
Leuzea, ae, f	— левзея
officina, ae, f	— дорихона
olla, ae, f	— шиша идиш
Oryza, ae, f	— гуруч (шоли)
Periploca, ae, f	— периплока
pharmaceuta, ac, f	— доришунос
planta, ae, f	— ўсимлик
Polygala, ae, f	— истод
rezina, ae, f	— елим, қатрон
Sanguisorba, ae, f	— сангвизорба доривор кўкат
scatula, ae, f	— қутича
Schizandra, ae, f	— лимон
Senna, ae, f	— сенна

Terebinthina, ae, f	— терпентин, игна баргли дарахтнинг елими
Thea, ae, f	— чой
Tilia, ae, f	— жўка
Tormentilla, ae, f	— гозпанжа, бешбарг, ерчой
Urtica, ae, f	— чаёнўт

## 20-§. ЛОТИНЧА-ЮНОНЧА МАЪНОДОШ АТАМАЛАР

Лотинча	Юнонча	Ўзбекча
aqua	hydor	сув
cornea	keratos	кўзининг шох пардаси
glandula	aden	безча
lingua	glossa	тил
femina	gynacc	аёл
mamma	mastos	сут бези
lacrima	dacryon	кўз ёши
medulla	myelos	иликни суяк
palpebra	blepharon	ювоқ
urina	uron	сийдик
vagina	colpos	қин
vena	phleps	кўк томир
vertebra	spondylos	умуртқа
vesica	cystis	пуфак

26-машқ. Қуйидаги отларни таржимасига қараб жойлаштиринг. М:

Arteria	— пуфак
clavicula	— кўк қон томири
costa	— умуртқа
fibula	— қин
fractura	— сийдик
glandula	— курак
lingua	— катта болдир суяги
mandibula	— бодомсимон без
maxilla	— ўқ қон томири
pleura	— ўмров суяги
scapula	— қовурға
tibia	— синиш
tonsilla	— тил
urina	— юқори жағ
vagina	— ўнка пардаси

27-машқ. Тиббий атамаларни маъносига қараб жойлаштиринг. S—M:

Calvaria	— чок
columna	— модда

fissura	— аёлларнинг ташқи жинсий аъзоси
gingiva	— кўзнинг оқ пардаси
medulla	— эркаклар жинсий аъзосининг тоқ бези
membrana	— калла суяги қопқоғи
orbita	— устун
palpebra, ae, f	— ёриқ
prostate	— милк
papilla	— мия
sclera	— ногора парда
substantia	— кўз қосаси
sutura	— қовоқ
vulva	— сўрғич

28-машқ. *Латин тилидаги отларнинг ўзбекча муқобилини ўз ўрнига қўйинг.* М—Ғ:

Ampulla	— ҳарорат
aqua	— белги, кўрсатма
Belladonna	— спиртли эритма
Calendula	— валериана
camphora	— суюқ доривор аралашма
Chamomilla	— ялпиз
charta	— ампула
Convallaria	— сув
febricula	— белладонна
gutta	— тирноқгул
herba	— камфора
Mentha	— мойчечак
mixtura	— қоғоз
Salvia	— енгил иситма
signatura	— томчи
temperatura	— маврак
tinctura	— марваридгул

29-машқ. *Қуйидаги доривор гиёҳларнинг латинча номига ўзбекча номини мослаштинг.* Ғ:

Amygdala	— срчай
Betula	— чаёнўт
Leuzea	— ипекакуана
Cina	— жўка
Cucurbita	— чой
Datura	— терпентин
Ephedra	— сenna
Farfara	— лимон

Frangula	— сангвизорба
Gentiana	— истод
Glycyrrhiza	— периллока
Lavandula	— гуруч
Ipecacuanha	— левзея
Oryza	— лаванда
Periploca	— ширинмя
Polygala	— газакўт
Sanguisorba	— итжумрут
Schizandra	— туятовон
Senna	— эфедра
Terebiantlina	— бангидевона
Thea	— ошқовоқ
Tilia	— дармана
Tormentilla	— қайин
Urtica	— қизилмия
Liquiritia	— бодом

**30-машқ.** Қуйидаги атамаларни латин тилига таржима қилган ҳолда бош келишик бирлик ва кўплик (*Nominativus Singularis et Pluralis* ҳамда қаратқич келишик бирлик ва кўплик *Genetivus Sing. et Plur*)да турланг.

- М.** Ўқ қон томири, қовурға, бодомсимон без, тил, сийдик, курак, умуртқа, пуфак, кўк қон томири, сийдик чиқариш йўли.
- S—M.** Қалла суюгининг қопқоғи, ёриқ, милк, мия, ноғора парда, қовоқ, модда, кўз косаси, чиғаноқ.
- М—F.** Сув, тирноқгул, марваридгул, ўт, ҳаб дори, филоф, суюқ доривор аралашма, қуюқ суртма дори, тугмачасимон дори, спиртли эритма, валериана.
- F.** Бодом, ошқовоқ, мева, оҳак, мум, шиша идиш, ўсимлик, лимон, ширинмия, қутича, чаёнўт, чой, жўка, сузилган суюқлик.

Намуна:

Гуруҳ	Род	Nom. sing.	Gen. sing.	Nom. sing.	Gen. sing.
I	f	aqua	aquae	aquae	quarum

**31-машқ.** Қуйидаги отларнинг келишигини аниқланг.

- М.** Aorta, bursae, costarum, fibula, glandulae, fractura, venarum, vesicae, vagina, urinarum.

- S—M. Buccae, cellularum, cornea, incisurae, conchae, gravis.
- M—F. Aquarum, Belladonnae, Calendularum, camphorae, capsularum, Chamomillae, charta, Convallariae, guttarum.
- F. Baccarum, axungia, Betula, Cucurbitarum, Frangulae, gemmarum, Polygala, Sennae, scularum.

### 21-§. МОСЛАШМАГАН АНИҚЛОВЧИ

Латин тилида икки хил аниқловчи қўлланилади: мослашган аниқловчи сифат билан, мослашмаган аниқловчи эса қаратқич келишигида турланган от билан ифодаланиши мумкин. Масалан: aqua Menthae — ялпизнинг суви, tinctura Valerianae — валериананинг спиртли эритмаси, tabuleta Bromcamphorae — бромкамфоранинг тугмачасимон дориси, gemma Betulae — қайиннинг куртаги, vena portae — кўк қон томирнинг аъзога кириш жойи.

Мослашмаган аниқловчи билан аниқланувчи атамани келишиклар бўйича турлаганда фақат аниқланувчи сўз ўзгариб, мослашмаган аниқловчи эса ўзгармасдан қолади.

**32-машқ.** Қуйидаги мослашмаган аниқловчиларни ўзбек тилига таржима қилинг.

- M. Caput, fibulae, caput costae, corpus linguae, corpus tibiae, corpus vesicae, corpus vertebrae, fascia prostatae, fossa vesicae, incisura mandibulae, papilla mammae, ruptura vaginae.
- S—M. Ampulla tibiae (uterinae), commissura palpebrarum, concha auriculae, fascia nuchae, rima palpebrarum, spina scapulae, sutura calvariae, valva aortae, valvula venae.
- M—F. Aqua Menthae, guttae tincturae, Convallariae, tabulettae Bromcamphorae, tinctura Valerianae, herba Chamomillae, tinctura Calendulae.
- F. Aqua Amygdalarum, adde aquam, adde tincturam Schizandrae, adde guttas tincturae Calendulae, divide massam pilularum, da gemmas Betulae, macera baccas, gemma Betulae, Senna planta est, Calendula, Convallaria, Chamomilla, Ephedra, Farfara, Glycyrrhiza, Polygala et Salvia plantae sunt.

33-машқ. *Қуйидаги атамаларни латин тилига таржима қилинг.*

- S—M. Тилнинг кўк томири, кўк томирнинг аъзога кириш жойи, куракнинг синиши, ўмров суягининг синиши, қовурғаларнинг синиши, юқори жағнинг синиши, пастки жағнинг синиши, кўз шох пардасининг моддаси.
- M—F. Томчидан қўш, тугмачасимон доридан бер, спиртли эритмани аралаштир, суyoқ доривор аралашмадан бер, ялпиз суви томчисидан ол.
- F. Меваларни қуриш, сувдан қуйиш, меваларни ва куртакларни тер, бодом сувининг томчисидан ол.

## 22-§. ПРЕДЛОГ (ОЛД КУМАҚЧИ)ЛАР ВА БОГЛОВЧИЛАР

Предлог айрим от ёки отларни иккинчи бир сўз билан боғлаб, уларнинг орасидаги муносабатларни кўрсатиш учун қўлланилади. Ҳар қайси предлог фақат маълум келишик билан бирга ишлатилади. Предлоглар ўзлари боғланиб келган отларнинг олдида ва айрим ёзилади.

Тушум келишигида ишлатиладиган предлоглар:

Ante	— олдида
ad	— учун, -гача, -да (рецептда)
contra	— қарши
intra	— ичида
per	— орқали
post	— кейин, сўнг

Масалан:

Ad aegrotam	— касал учун
intra ventriculum	— меъда ичида
per vaginam	— қини орқали
post partum	— туққандан кейин
ante operationem	— операция олдида
contra scabies	— қичимага қарши

Чиқиш келишигида қўлланиладиган предлоглар:

cum	— билан
de	— ҳақида
ex	— дан
sine	— сиз
pro	— учун

Масалан:

Cum aqua	— сув билан
de morbo	— касаллик ҳақида
ex officina	— дорихонадан
sine colore	— рангсиз
pro aegrotis	— бемор учун

Тушум ва чиқиш келишигида қўлланиладиган предлоглар:

in -га, -да                      sub — остида

Масалан:

in aquam	— сувга
in aqua	— сувда
sub linguam	— тил остига
sub lingua	— тил остида

### Боғловчилар

Тиббий атамаларни бир-бири билан боғлаш вазифасини бажариб, турланмайдиган сўз боғловчи деб аталади.

et	— ва, билан
aut	— ёки
ut fiat	— ҳосил бўлгунча
seu	— ёки
sed	— лекин

Масалан:

Amidopyrinum aut Analginum	— амидопирин ёки анальгин,
costa et vertebra	— қовурга ва умуртқа,
miscere, ut fiat pulvis	— кукун ҳосил бўлгунча аралаштир
capsula seu ampulla	— капсула ёки ампула

**34-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг M—F

Da in capsulis amylaceis, da in ampullis, da in charta cerata, da in tabulettis, da in scatula, da in oblatiis.

F. Solve in aqua, infunde aquam in ollam, forma pilulas ex massa pilularum, pone tabulettam sublinguam.



35-машқ. Қуйидаги атамаларни лотин тилига таржима қилинг.

М—Ғ. Капсулаларда бер, қоғозда (ўралган ҳолда) бер, тугмачасимон дори шаклида бер.

Ғ. Тугмачасимон дорини сувда эрит, ҳаб дориларни қутичада (ичига солиб) бер, валерианаларни қутичада (ичига солиб) бер, валериананинг спиртли эритмасини шиша идишга қуй, қайин куртагидан спиртли эритма тайёрла, валериананинг спиртли эритмаси билан аралаштир.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Отларда нечта род бор?
2. Лотин тилидаги отларнинг сони нечага бўлинади?
3. Тиббиётда қайси келишиклар кўп қўлланилади?
4. Қайси келишик қўшимчасига қараб отларнинг гуруҳи аниқланади?
5. Беш гуруҳга тегишли отларнинг Gen. Sing. қўшимчасини айтиб беринг.
6. Отларнинг луғат шакли қандай ёзилади?
7. Луғатда отларнинг род белгиси қандай кўрсатилади?
8. Биринчи гуруҳ отлари қайси родга тегишли?
9. Биринчи гуруҳ отлари Nominativus et Genetivus да қандай қўшимчаларга эга?
10. Биринчи гуруҳ отларини ясашда қандай сўз ясовчи қўшимчалар қўлланилади?
11. Мослашмаган аниқловчи қандай сўзлар билан ифодаланиши мумкин?
12. Мослашмаган аниқловчи билан аниқланувчи атама келишикларда қандай турланади?
13. Accusativus келишигида қандай предлоглар қўлланилади?
14. Ablativus келишигида қандай предлоглар ишлатилади?
15. Тиббиётда қўлланиладиган боғловчиларни мисоллар асосида айтинг?
16. Лотинча-юнонча маънодош атамаларни айтиб беринг.

### Мустақил ўрганиш учун

*Лотин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Ars longa vita brevis.

Ҳаёт қисқа, санъат эса абадийдир.

Vita sine litteris mors est.

Илмсиз ҳаёт — ўлимдир.

*Amat victoria curat.*

Талабалик тиришқоқликни талаб қилади.

*Carpe diem.*

Бугунги ишни эртага қолдирма.

*Domus proptia — domus optima.*

Меҳмондорчилик яхши, уй ундан ҳам яхши.

### 23-§. РЕЦЕПТУРА

Рецептура — бу дориларни ёзиш ва тайёрлаш қондаларини ўрганувчи фандир.

#### Рецепт ва унинг асосий қисмлари

Рецепт — бу шифокорнинг дори тайёрлаш, тайёрланган дорини қабул қилиш усуллари кўрсатмаси ва даволаниш учун беморга бериш кераклиги тўғрисида дорихонага хат орқали мурожаат қилиши. Рецепт махсус варақаларда ёзилади.

Рецепт расмий ҳужжат бўлиб, уни ёзган шифокор, шу билан бирга дорини тайёрлаб берган доришунос ҳам рецептнинг тўғрилиги учун юридик жиҳатдан жавобгардир. Республикамизда рецептлар лотин тилида ёзилади, аммо рецептнинг қуйидаги қисмлари бундан истисно: сарлавҳа, дорини қандай қабул қилиш тўғрисидаги кўрсатма ва рецепт ёзган шахснинг имзоси.

#### Рецепт саккиз қисмдан иборат

1. Даволаш муассасасининг манзили ва телефон рақами.
2. Рецепт ёзилган кун, ой, йил.
3. Беморнинг исми-шарифи ва ёши.
4. Шифокорнинг исми-шарифи.
5. Дорининг номи ва миқдори.
6. Шифокорнинг дорихона ходимига дори тайёрлаш (суртма, кукуи ва бошқалар) тўғрисидаги кўрсатмаси.
7. Шифокорнинг беморга дорини қабул қилиш усули ҳақидаги кўрсатмаси.
8. Шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри.

Рецептнинг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмининг бошланғич сўзи лотин тилида ёзилади.

Бешинчи қисм—шартли белги R. (қисқартирилган ҳолда) билан бошланади (ресире—ол, ресиреге—олмоқ феълининг буйруқ майли учинчи шахс бирлик сонидир). Сўнгра бош ҳарф билан дори номи ёзилади, кейин миқ-

Дори кўрсатилади. Дори номи ҳамма вақт қаратқич келишиги (Genctivus) да ёзилади. Масалан:

Recipe: Tincturae Valerianae 10 ml  
Tincturae Convalariae 15 ml

Қаттиқ ва сочилувчан моддалар миқдори граммларда, суюқликлар эса миллилитр, томчиларда кўрсатилади:

(ниманинг?) (нимасидан?) (қанча?)

Ол: Марваридгулнинг спиртли эритмасидан 10 мл

Recipe: Tincturae Convalariae 10 ml

Агар икки дори моддасининг миқдори бир хил бўлса, унда иккинчи дори номидан кейин шартли белги аа (ана — тенг, баб-баравар) ёзилиб сўнгра дори миқдори кўрсатилади:

Recipe: Tincturae Convalariae  
Tincturae Velerianae аа 10 ml

Граммлар ва миллилитрлар араб рақамлари билан кўрсатилиб ёзилади: 3,0; 0,3; 0,03 ва бошқалар.

Томчилар рим рақамлари билан кўрсатилади: guttam I, guttas II.

Дори моддаларининг биологик таъсир бирлиги қисқача БТ шаклида, сони эса араб рақамлари билан ўнликлар, мингликлар, миллионларда ёзилади:

Recipe: Phenoxymethylpenicillini 100000

Олтинчи қисмда шифокор дори моддасига қанақа шакл беришни лотин тилида ёзади (кукун, ҳаб дори, суртма), уларга қандай ишлов бериш кераклиги, қанча миқдорда бериш ва қандай кўринишдалиги кўрсатилади: *Misce, fiat unguentum.*

Дориларни бирор нарсага ўраб ёки солиб бериш керак бўлса, рецептда керакли кўрсатмалар кўрсатилиб ёзилади:

Da in vitro nigro	— қора (рангли) шишачада бер.
Da in vitro flavo	— сариқ шишачада бер,
Da in charta cerata	— мумли қоғозда бер,
Da in ampullis	— ампулаларда бер,
Da in scatula	— қутичада бер.

Рецептнинг лотинча қисми шартли қисқартирилган S. (signa — белгила) ҳарфи билан тугайди (Signa—

белгила, яъни бу *signare* — белгиламоқ феълининг буйруқ майли учинчи шахс бирлик сонидир).

Еттинчи қисм дорини қабул қилиш усули (*Signatura*). Бу қисмда бемор тушунадиган тилда дори миқдори, вақти ва дорини қандай усулда қабул қилиш йўллари кўрсатилади:

*Signa*: 15 томчидан кунига 2 марта овқатдан ярим соат олдин,

*Signa*: 1 таблеткадан кунига уч маҳал,

*Signa*: 1 стакан иссиқ сувга 1 чой қошиқ (чайқаш учун).

### Рецептдаги қўшимча ёзувлар

1. Дорини тезлик билан тайёрлаш ёки бериш лозим бўлса, рецепт варақасининг юқори қисмига шифокор томонидан қуйидаги сўзлар ёзилади:

<i>Cito</i>	— тез! тезлик билан!
<i>Citissime</i>	— жуда тез!
<i>Statim</i>	— дарҳол!

2. Агар рецепт варақасининг орқа томонида дори номларининг давоми бўлса, у ҳолда шифокор рецепт варақаси пастининг ўнг томонига *Verte* — орқа томонига қаралсин! деб ёзади (қисқартирилгани — *V!*)
3. Агар ёзилган рецептни такрорлаш лозим бўлса, унда шифокор рецепт варақасининг юқорисига *Repete* — такрорла! *Repetatur* такрорлансин! ёки *Bis repetatur* — икки марта такрорлансин! деб ёзиб қўяди.

Рецептлар битта моддадан ташкил топган бўлса оддий, икки ёки ундан ортиқ моддадан ташкил топган бўлса, мураккаб рецепт дейилади.

Ўз.Р. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1982 йил 25 февралдаги 175-сонли буйруғига 2-илова.

## Рецепт варақасининг шакли

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Муассаса номи	ОКУД бўйича код шакли _____ ОКПО бўйича муассаса коди _____ 107/V сонли тиббий ҳужжат шаклини ЎзР. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган
---	--

### РЕЦЕПТ

(катталар, болалар учун—кераксизи ўчирилсин)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_ йил.

(рецепт ёзилган кун, ой, йил)

Беморнинг исми, шарифи

Еши

Шифокорнинг исми, шарифи

Сўм	тийин	
Сўм	тийин	

Шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри

Рецептнинг муҳлати—10 кун, 2 ой

(кераксизи ўчирилсин)

Рецепт варақасининг نامunasи

Шифокорга эслатма

- даволаш-профилактика муассасасининг шартли белгиси босма-хона усулида босилади ёки тўртбурчак муҳр қўйилади;
- рецепт лотин тилида тушунарли қилиб, аниқ ҳарфлар билан сиёҳда ёки шарикли ручкада ёзилади, рецептни тузатиш ман этилади;
- бир рецепт варақасида таркибида заҳарли ёки паша моддаси бўлган битта дори ёки иккита оддий ва кучли таъсир этувчи дори бўлиши мумкин;
- фақат қабул қилинган қисқартма отларнинг шартли белгиси ёзилиши керак;
- қаттиқ ва сочилувчан моддалар — граммларда (0,001; 0,5; 1,0), суюқликлар — миллилитрларда, граммларда ва томчиларда ёзилиши керак;
- дорию қабул қилиш усули бемор тушунадиган тилда ёзилиши керак, «ички», «маълум» каби умумий кўрсатмалар билан чеклашиш мумкин эмас;
- рецепт шифокорнинг имзоси, шахсий муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Дорини шахсий тайёрлаш №	Дорихонанинг тўртбурчак муҳри	
Қабул қилинди! Тайёрланди	Текширилди	Берилди

Рецепт варақасининг орқа томони

**30-машқ.** Қуйидаги рецептларни ўзбек тилига таржима қилинг. М—F.

- Recipe: Aquae Menthae 100,0 ml  
Da. Signa: 1 ош қошиқдан кунига 5—10 марта.
- Recipe: Tincturae Calendulae 40 ml  
Da. Signa: 10—20 томчидан кунига 2 марта.
- Recipe: Tincturae Convallariae 15 ml  
Da. Signa. 15 томчидан кунига 2—3 марта.
- Recipe: Tincturae Schizandrae 50 ml  
Da. Signa: 20—25 томчидан кунига 2 марта.
- Recipe: Tincturae Convallariae  
Tincturae Valerianae aa 10 ml  
Tincturae Belladonnae 5 ml  
Misce. Da. Signa: 20—25 томчидан кунига 2—3 марта.

**37-машқ.** Қуйидаги рецептларни латин тилига таржима қилинг.

1. Ол: Валериананинг спиртли эритмасидан 10 мл  
Бер. Белгила: 15—20 томчидан кунига 3 ма-  
ҳал.
2. Ол: Ялпизнинг спиртли эритмасидан 25 мл  
Бер. Белгила: 15—20 томчидан кунига 3 ма-  
ҳал.
3. Ол: Марваридгулнинг спиртли эритмасидан  
Валериананинг спиртли эритмасидан тенг миқ-  
дорда 15 мл  
Аралаштир. Бер.  
Белгила: 20 томчидан кунига уч марта.
4. Ол: Қайин куртагидан 30,0  
Бер. Белгила. 1 ош қошиқ куртак 1 стакан  
қайноқ сувда дамлансин, 2 ош қошиқдан ку-  
нига 3 маҳал ичилсин.

### Мавзуга доир саволлар

1. Рецепттура сўзини тушунтириб беринг.
2. Рецепт деганда нимани тушунасиз?
3. Рецепт неча қисмдан иборат?
4. Рецептнинг латинча қисми қайси сўзлар билан бош-  
ланиб, қайси сўзлар билан тугайди?
5. Рецептда дори номлари қайси келишикда ёзилади?
6. Қандай рецепт оддий ва қандайлари мураккаб рецепт  
дейилади?
7. Рецептларда қандай қўшимча сўзлар ёзилиши мум-  
кин?
8. Дорини тезлик билан тайёрлаш лозим бўлса қандай  
латинча сўзлар рецепт варақасига ёзилиши мумкин?

### Мустақил ўрганиш учун

*Латин мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалар*

Amicus certus in re incerta cernitur.

Содиқ дўст оғир кунда билинар.

Natura sanat, medicus curat.

Табиат соғайтиради, шифокор даволайди.

Usus optimus magister est.

Тажриба энг яхши устоздир.

Fugiens laboris.

Ялқов. Дағгаса.

Ното hebes.

Бефаросат. Ақлсиз одам.  
 Homo sapiens.  
 Ақлли одам.

**24-§. ТИББИЕТДА КҮП ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ЮНОНЧА СҮЗ  
 ЯСОВЧИ ҚҰШИМЧАЛАР ВА АТАМАЛАР М—Ғ.**

-aesthes, -aesthesia (gr. aesthesis)	— сезиш, ҳис қилиш
anaesthesia	— оғриқсизлантириш
-alg, -algia (gr. algos)	— оғриқ
neuralgia	— асаб касаллиги
-graph, -graphia (gr. grapho)	— чизаман, тасвирлайман, ёзаман
(ge. tomos)	— қават
tomographia	— рентген нурлари орқали қаватнинг аниқ тасвирини олиш
-haem, -haemat, -aemia (gr. haema)	— қон
anaemia	— камқонлик
-logia (gr. logos)	— фан
oncologia	— шишларни ўрганувчи фан
-metria (gr. metreo)	— ўлчайман, аниқлайман
craniometria	— калла суякгини ўлчаш
-path, -pathia (gr. pathos; apathia)	— 1) сезиш, 2) касаллик — сезмаслик, қизиқишнинг сўниши
-therm, -thermia (gr. thermos)	— иссиқлик, ҳарорат
hypothermia	— совиш
-ton, -tonia (gr. tonos)	— таранглашиш
hypertonia	— қон босимининг кўтарили- ши
-ur, -uria (gr. uron)	— сийдик
anuria	— сийдик чиқмаслиги
-rrhagia (gr. rrhagos haemorrhagia)	— юлинган, кесилган — қон оқиши (кетиши)
-scop, -scopia (gr. scopeo)	— кузатаман, ўрганаман
rectoscopya	— тўғри ичакни махсус асбоб- лар орқали текшириш
-therapia (gr. therapeia)	— қараш, даволаш
hydrotherapia	— сув билан даволаш
-trophia (gr. throphe)	— озиқланиш
atrophia	— ориқлаш
-ectasia (gr. ektasis)	— кенгайтириш, чўзиш



bronchoectasia	— бронхларнинг кенгайиши
-ectomy (gr. ectome)	— кесиш
tonsillectomia	— танглайдаги бодомсимон безни кесиб олиб ташлаш
-ergia (gr. ergon)	— иш, ҳаракат
(gr. allos)	— бошқа
allergia	— организмнинг бирон-бир дори моддасига қаршилиги
-malacia (gr. malakos)	— юмшоқ
osteomalacia	— суякларнинг юмшаши
-penia (gr. penia)	— етишмовчилик
lymphopenia	— периферик қонда лимфоцитларнинг камайиши
-phag, -phagia (gr. phagein)	— سموқ
dysphagia	— ютишнинг қийинлашуви
-philia (gr. philia)	— севмоқ, мойиллик
haemophilia	— қон кетишига мойиллик
-phobia (gr. phobos)	— қўрқув
photophobia	— ёруғликдан қўрқиш
-plasia (gr. plasis)	— шаклланиш, ҳосил бўлиш
hypoplasia	— ривожланмаган
-plegia (gr. plege)	— зарба, фалокат
hemiplegia	— мускул фаолиятининг бир томонлама издан чиқиши
-rhapsia (gr. rhapshe)	— чок
(gr. colpos)	— қин
colporrhaphia	— қин ички деворни тикиш
-sthenia (gr. sthenos)	— куч
asthenia	— ҳолсизланиш, умумий кучсизланиш
-stomia, stomat (gr. stoma, atos, n)	— тешик, оғиз
stomatologia	— оғиз бўшлиғи ва тиш касалликларини ўрганувчи фан

## 25 §. ОТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ГУРУҲДА ТУРЛАРИНИИ

Отларнинг иккинчи гуруҳига мужской (Masculinum) ва средний (Neutrum) роддаги отлар киради. Masculinum Nom. Sing. да **-us, -er** қўшимчасига, Neutrum Nom. Sing. да **um** қўшимчаларига эга. Иккала роддаги отлар Gen. Sing. да **-i** қўшимчаси билан турланади ва луғат шакли қуйидагича бўлади. Масалан:

Musculus, i, m	— мушак,
magister, tri, m	— ўқитувчи,
oleum, i, n	мой,
unguentum, i, n	— суртма

**Masculinum** ва **Neutrum** родларидаги отлар келишикларда қуйидагича турланади:

Causus	Singularis		Pluralis	
	Masculinum	Neutrum	Masculinum	Neutrum
Nominativus	—us, er	—um	—i	—a
Genetivus	—i	—i	—orum	—orum
Dativus	—o	—o	—is	—is
Accusativus	—um	—um	—os	—a
Ablativus	o	—o	—is	—is
Nominativus	musculus	oleum	musculi	olea
Genetivus	musculi	olei	musculorum	oleorum
Dativus	musculos	oleo	musculis	oleis
Accusativus	musculos	oleum	musculos	olea
Ablativus	musculos	oleo	musculis	oleis

### Қондадан ташқари ҳолат

Қуйидаги отлар **femininum** родига тегишли

Alnus, if	— қандағоч
Amygdalus, i, f	— бодом (дарахт)
Crataegus, i, f	— дўлана
Eucalyptus, i, f	— эвкалипт
Juniperus, i, f	— арча
Pinus, i, f	— қарағай
Rhamnus, i, f	— итжумрут
Padus, i, f	— шумурт
Sambucus, i, f	— маржон дарахти
Sorbus, i, f	— милаш (четан)

Дориларнинг асосий қисми **Neutrum** родида ёзилиб, **Nom Sing.** да **-um** қўшимчаси, **Gen. Sing.** да **-i** қўшимчаси қўшилади. Масалан:

**Nom.. Sing.** Analginum, Vaselineum, Novocainum,  
**Gen. Sing.** Analgini, Vaselini, Novocaini.

Дориларнинг ўзбекча номи лотинча номининг ўқилишига мос келади, фақат **-um** қўшимчаси бўлмайди:

Penicillinum  
 Norsulfazolium  
 Corvalolum

**26-§ ИККИНЧИ ГУРУҲДА ТУРЛАНУВЧИ ОТЛАРНИНГ  
ЯСАЛИШИДА ҚУЛЛАНИЛАДИГАН СЎЗ ЯСАВЧИ  
ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Сўз ясовчи қўшимчалар **-in +um** ва **-ol +um** кўпинча дори номларида қўлланилади: Analg in-um; Menthol-um.
2. Сўз ясовчи қўшимча **-ism +us** ҳар хил заҳарланишларни ва бирор-бир касалликка мойиллиги борлигини ифодалаш мумкин:

Saturn-ism-um (saturnus) — қўрғошин, қўрғошин буғидан ёки чангидан сурункали заҳарланиш

Ophid-ism-us (gr. ophis) — илон, илон заҳаридан заҳарланиш

Cocain-ism-us — кокаинга берилиш

Infantil-ism-us (infans) — бола, ақл пастлик

1. Сўз ясовчи қўшимча **-ment** — восита ёки тадбирни ифодаловчи отларни ҳосил қилишда хизмат қилади:

Liga-mentum (ligare) — боғламоқ, боғлам

ali-mentum (alare) — овқатлантирмақ, овқат

medica-mentum — дори-дармон

- Сўз ясовчи қўшимчалар **-ul +us**, **-cul +us**, **-ul +um**, **-culum** отларга кичрайтириш маъносини беради:

Globulus — соққача;

tuberculum — дўмбоқча;

capitulum — бошча;

granulum — донча;

globus — соққа,

tuber — дўмбоқ,

caput — бош,

granum — дон.

**27-§. ҚУВИДАГИ АТАМАЛАРНИ ЁД ОЛИНИГ**

M.	Bronchus, i, m	— бронх, нафас йўли
	oesophagus, i, m	— қизилўнғач
	humerus, i, m	— елка суяги
	morbus, i, m	— касаллик
	musculus, i, m	— мушак, мускул
	nasus, i, m	— бурун
	nervus, i, m	— асаб
	oculus, i, m	— кўз

	uterus, i, m	— бачадон
	ventriculus, i, m	— меъда, ошқозон
	cerebrum, i, n	— бош мия
	cranium, i, n	— калла суяги
	duodenum, i, n	— ўн икки бармоқли ичак
	intestinum, i, n	— ичак
	myocardium, i, n	— юрак мушаги
	endocardium, i, n	— юрак ички пардаси
	epicardium, i, n	— юрак мушагини сирт- дан қопловчи сероз парда
	pericardium, i, n	— юрак халтаси
	peritoneum, i, n	— қорин сероз пардаси
	rectum, i, n	— тўғри ичак
	per rectum	— тўғри ичак орқали
S—M.	angulus, i, m	— бурчак
	bulbus oculi	— кўз соққаси
	carpus, i, m	— кафт олди
	metacarpus, i, m	— кафт орқаси
	condylus, i, m	— бўртма шаклидаги ўсма
	digitus, i, m	— бармоқ
	folliculus, i, m	— халтача, пуфакча
	fundus, i, m	— таги, ости
	lobus, i, m	— бўлак
	lobulus, i, m	— бўлакча
	lumbus, i, m	— бел
	nodus, i, m	— тугун
	neonatus, i, m	— янги туғилган бола, чақалоқ
	pylorus, i, m	— меъданинг чиқиш қис- ми
	sulcus, i, m	— бурушиқ, ажин
	tarsus, i, m	— оёқ кафти юзасига оид
	metatarsus, i, m	— оёқ кафтига оид
	thalamus, i, m	— кўрув дўмбоғи
	thymus, i, m	— айрисимон без
	truncus, i, m	— гавда, поя, тана
	umbilicus, i, m	— киндик
	atrium, i, n	— юрак бўлмаси
	brachium, i, n	— елка
	antebrachium, i, n	— билак
	cavum, i, n	— бўшлиқ
	caecum, i, n	— кўричак

cerebellum, i, n	— мияча
collum, i, n	— бүйин, бүйишча
dorsum, i, n	— орқа
ileum, i, n	— ёнбош ичак
jejunum, i, n	— ингичка ичак
labium, i, n	— лаб
ligamentum, i, n	— боғлам
ovarium, i, n	— тухумдон
permeum, i, n	— оралиқ
septum, i, n	— тўсиқ
sternum, i, n	— кўкрак (тўш)
tympanum, i, n	— ноғора
membrana tympani	— ноғора парда
M—F. Crataegus, i, f	— дўлана
globulus, i, m	— соққача (шарча)
Helianthus, i, m	— кунгабоқар
Leonurus, i, m	— арслонқуйруқ
numerus, i, m	— сон (рақам)
sirupus, i, m	— шарбат
Strophanthus, i, m	— строфант
Strychnos, i, m	— чилибуха
succus, i, m	— шира
Absinthum, i, n	— эрмон (шувоқ, ёвшан)
acidum, i, n	— кислота
amylum, i, n,	— оҳор
antidotum, i, n	— заҳарга қарши, зидди-заҳар
decoctum, i, n	— қайнатма
emulsum, i, n	— эмулсия (суюқлик қоришмаси)
emplastrum, i, n	— малҳам
extractum, i, n	— экстракт (сўрим)
folium, i, n	— барг
granulum, i, n	— донача
Helichrysum, i, n	— бўзноч
Hypericum, i, n	— далачай, қизилпойча
infusum, i, n	— дамлама
linimentum, i, n	— суюқ суртма
oleum, i, n	— мой
Rheum, i, n	— ровоч
remedium, i, n	— даволаш воситаси
saccharum, i, n	— қанд, шакар
suppositorium, i, n	— шамча
unguentum, i, n	— суртма
venenum, i, n	— заҳар
vitaminum, i, n	— витамини

F.	vitrum, i, n	— шиша идишча
	Bacillus, i, m	— таёқсимон дори
	bulbus, i, m	— илдизпоя, пиёзбош
	briquetum, i, n	— брикет
	Eleutherococcus	— элеутерококк
	Galanthus, i, m	— бойчечак
	Hyoscyamus, i, m	— мингдевона
	Myrtilus, i, m	— черника
	Nerium oleander, dri, m	— самбитгул
	Oxycoccus, i, m	— клюква
	Ricinus, i, m	— канакунжут
	Rubus idaeus	— парманчак
	Thymus, i, m	— тоғжамбил
	acetum, i, n	— сирка
	Anisum, i, n	— арпабодиён
	butyrum, i, n	— мой (қуюқ)
	Chelidonium, i, n	— қончўп
	Equisetum, i, n	— қирқбўғим
	Erysimum, i, n	— желтушник
	Gnaphalium, i, n	— шивит
	Foeniculum, i, n	— гнафилий
	Gossypium, i, n	— пахта
	Ledum, i, n	— ледум
	Lycopodium, i, n	— ликоподий
	Linum, i, n	— зигир
	medicamentum, i, n	— дори-дармон
	Millefolium, i, n	— бўймодарон
	Stramonium, i, n	— бангидевона
	Tanacetum, i, n	— дастарбош
	Taraxacum, i, n	— қоқигул
	Triticum, i, n	— буғдой

## 28-§. ЛОТИПЧА-ЮНОПЧА МАЪНОДОШ АТАМАЛАР

Лотипча	Юнопча	Ўзбекча
calculus	lijth	тош
cancer	carcin	рак, хавfli ўсма
digitus	dactyl	бармоқ
morbis	path (o)	касаллик
musculus	myo	мушак
nasus	rhin	бурун

Лотинча	Юпопча	Ўзбекча
nervus	neur	асаб
oculus	ophthalm	кўз
umbilicus	omphal	киндик
uterus	hyster, metra	бачадон
ventriculus	gaster	меъда, ошқозон
caecum	typhi	кўричак
cerebrum	encephal	бош мия
intestinum	enter	ичак
crassum	col	йўғон ичак
ligamentum	desm (o)	боғлам
medicamentum	pharmac	дори-дармон
ovarium	oophor	тухумдон
rectum	proct	тўғри ичак
venenum	toxicon	заҳар

**38-машқ.** Қуйидаги отларни таржимасига қараб мослаштиринг. М.

Bronchus	қорин сероз пардаси
humerus	тўғри ичак
morbus	юрак мушаги
musculus	ичак
nasus	калла суяги
nervus	ўн икки бармоқ ичак
oculus	бош мия
uterus	нафас йўли
ventriculus	елка суяги
cerebrum	касаллик
cranium	мушак
duodenum	бурун
intestinum	асаб
myocardium	кўз
peritonaeum	бачадон
rectum	меъда

**39-машқ.** Қуйидаги атамаларни маъносига қараб жойлаштиринг. S—M.

Carpus	тухумдон
condylus	боғлам
digitus	ноғора
lobus	кўкрак
lumbus	орқа
nodus	кўричак
thymus	бўшлиқ
truncus	билак

umbilicus	кафт олди
brachium	бўртма шаклидаги ўсма
antebrachium	бармоқ
cavum	бўлак
caecum	бел
collum	тугун
dorsum	айрисимон без
labium	гавда
ligamentum	киндик
ovarium	елка
sternum	лаб
tympanum	бўйин

**40-машқ.** *Латин тилидаги отларнинг ўзбекчасини ўз ўрнига қўйинг. М—Ғ.*

Crataegus	заҳар
numerus	шиша идишча
sirupus	суртма
Helianthus	шамча
Strophanthus	мой
succus	ровоч
acidum	суюқ суртма
amylum	дамлама
decoctum	қайнатма
emulsum	барг
emplastrum	дўлана
extractum	сон
folium	шарбат
infusum	малҳам
linimentum	строфант
oleum	шира
Rheum	кислота
suppositorium	оҳор, крахмал
unguentum	қайнатма
venenum	эмульсия
vitrum	кунгабоқар

**41-машқ.** *Қуйидаги доривор гилҳларнинг латинча номига ўзбекчасини мослаштиринг. Ғ.*

Galanthus	дастарбош
Eleutherococcus	бангдевона
Myrtillus	қоқигул
Hyoscyamus	буғдой
Oxycoccus	бўймодарон
Thymus	зиғир



Ricinus	пахта
Anisum	шивит
Chelidonium	элеутерококк
Erysinum	бойчечак
Foeniculum	мингдевона
Equisetum	черника
Gossipium	канакунжут
Linum	клюква
Millifolium	тоғжамбил
Stramonium	арпабодиён
Tanacetum	қирқбўғим
Taraxacum	қончўп
Triticum	желтушник

42-машқ Қуйидаги атамаларни латин тилига таржима қилинг ва *Nominativus Sing.* ҳамда *Genetivus Sing.* да турланг.

- M қизилўнғач, елка суяғи, мушак, кўз, бачадон, меъда, юракнинг ички пардаси, юрак мушагини сиртдан қопловчи сероз парда, юрак халтачаси, тўғри ичак, ўн икки бармоқ ичак.
- S—M: бурчак, кўз соққаси, кафт орқаси, халтача, тағи, бўлакча, чақалоқ, оёқ кафти юзасига оид: ноғора парда, кўрув дўмбоғи, киндик.
- M—F: шарча, арслонқуйруқ, чилибуха, эрмон, зидди-заҳар, донача, бўзnoch, далачай, шакар, витамин, даволаш воситаси.
- F: таёқчасимон дори, пиёзбош, брикет, бойчечак, мингдевона, самбитгул, парманчак, қирқбўғим.

Намуна:

гуруҳ	род	Nom. Sing.	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
II	m	musculus	musculi	musculi	musculo- rum
II	n	folium	folji	folia	foliorum

43-машқ. Қуйидаги отларнинг келишигини аниқланг.

- M: oesophagus, morbus, musculi, cerebri, cranii, per rectum
- S—M: bulbi oculi, digitorum, lumbi, umbilici, brachii
- M—F: Crataegi, globulus, foliorum, suppositorii, veneni bacillorum, bulbi, Galanthus, Hyoscyami, Rubi idaei, acetum

**44-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг ва мослашмаган аниқловчини топинг.

- М:** anquillus, oculi, caput humeri, cavum pericardii, cavum pleurae, corpus humeri, fossa cranii, fundus oculi, septum nasi, septum linguae, morbus oesophagi.
- S—M:** angulus costae, cancer labii, collum costae, dorsum sellae, fractura digitorum, fissura cerebelli, fundus vesicae, ligamentum nuchae, morbus gingivorum, vestibulum vaginae
- M—F:** antidotum metallorum, decoctum foliorum, Salviae, extractum Absinthii, folia Convallariae, infusum herbae Hyperici, oleum Vaselini, sirupi Rhei, tinctura Strophanthi, unguentum Laevosini.
- F:** decoctum foliorum Uvae ursi, emplastrum Hydrargyri, folium Kalanchoës, herba Hyperici, infusum herbae Leonuri, sirupus Aloës, succus baccarum Myrtilli, tinctura Strychni.

**45-машқ.** Қуйидаги сўзларни лотин тилига таржима қилинг ва мослашмаган аниқловчини кўрсатинг.

- М:** қизилўнғачнинг хавфли ўсмаси (раки), меъда раки, асаб касаллиги, бош миyanинг кўк томири (Вена).
- S—M:** меъда ости, бармоқ синиши, мускул бойлами, ногора пардаси, тўш бурчаги, қовурға бўйинчаси, орқа мускул, калла суягининг чоки, миyanинг бўлакчалари, бош мия бўлаги, бачадон бўйинчаси,
- M—F:** ровоч экстракти (сўримн), гулхайри шарбати, шакар шарбати, маврак барглари, ялпизнинг спиртли эритмаси, глюкозанинг тугмачасимон дориси, йоднинг спиртли эритмаси, наъматак мойн, глициринли суртма, «Санитас»нинг суюқ суртмаси.
- F.** клюква меваси, ялпиз барги, каланхоэ шираси. Ол: Таёқчасимон дорилардан, соққачалардан ва шамчалардан, Бер: қончўп ўтидан, Ол: маврак барги дамламасидан, туятовон баргидан қайнатма тайёрла, Ол: парманчак шарбатидан керагича, шивит суви, мойчечак ўтидан дамлама тайёрла, ихтиол ва вазелиндан олиб суртма тайёрла.

46-машқ. Қуйидаги рецептларни ўзбек тилига тар-  
жима қилинг. М—F.

- Recipe: Tincturae Absinthii  
Tincturae Belladonnae аа 10 ml  
Misce. Da.  
Signa: 15—20 томчидан овқатланишдан олдин
- Recipe: Resorcini 1,0  
Vaselini 10,0  
Misce, fiat unguentum.  
Da. Signa: суртма.
- Recipe: Amidopyrini  
Analgini аа 0,25  
Da tales doses numero 6 in tabulettis.  
Signa: таблеткадан кунига 2—3 маҳал.
- Recipe: Infusi foliorum Salviae 20,0—200 ml  
Da. Signa: Чайқаш учун
- Recipe: Mentholi 2,0  
Olei Helianthi 20,0  
Misce. Da.  
Signa: Ментолли мой.
- Recipe: Tincturae Strychni 5 ml  
Tincturae Convallariae  
Tincturae Valerianae аа 10 ml  
Misce. Da.  
Signa: 20—25 томчидан кунига 2—3 марта.
- Recipe: Infusi herbae Hyperici 10,0—200 ml  
Da. Signa: 1 ош қошиқдан кунига 3—4 маҳал.
- Recipe: Olei Ricini 20,0  
Xeroformii 1,2  
Vinylini 1,0  
Misce, fiat linimentum.  
Da. Signa: Суртмали боғламлар учун.
- Recipe: Infusi foliorum Eucalypti 10,0—200 ml  
Da. Signa: Чайқаш учун.
- Recipe: Olei Eucalypti 10,0  
Mentholi 1,0  
Misce. Da.  
Signa: Буғли ингальяция учун.
- Recipe: Tabulettas Amidopyrini 0,25 numero 10  
Da. Signa: 1 таблеткадан кунига 2—3 марта.
- Recipe: Decocti foliorum Farfarae 15,0—200 ml  
Da. Signa: 1 ош қошиқдан ҳар 2—3 соатда

**47-машқ.** Қуйидаги рецептларни лотин тилига таржима қилинг. М—F.

- Ол: Анальгиндан 0,5  
10 дона шундай миқдорли таблеткадан бер.  
Белгила: 1 таблеткадан кунига 2 маҳал.
- Ол: Марваридгулнинг спиртли эритмасидан  
Валериананинг спиртли эритмасидан тенг  
миқдорда 10 мл  
Белладоннанинг спиртли эритмасидан 5 мл  
Ментолдан 0,2  
Аралаштир. Бер.  
Белгила: 20—30 томчидан кунига 2—3 марта.
- Ол: Арслонқуйруқ ўти дамламасидан 15,0—200 мл.  
Бер. Белгила: 1 ош қошиқдан кунига 3—4 марта.
- Ол: Арчагул барглариининг қайнатмасидан 10,0—200 мл  
Бер. Белгила: 1 ош қошиқдан кунига 3—5 марта.
- Ол: Сано барги дамламасидан 10,0—150 мл  
Ровоч шарбатидан 30 мл  
Аралаштир. Бер.  
Белгила: 1 ош қошиқдан эрталаб ва кечқурун ичиш учун.
- Ол: Шивит сувидан 200 мл  
Бер. Белгила: 1 ош қошиқдан кунига 5—6 марта.
- Ол: Чирқаноқ мойидан 30 мл  
Бер. Белгила: Суртиш учун.
- Ол: Қанакунжут мойидан 20,0  
Ксероформдан 1,2  
Винилиндан 1,0  
Суюқ суртма бўлгушча аралаштир.  
Бер. Белгила: Суртмали малҳам учун.

**Мавзуларга оид саволлар**

1. Иккинчи гуруҳда турланувчи отларга қайси родлар мисол бўлади?
2. Иккинчи гуруҳдаги турланувчи отларнинг луғат шакли қандай ёзилади?
3. Masculinum га оид иккинчи гуруҳ отлари Nom. Sing. ва Gen. Sing. да қандай қўшимчаларга эга бўлади?
4. Neutrum га оид иккинчи гуруҳ отлари Nom. Sing. ва Gen. Sing. да қандай қўшимчаларга эга бўлади?

5. Иккинчи гуруҳ отларини яашда қандай сўз ясовчи қўшимчалар ишлатилади?
6. Иккинчи гуруҳда турланувчи Femininum га оид отларни айтиб беринг.
7. Латинча-юпонча маънодош атамаларни айтиб беринг.

### Мустақил ўрганиш учун

*Латин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Homines dum docent, discunt.

Одамлар ўргатиб ўрғанадилар

Multum vinum bibere, non diu vivere.

Ичкиликни кўп ичган, кўп яшамайди.

Non progredi est regredi.

Олға интилмаслик, орқада қолмоқ демакдир.

Nulla aetas ad discendum sena.

Илмнинг кечи бўлмайди.

Qui quaerit — reperit.

Излаган — топади.

Summum bonum medicinae sanitas.

Тиббиётнинг олий мақсади — соғлиқ-саломатлик.

#### 29-§. ДОРИ НОМЛАРИ ЯСАЛИШИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН МАЪНОЛИ СўЗ ЯСОВЧИ ҚИСМЛАР

Кўпчилик дори номлари сунъий равишда ҳосил қилиниб, улар бир неча сўз бўлаклари орқали ифодаланиши мумкин. Бундай сўз қисмлари дорининг кимёвий таркиби, даволаш таъсири ёки фармакологик тавсифи ҳақида маълумот беради. Масалан, Ampicillinum, Bicillinum, Oxacillinum дори номларидаги cillin+um сўз ясовчи қисми шу дориларнинг антибиотик гуруҳига тегишли эканини ёки Phenaminum, Phenobarbitalum, Phenylbutazolum дори номларидаги — phen — умумий сўз ясовчи қисми шу дорилар таркибида фенил моддаси борлигини кўрсатади.

#### 30 §. ҚўЙИДАГИ МАЪНОЛИ СўЗ ЯСОВЧИ ҚИСМЛАРНИ, УЛАРНИНГ ЕЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИНИ ХОТИРАНГИЗДА САҚЛАНГ!

Маъноли қисм	Мазмуни	Мисоллар
—cillin—	антибиотик	Penicillinum
—mycin—	антибиотик	Streptomycinum
—cyclin—	антибиотик	Tetracyclinum

Маъноли қисм	Мазмуни	Мисоллар
—sulfa—	микробларга қарши сульфаниламидлар	Norsulfazolum Sulfadimezinum
—pyr—	иситма пасайтирувчи	Amjdopyrinum
—alg—,	огриқ қолдирувчи	Analginum, Promedolum
—dol—		
—chol—	ўт (саффо) ҳайдовчи	Allochololum
—cor—(lat)	юракка тегишли	Corvalolum
—card—(gr)	юракка оид	Cardiotoxinum
—oestr—	эстрогенлар	Oestradiolum
—aeth (yl)	этил	Aethaperazinum
—meth (yl) —	метил	Methylsulfazinum
—(a)zol—	азот гуруҳи	Aethazolium
—(a)zon—,	азот гуруҳи	Phthivazidum
—zid—		
—(a)zin—	азот гуруҳи	Sulfadimezinum
—thi (o) —	олтинугурт	Thioacetazonum
—phen (yl) —	фенил	Phenalginum
—hydr—	сув, водород	Hydrocortisonum
—oxy—	тахир, кислород	Oxytetracyclinum
—cain—	огриқсизлантирадиган	Novocainum
—aesth—	создирмайдиган	Anaesthocainum
—andr—,		
—test—	андрогенлар	Protandrenum, Methyl- testosteronum
—barb—	барбитуратлар	Phenobarbitalum
—thyr—	қалқонсимон без модда- си	Diiodthyrosinum
—Phyll—	барг	Theophyllinum
—anth—	гул	Strophanthinum
—naphth—	қора мой, нефть	Benzonaphtholum
—glyc—	ширин	Glycirinum
—the—,		
—thi (o) —	чай	Thioacetazinum
—stress—,		
—tranq—	тинчлантирадиган	Anastress, Tranquil
—ur—	сийдик ҳайдовчи	Urothrophinum
—vit—	витамин	Vitaminum, Undevit
—mal—, —al—	уйқу келтирувчи	Luminalum
—somm—	ухлатувчи	Somnafin
—hypn—	ухлатгич	Hypnobroom
—yl—, —hyle—	модда	Amylum

### Дориларнинг фармакологик таъсири

Одам аъзоларига бир хил таъсир кўрсатадиган дорилар фармакологияда гуруҳларга бўлинади ва улар сифат кўринишида бўлиб, дориларнинг фармакологик таъсирини таърифлайди.

**31-§. ҚУЙИДАГИ АТАМАЛАРНИ ХОТИРАНГИЗДА САҚЛАНГ!**

Analgetica	— оғриқ қолдирадиган
analeptica	— жонлантирувчи
anaesthetica	— сездирмайдиган (оғриқсизлантирадиган)
antiseptica	— юқумсизлантирадиган
cardiaca	— юракка тегинли
haemostatica	— қон тўхтатувчи
spasmolytica	— спазмолитик
hypotensiva	— қон босимини пасайтирувчи
hypnotica	— ухлатувчи
heroica	— таъсири бўйича кучли
narcotica	— наркотик
sedativa	— тинчлантирувчи
anthelminthica	— гижжага қарши
antiasthmatica	— нафас қисиншига қарши
antibiotica	— антибиотик
antipyretica	— иситма пасайтирувчи
sulfanilamidea	— микробга қарши
laxativa	— сурги, ички юмшатувчи
fungicida	— замбуруғли тери касаллигига қарши
diuretica	— сийдик ҳайдовчи
cholagoga	— ўт (сафро) ҳайдовчи
bactericida	— бактерицид (бактерияга қарши)

**48-машқ.** Қуйидаги дори номларида маъноли сўз ясовчи қўшимчаларни кўрсатинг. М—F.

Algolysinum, Aminazinum, Aethacridinum, Anaesthocalinum, Phthalazolium, Anaesthesinum, Barbamylum, Sulfacylum, Erythromycinum, Methylsulfazinum, Ampicillinum, Milocordinum, Octoestrolum, Pircophenum, Oleandomycinum, Sulfapyridazinum, Dicainum, Urodanum, Sulfadimethoxinum

**49-машқ.** Фармацевтик атамаларни маъносига қараб жойлаштиринг. М—F.

Analgetica	бактерицид
anaesthetica	ўт ҳайдовчи
antiseptica	сийдик ҳайдовчи
anthelminthica	сурги
antibiotica	микробга қарши
bactericida	наркотик
cardiaca	антибиотик
cholagoga	гижжага қарши

diuretica	оғриқ қолдирувчи
haemostatica	юқумсизлантирувчи
hypnotica	спазмолитик
laxativa	ухлатувчи
parcotic	қон тўхтатувчи
spasmolytica	юракка оид
sulfanilamidea	оғриқсизлантирувчи

50-машқ. *Дори номларини лотин тилига таржима қилинг ва маъноли сўз ясовчи қисмлар остига чизинг.* М—F.

Агопирин, бицилин, валокардин, амидопирин, тетрациклин, холагол, этазол, тиамин, метоксин, анестезин, совкаин, коргликон, нитроглицирин, тестостерон, феноксиметилпенициллин, антианемин, диазолин.

51-машқ. *Қуйидаги рецентларни ўзбек тилига таржима қилинг.* М—F.

Recipe: Dragée Diazolini 0,25  
Da tales doses numero 20  
Signa: 1 доначадан кунига 3 маҳал овқатдан кейин.

Recipe: Phenoli 0,5  
Glycerini 10 ml  
Misc. Da.  
Signa: Қулоққа томизиш учун.

Recipe: Sulfadimezini 0,5  
Da tales doses numero 20 in tabulettis.  
Signa: 2 таблеткадан кунига 4 маҳал.

Recipe: Sulfacyli — patrii 2,0  
Lanolini 0,8  
Vasellini ad 10,0  
Misc. fiat unguentum.  
Da. Signa: Кўзга суртиш учун.

52-машқ. *Қуйидаги рецентларни лотин тилига таржима қилинг.* М—F.

Ол: Кордиаминдан 10 мл  
Бер. Белгила: 20—25 томчидан ичиш учун.

Ол: Дибазолдан 0,02  
Шундай миқдорли 12 та таблетка бер.  
Белгила: 1 таблеткадан кунига 3 марта.

Ол: «Бетиол» шамчаларидан 10 дона  
Бер. Белгила: Кунига 1 шамчадан.

Ол: Нафталан эмулсиясидан  
Бер. Белгила: Компрессни юмшатиш учун.



32-§. КИМЁВИЙ МОДДАЛАР, ОКСИДЛАР, КИСЛОТАЛАР  
ВА ТУЗЛАРИНИНГ НОМИ

Фармацевтик атамаларнинг асосий қисмини кимёвий моддалар ва бирикмалар ташкил қилади.

1. Кимёвий моддалар

Ҳамма кимёвий моддаларнинг номи иккинчи гуруҳда турланувчи средний родга онд бўлиб **-um** қўшимчасига эга бўлади. Масалан:

Латинча номи	Кимёвий белгиси	Ўзбекча муқобили
Aluminum	Al	Алюминий
Argentum	Ag	Кумуш
Arsenicum	As	Маргинуш
Aurum	Au	Олтин
Barium	Ba	Барий
Bismuthum	Bi	Висмут
Borum	B	Бор
Bromum	Br	Бром
Calcium	Ca	Кальций
Carboneum	C	Карбон
Chlorum	Cl	Хлор
Cuprum	Cu	Мис
Ferrum	Fe	Темир
Fluorum	F	Фтор
Iodum	I	Йод
Hydrogenium	H	Водород
Nitrogenium	N	Азот
Oxygenium	O	Кислород
Hydrargyrum	Hg	Симоб
Kalium	K	Калий
Lithium	L	Литий
Magnium	Mg	Магний
Manganum	Mn	Марганец
Natrium	Na	Натрий
Plumbum	Pb	Қўрғошин
Silicium	Si	Кремний
Stibium	Sb	Сурьма
Thallium	Tl	Таллий
Zincum	Zn	Рух

Қондадан ташқари ҳолат:

Sulfur, uris, n — олтингугурт,

Phosphorus, i, m — фосфор

## 2. Оксидлар номи.

Ҳамма оксидлар иккита оддан ташкил топади.  
Биринчиси — модда номи Gen. Sing. иккинчиси оксидларнинг гуруҳ номи Nom. Sing. да бўлади. Масалан:

Calcii oxydum	— кальций оксиди
Hydrogenii peroxydum	— водород пероксиди
oxydum	— оксид
peroxydum	— пероксид
hydroxydum	— гидроксид

Чала оксидлар иккита оддан таркиб топиб, биринчиси — модда номи Nom. Sing. да, иккинчиси — чала оксид гуруҳининг номи oxydulatus, a, um сифати ҳам Nom. Sing. да бўлади:

Nitrogenium oxydulatum — азотнинг чала оксиди.

## 3. Кислоталар номи

Кислоталар номи acidum (кислота) от ва мослашган сифатдан ҳосил қилинади:

Acidum Lacticum	— суг кислота
Acidum Boricum	— борат кислота

Айрим ҳолларда моддалар иккита кислота ҳосил қилиши мумкин. Бу вақтда таркибида кислород миқдори кўп бўлган кислоталар -icum қўшимчали сифат ёрдамида ҳосил қилинади:

Acidum Sulfuricum	— олтингугурт кислотаси
Acidum Nitricum	— азот кислотаси
Acidum Phosphoricum	— фосфор кислотаси

Таркибида кислород миқдори кам бўлган кислоталар -osum қўшимчали сифат ёрдамида ҳосил қилинади:

Acidum Sulfurosum	— олтингугурт кислота
Acidum Phosphorosum	— фосфор кислота

Таркибида кислород моддаси бўлмаган кислоталар hydro — олд қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади:

Acidum Hydrochloricum	— водород хлорид кислота
Acidum Hydrobromicum	— водород бромид кислота
Acidum Hydroiodicum	— водород йодид кислота

#### 4. Тузлар номи.

Катион номи — от Gen. Sing. шаклида биринчи ўринга, анион номи ҳам от билан ифодаланиб Nom. Sing. шаклида иккинчи ўринга қўйилади. Таркибида кислород бўлган кислотали тузларни ифодаловчи анионлар **-as, -is** ва **-idum** қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади:

Kalii sulfas — калий сульфат, Kalii acetat — калий ацетат.  
Natrii sulfas — натрий сульфат. Natrii nitris — натрий нитрит,  
Natrii sulfidum — натрий сульфид.

#### 33-§. ҚУЙИДАГИ КИСЛОТАЛАР НОМИНИ ХОТИРАНГИЗДА САЌЛАНГИ

Acidum aceticum	— сирка кислота
Acidum acetylsalicylicum	— ацетилсалицилат кислота
Acidum benzoicum	— бензой кислота
Acidum boricum	— борат кислота
Acidum citricum	— лимон кислота
Acidum folicum	— фолат кислота
Acidum carbolicum	— карболат кислота
Acidum carbonicum	— кўмир кислота
Acidum glutaminicum	— глутамин кислота
Acidum lacticum	— сут кислота
Acidum nicotinicum	— никотинат кислота
Acidum salicylicum	— салицилат кислота
Acidum tartaricum	— узум кислота
Acidum ascorbinicum	— аскорбинат кислота
Acidum dehydrocholum	— дегидрохолат кислота
Acidum arsenicum	— маргимуш кислота
Acidum arsenicosum	— маргимушли кислота
Acidum ferro-ascorbini- cum	— темир аскорбинат кислота
Acidum nitricum	— азот кислота
Acidum nitrosum	— азотли кислота
Acidum sulfuricum	— олтингугурт кислота
Acidum sulfurosum	— олтингугурт кислота
Acidum hydrobromicum	— водород бромид кислота
Acidum hydrochloricum	— водород хлорид кислота
Acidum hydroiodicum	— водород йодид кислота

**53-машқ.** Қуйидаги кимёвий моддаларни таржимасига қараб ўз ўрнига қўйинг. М—Ғ.

Argentum	кислород
Aurum	рух
Barium	қўрғошин
Bromum	олтингугурт
Carbonium	водород
Chlorum	фосфор
Cuprum	натрий
Ferrum	магний
Fluorum	симоб
Hydrogenium	калий
Oxygenium	кумуш
Hydrargyrum	олтин
Kalium	барий
Magnium	бром
Natrium	углерод
Plumbum	хлор
Zincum	мис
Sulfur	темир
Phosphorus	фтор

**54-машқ.** Қуйидаги оксидларни ўзбек тилига таржима қилинг. М—Ғ.

Magnii oxydum, Hydrogenii peroxydum, Aluminii hydroxydum, Zinci oxydum, Hydrargyri oxydum, Magnii peroxydum, Aluminii hydroxydum

**55-машқ.** Кислоталарни таржимасига қараб мослаштиринг. М—Ғ.

Acidum aceticum	олтингугурт кислота
Acidum acetylsalicylicum	темир аскорбинат кислота
Acidum boricum	маргимуш кислота
Acidum carbolicum	азот кислота
Acidum carbonicum	аскорбинат кислота
Acidum glutaminicum	никотинат кислота
Acidum lacticum	салцилат кислота
Acidum nicotinicum	сирка кислота
Acidum salicylicum	ацетиласалцилат кислота
Acidum ascorbinicum	борат кислота
Acidum arsenicum	карболат кислота
Acidum ferro-ascorbincum	қўмир кислота
Acidum nitricum	глутамин кислота
Acidum sulfuricum	сут кислота

**56-машқ.** Қуйидаги тузларни ўзбек тилига таржима қилинг. М—Ғ.

Calcii chloras, Kalii acetat, Natrii arsenis, Zinci sulfas, Natrii nitris, Magnii sulfas, Natrii fluoridum, Hydrargyri cyanidum, Dihydrostreptomycini ascorbas

**57-машқ.** Тузларни латин тилига таржима қилинг. М—Ғ.

Барий сульфат, мис сульфат, кодеин фосфат, калий хлорид, натрий бензоат, кальций лактат, рух ди-хлорид, калий йодид.

**58-машқ.** Қуйидаги рецетларни ўзбек тилига таржима қилинг.

Recipe: Zinci oxudi

Amyli ana 5,0

Vaselini 10,0

Misce. Da. Signa: Қуюқ суртма

Recipe: Magnii oxudi 20,0

Aquae destillatae 120 ml

Misce. Da.

Signa: 1 ош қошиқдан ҳар дақиқада

Recipe: Natrii bromidi 4,0

Codeini phosphatis 0,2

Adonisidi 6,0

Aquae destillatae 200 ml

Misce. Da. Signa: 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал.

Recipe: Mentholi 0,15

Acidi boriçi pulverati

Zinci oxudi ana 0,75

Vaselini 15,0

Misce, fiat unguentum. Da.

Signa: Бурунга суртиш учун

Recipe: Acidi salicylici 1,0

Zinci oxudi

Amyli Tritici ana 12,5

Vaselini flavi ad 50,0

Misce, fiat pasta. Da.

Signa: Лассар қуюқ суртмаси.

**59-машқ.** Рецетларни латин тилига таржима қилинг. М—Ғ.

Ол: Бензой кислотасидан 0,6

Салицилат кислотадан 0,3

- Вазелиндан 10,0  
 Аралаштир. Бер.  
 Белгила: Суртма.
- Ол: Натрий бромиддан 6,0  
 Барбитал-натрийдан 1,0  
 Антипириндан 2,0  
 Валериананинг спиртли эритмасидан  
 Дўлана экстрактидан тенг миқдорда 6,0  
 Қалампирмунчоқ сувидан 200 мл  
 Аралаштир. Бер.  
 Белгила: 1 ош қошиқдан кунига уч маҳал.
- Ол: Натрий бромиддан  
 Калий бромиддан тенг миқдорда 3,0  
 Кофеин-натрий бензоатдан 0,5  
 Тозаланган сувдан 200 мл  
 Валериананинг спиртли эритмасидан 2,0  
 Аралаштир. Бер.  
 Белгила: 1 ош қошиқдан кунига 2—3 маҳал.
- Ол: Натрий бромиддан  
 Натрий гидрокарбонатдан тенг миқдорда 4,0  
 Кодеин фосфатдан 0,12  
 Валериананинг спиртли эритмасидан 10 мл  
 Тозаланган сувдан 180 мл  
 Аралаштир. Бер.  
 Белгила: 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал.
- Ол: Аммоний хлориддан 2,0  
 Кодеин фосфатдан 0,2  
 Ширинмия экстрактидан 6,0  
 Тозаланган сувдан 200 мл  
 Аралаштир. Бер.  
 Белгила: 1 ош қошиқдан ҳар икки соатда  
 ичиш учун.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Кимёвий моддалар қайси родга тегишли?
2. Оксидлар қандай ҳосил қилинади?
3. Чала оксидлар қандай ясалади?
4. Кислоталар номи қандай ҳосил бўлади?
5. Тузлар номи қандай усулда ҳосил бўлади?

### Мустақил ўрганиш учун

*Лотин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Consuetudo est altera natura.

Одат кишининг иккинчи табиатидир.

Fortes fortuna adiuvat.

Жасур кишиларга тақдир ёрдам беради.

Debes, argo potes.

Бажариш зарурми, демак қўлингдан келади.

Nomini cibus utilissimus est simplex.

Оддий овқат, одам учун ҳар нарсадан ҳам фойдали.

Ubi concordia, ibi victoria.

Ҳамжиҳатлик бор жойда, ғалаба бўлади.

### 34-§. СИФАТ

Предметнинг белгисини билдириб қандай? қанақа? саволларига жавоб бўлиб келган сўзларга сифат дейилади. Латин тилида сифатлар отлар каби родларда, сонларда ва келишикларда турланади. Сифатларнинг ўз келишик қўшимчалари бўлмаганлиги сабабли улар I II ва III гуруҳдаги отларнинг келишик қўшимчалари орқали турланади.

#### Сифатлар икки гуруҳга бўлинади:

биринчиси — биринчи ва иккинчи гуруҳда турланувчи сифатлар,

иккинчиси — учинчи гуруҳда турланувчи сифатлар.

Биринчи гуруҳда турланувчи сифатлар Femininum. родига тегишли бўлиб, Nom. Sing. даги қўшимчаси -a ва Masculinum ҳамда Neutrum родларига тегишли бўлиб, Masculinum Nom. Sing. да -us, -er қўшимчаларига ва Neutrum Nom. Sing. да -um қўшимчасига эга бўлади.

#### Биринчи гуруҳда турланувчи сифатларнинг луғат шакли

Луғатларда Masculinum родига тегишли сифатнинг тўлиқ шакли ёзилиб, кейин Femininum ва Neutrum родларининг Nom. Sing. қўшимчаси ёзилади. Масалан:

Purus, a, um	— тоза
ruber, bra, brum	— қизил,
niger, gra, grum	— қора.

Сифатларнинг луғат шаклини эсда сақлаш керак. Биринчи гуруҳ сифатларининг келишиклардаги турланиш намунаси.

1. Purus, a, um — тоза; 2. Dexter, tra, trum — ўн.

Casus	Masculinum	Femininum Singularis	Neutrum
Nominativus	pur+us	pur—a	pur—um
Genetivus	pur—i	pur—ae	pur—i
Accusativus	pur—um	pur—am	pur—um
Nominativus	pur—o	pur—a	pur—o
Ablativus	dexter	dextra	dextrum
Genetivus	dextr—i	dextr—ae	dextr—i
Accusativus	dextr—um	dextr—am	dextr—um
Ablativus	dextr—o	dextr—a	dextr—o

#### Pluralis

Nominativus	pur—i	pur—ae	pur—a
Genetivus	pur—orum	pur—arum	pur—orum
Accusativus	pur—os	pur—as	pur—a
Ablativus	pur—is	pur—is	pur—is
Nominativus	dextr—i	dextr—ae	dextr—a
Genetivus	dextr—orum	dextr—arum	dextr—orum
Accusativus	dextr—os	dextr—as	dextr—a
Ablativus	dextr—is	dextr—s	dextr—is

### 35-§. БИРИНЧИ ГУРУҲ СИФАТЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

1. Сифатларни яашда **-eus** ва **-aceus** сўз ясовчи қўшимчалари предмет белгисини, рангини ва унинг қандай моддадан ясалганлигини кўрсатади. Масалан:

Сувқалампирнинг суюқ экстрактдан тенг миқдорда 10 мл  
Жағ-жағнинг суюқ экстрактдан 10 мл  
Аралаштирилсин. Берилсин.  
Белгилансин; 30 томчидан кунига уч марта.

Ол: Салицилат кислотадан 2,0  
Куйдирилган аччиқтош  
Талькдан тенг миқдорда 50,0  
Аралаштир. Бер.  
Белгила: Сепма.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Neutrum родига тегишли отлар Nom. Sing. да қандай қўшимчаларга эга?
2. Neutrum родига оид отларнинг ясалишида қандай сўз ясовчи қўшимчалар қўлланилади?
3. Биринчи гуруҳ сифатлари учинчи гуруҳда турланувчи Neutrum родидаги отлар билан қандай мослашади?
4. Латинча-юнонча маънодош отларни айтиб беринг.

### Мустақил ўрганиш учун

#### *Латин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Non quaerit aeger medicum eloquentem, sed sanantem.  
Бемор ширинсухан шифокорни эмас, соғайтирувчи шифокорни истаydi.

Est modus in rebus.

Ҳамма нарсанинг чегараси (меъёри) бор.

Non omne, Quod nitet, aurum est.

Ялтироқ нарсалар олтин бўлавермайди.

Notae inflammationis sunt quattuor: rubor et tumor cum calore et dolore.

Яллигланишнинг белгилари тўртта: қизариш ва шиш ҳамда иситма оғриқ билан.

Optimum medicamentum quies est.

Ором энг яхши доридир.

### 54-§. ЮНОН ТИЛИДАН КИРИБ КЕЛГАН ТИББИЙ АТАМАЛАР

Латин тилига ва тиббий атамаларга юнон тилидан кириб келган кўпгина сўзларни учратиш мумкин. Буларнинг айримлари ўзининг соф юнонча шаклини сақлаб қолган, бошқалари эса латин тили қўшимчаларини қабул қилган. Шунинг учун ҳам уларнинг келишикларида турланиш хусусиятларини эса сақлаш лозим.

Биринчидан, Masculinum роддаги отлар Nom. Sig. да -es. Gen. Sing. эса -ae қўшимчаси билан тугайди ва би-

ринчи гуруҳда турланувчи отларнинг келишик қўшимчаларини олади. Масалан:

Diabetes, diabetae, m — қанд касаллиги,  
ascites, ascitae, m — истисқо, қоринга сув йиғилиши

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus	diabetes	diabetae
Genetivus	diabetae	diabetarum
Accusativus	diabetam	diabetas
Ablativus	diabeta	diabetis

Иккинчидан, Femininum роддаги отлар Nom, Sing. да -e, Gen. Sing. да -es келишик қўшимчалари билан тугайди. Бирлик сонда турланганда юнон тили қўшимчалари сақланиб, кўplik сонда эса биринчи гуруҳда турланувчи отларнинг келишик қўшимчаларини қабул қилади.

Phlegmone, phlegmones, f — яллиғлиши,  
rhaphe, raphes, f — чок, чок чизиғи,  
systole, systoles, f — қисилиш, сиқилиш

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus	rhaphe	raphae
Genetivus	raphes	rapharum
Accusativus	raphem	raphas
Ablativus	rhaphe	raphis

Учинчидан, -on қўшимчали отлар иккинчи гуруҳда турланувчи Neutrum роддаги отлар каби келишикларда турланади:

Skeleton, sceleti, n — скелет,  
organon, organi, n — аъзо

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus	organon	organa
Genetivus	organi	organorum
Accusativus	organon	organa
Ablativus	organo	organi



Тўртинчидан, Neutrum роддаги отлар Nom. Sing. да **-ma**, Gen. Sing. да **-atis** қўшимчаси билан тугайди ва учинчи гуруҳда турланувчи Neutrum роддаги отлар каби турланади, лекин Dativus et Ablativus Plur. да **-ibis** ўрнига **-is** қўшимчаси қўйилади:

Eczema, eczematis, n — чилла яра,  
 gramma, grammatis — грамм,  
 systema, systematis, n — система.

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus	gramma	grammata
Genetivus	grammatis	grammatum
Dativus	grammati	grammatis
Accusativus	gramma	grammata
Ablativus	grammate	grammatis

Бешинчидан, **-is** қўшимчали юнон тилидан кириб келган тенг мураккаб сўзлар учинчи гуруҳда турланувчи Masculinum ёки Femininum родларига тегишли отларнинг келишиқ қўшимчаларини олади, лекин қуйидаги турланиш хусусиятларига эга:

- а) Accusativus Singularis да **-em** (ўрнига — **im**)  
 Dativus Singularis да **-e** (ўрнига **-i**)  
 Genetivus Pluralis да **-um** (ўрнига — **ium**)  
 қўйилади  
 Basis, basis, f — асос  
 crisis, crisis, f — касаллик жараёнининг кескин ўзгариши.

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus	basis	bases
Genetivus	basis	basium
Dativus	basi	basibus
Accusativus	basim	bases
Ablativus	basi	basibus

#### 55-§. ҚУЙИДАГИ ЮНОНЧА АТАМАЛАРНИ ЁД ОЛИНГ!

- M. ancon, onis, m — тирсак  
 angeion, ii, n — томир  
 arthron, i, n — бўғим  
 carcinoma, atis, n — хавfli ўсма, рак  
 cele, es, f — дабба, чурра тушиши

colon i, n	— йўғон ичакнинг кўр- ичакдан тўғри ичакка- ча бўлган қисми
cystis, is, f	— пуфак
derma, atis, n	— тери
desma, atis, n	— боғлам
encephalon, i, n	— бош мия
enteron, i, n	— ичак
ganglion, ii, n	— тугун
genion, i, n	— ияк, энгак
haema, atis, n	— қон (томир ичидаги)
kephale, es, f	— бош
keratoma, atis, n	— эпидермис, шох қават- нинг ўсма каби қалин- лашуви
lipoma, atis, n	— ёғли ўсма
muxoma, atis, n	— шиллиқ парда сарко- маси
neuron, i, n	— асаб
osteon, i, n	— суяк
pyon, i, n	— йиринг
rhaple, es, f	— чок
soma, atis, n	— гавда, тана
stoma, atis, n	— оғиз
zygoma, atis, n	— ёноқ
S—M. anamnesis, is, f	— хотирлаш, эслаш
angiostenosis, is, f	— томирнинг торайиши
apostema, atis, n	— чипқон, сизлогич
ascites, ae, f	— асцит, қоринга сув йиғилиши
brachypnoë, es, f	— нафас олишнинг қис- қалиги
cardiorrhexis, is, f	— юрак фаолиятининг тўхташи (ёрилиши)
cataplasma, atis, n	— иссиқ сувга ҳўлланган дока боғлам йўли би- лан даволаш
cholclithiasis, is, f	— ўт халтачасига тош йиғилиши
cholestasis, is, f	— ўтнинг тўпланиб қо- лиши
diabetes, ae, f	— қанд касаллиги
diastole es, f	— юракнинг кенгайиши
dyspnoë es, f	— нафас қисичи, ҳарсил- лаш

enteroptosis, is f	— ичакларнинг пастга қараб силжиши
epidermis, is, f	— тери устки қавати
gastroptosis, is, f	— меъданинг пастга қараб силжиши
haemoptoë, ës, f	— нафас йўли орқали қон тушуриш
hydrohepatosis, is, f	— жигарда суюқлик тўпланиши
iridorrhexis, is, f	— кўз рангдор пардасининг ёрилиши
kyesis, is, f	— ҳомиладорлик
neurosis, is, f	— асаб касаллиги
odontopoësis, is, f	— тиш чиқиши
psychosis, is, f	— руҳий касаллик
systole, es, f	— юракнинг бир меъёрда қисқариши
uropoësis, is, f	— сийдик ҳосил бўлиши
xeroderma, atis, n	— терининг қуруқлашиши
M—F. Aloë, ës, f	— алой, сабур
astma, atis, n	— нафас бўғилиши
basis, is, f	— асос, негиз
chole, es, f	— ўт (сафро)
clysmā, atis, n	— ҳуқна, тўғри ичакни ювиш
crisis, is, f	— касаллик жараёнининг кескин ўзгариши
dosis, is, f	— миқдор ўлчови
diagnosis, is, f	— касалликни аниқлаш
gargarisma, atis, n	— чайқаш
hypnosis, is, f	— ухлатувчи
mensis, is, f	— ой
parcosis, is f	— сунъий уйқу ҳолати
pharmacon, i, n	— дори-дармон
phyton, i, n	— ўсимлик
pneumon, i, n	— ўпка
praxis, is, f	— амалиёт
psyche, es, f	— руҳ
pyrosis, is, f	— жигилдон қайнаши, зарда
rhizoma, atis, n	— илдизпоя
symptoma, atis, n	— белги, аломат
systema, atis, n	— система, тармоқ

**102-машқ.** *Юнонча атамаларни ўзбекча муқобили билан мослаштиринг. М:*

Argeion	суяк
arthron	йиринг
carcinoma	оғиз
cele	бош
colon	асаб
cystis	томир
derma	бўғим
encephalon	хавфли ўсма
enteron	дабба
ganglion	йўғон ичакнинг кўричакдан тўғри ичаккача бўлган қисми
genion	пуфак
haema	тери
kephale	ичак
neuron	бош мия
osteon	туғун
pyon	ияк, энгак
stoma	қон

**103-машқ.** *Қуйидаги атамаларни мазмунига қараб ўз ўрнига қўйинг. S—M.*

Anamnesis	асаб касаллиги
angiostenosis	терининг қуруқлашиши
apostema	сийдик ҳосил бўлиши
ascites	юракнинг бир меъёрда қисқариши
cardiorrhexis	руҳий касаллик
cataplasma	хотирлаш
diabetes	ўтнинг тўпланиб қолиши
diastole	томирнинг торайиши
dyspnoë	юрак фаолиятининг тўхташи
neurosis	иссиқ сувга ҳўлланган дока
psychosis	боғлаш йўли билан даво- лаш
cholestasis	қанд касаллиги
systole	юракнинг бир меъёрда кенга- йиши
uropoësis	нафас қисиши
xeroderma	чипқон истиқо, қоринга сув йиғили- ши

**104-машқ.** Қуйидаги атамаларни таржимасига қараб мослаштиринг. М—Ғ.

Aloë	илдизноя
asthma	белги
basis	чайқаш
chole	ухлатувчи
clysmā	дори-дармон
dosis	ўпка
diagnosis	руҳ
gargarisma	алой
hypnosis	нафас бўғилиши
pharmacop	асос, негиз
parcosis	ўт (сафро)
phyton	тўғри ичакни ювиш
psyche	миқдор ўлчови
rhizoma	касалликни аниқлаш
symptoma	сунъий уйқу ҳолати
pneumon	ўсимлик

**105-машқ.** Қуйидаги атамаларни латин тилига таржима қилинг ва *Nom.*, *et Gen. Singularis* ҳамда *Plur.* да турланг:

**М:** тирсак, хавфли ўсма, боғлам, қон, ёғли ўсма, гавда, ёноқ.

**S—М:** нафас олишнинг қисқалиги, ўт пуфагига тош йиғилиши. Ичакнинг пастга қараб силжиши, терининг устки қавати, меъданинг пастга қараб силжиши, жигарда суюқлик тўпланиши, кўз рангдор пардасининг ёрилиши.

**М—Ғ:** алой, ўт (сафро), касаллик жараёнининг кескин ўзгариши (миқдор ўлчови), касалликни аниқлаш, чайқош, дори-дармон, ўпка, руҳ.

Намуна:

Гуруҳ	Род	Nom. Sing.	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
III	f	dosis	dosis	doses	dosium

**106-машқ.** Қуйидаги сифатларни отлар билан мослаштиринг ва ўзбек тилига таржима қилинг: М—Ғ:

rete (venosus, a, um)	rhizoma (amarus, a, um)
os (latus, a, um)	rete (arteriosus, a, um)
diagnosis (certus, a, um)	auris (medius, a, um)
systema (nervosus, a, um)	oedema (malignus, a, um)

**107-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг. М—F:

basis cranii	canalis dentis
crisis morbi	rhizoma cum radicis
radix dentis	symptomata gastricis
anamnesis morbi	rhizoma Tormentillae

**108-машқ.** Қуйидаги рецептларни ўзбек тилига таржима қилинг. М—F:

- Recipe: Emulsi seminum Juglandis 180 ml  
Da. Signa: 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал.
- Recipe: Decocti rhizomatis Tormentillae ex 6,0—150 ml  
Sirupi Sacchari 10 ml  
Misc. Da.  
Signa: 1 чой қошиқдан кунига 3 марта
- Recipe: Pulveris Glycyrrhizae compositi 20,0  
Da.  
Signa: 1 чой қошиқдан кунига 2 марта.

### Мустақил ўрганиш учун

#### Латин мақоллари ва ҳикматли сўзлар

Quilibet fortunae suae faber.

Ҳар ким ўз бахтини ўзи яратади.

Potius mori quam foedari.

Шарманда бўлгунча, ўлган яхшидур.

Nihil est tam populare, quam bonitas.

Халқ яхшиликини юксак қадрлайди.

Qui non laborat, non manducet.

Ишламаган — тишламайди.

Aliis inserviando consumor.

Ўзгаларга нур бериб, ўзим адо бўламан.

### 56-§. ИККИНЧИ ГУРУҲ СИФАТЛАРИ

Иккинчи гуруҳ сифатлари учинчи гуруҳда турланувчи отларнинг келишиқ қўшимчаларида турланади. Иккинчи гуруҳ сифатлари учта кичик гуруҳга бўлинади:

1. (Тенг мураккаб) уч қўшимчали сифатларда ҳар бир род ўзининг қўшимчасига эга бўлади:

Masculinum	роди	-er, acer (m)	— ўткир
Femininum	роди	-is, acris (f)	— ўткир
Neutrum	роди	-e, acre (n)	— ўткир

Бу гуруҳнинг луғат шакли қуйидагича бўлади:

Silvester, tris, tre — ўрмонга оид

2. (Тенг мураккаб) икки қўшимчали сифатларда Masculinum ва Femininum роди **-is, medicinalis** — тиббий, Neutrum роди **-e, medicinale** — тиббий.

Бу гуруҳнинг луғат шакли қуйидагича бўлади:

letalis, e — ўлдирувчан

3. (Нотенг мураккаб) бир қўшимчали сифатларда учала род бир қўшимчага, яъни **-s, -x** ёки **-g** қўшимчаларига эга бўлиши мумкин. Бунда луғат шакли қуйидагича бўлади. Биринчи Nom. Sing. шакли тўлиқ ёзилади, кейин Gen. Sing.нинг келишик қўшимчаси кўрсатилади:

Simplex, icis — оддий

recens, ntis — янги чиққан, узилган, бузилмаган

par, paris — бир хил, барабар, тенг

teres, ctis — думалоқ, соққасимон

#### 57-§. ИККИНЧИ ГУРУҲ СИФАТЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

1. **-ilis, -bilis** сўз ясовчи қўшимчалари сифатнинг мажхуллик хусусиятини англатади:

facilis — енгил, facere — қилмоқ, бажармоқ

mobilis — енгил, ҳаракатчан, movere — ҳаракатланмоқ

sanabilis — даволаниши мумкин, sanare — даволамоқ

fragilis — мўрт, синувчан, frangere — синмоқ

volatilis — учувчан, volere — учмоқ феълларидан ҳосил қилинган

2. **-alis, -aris** сўз ясовчи қўшимчалари сифатнинг бирор нарсага қарашлилигини, бирор нарсага боғлиқлигини ёки бирор нарсдан келиб чиққанлигини кўрсатиши мумкин:

dorsalis — орқа томонга оид, dorsum — орқа томон

lateralis — ёнбошга тегишли, latus, lateris — ёнбош

palmaris — кафтга оид, palma — кафт

plantaris — оёқ кафтига оид, planta — оёқ кафти сўзларидан ҳосил қилинган.

Тиббиётда қўлланилувчи сифатларнинг асосий қисмини иккинчи гуруҳ сифатлари ташкил қилади.

#### 58-§. ҚУИИДАГИ АТАМАЛАРНИ ЁД ОЛИНГИ!

M.	Biceps, bicipitis	— икки бошли
	cerebralis, e	— миёга оид
	cervicalis, e	— бўйинга тегишли
	costalis, e	— қовурғага қарашли
	intercostalis, e	— қовурғалар орасига оид
	cranialis, e	— калла суюғига тегишли
	dorsalis, e	— орқа томонга қарашли
	ethmoidalis, e	— панжарасимон
	facialis, e	— юзга (бетга) тегишли
	lateralis, e	— ёнбошга оид
	nasalis, e	— бурунга оид
	occipitalis, e	— энсага тегишли
	renalis, e	— буйракка қарашли
	sacralis, e	— думғазага оид
	sphenoidalis, e	— понасимон
	spinalis, e	— орқа ўсимтага оид
	temporalis, e	— чаккага оид
	vertebralis, e	— умуртқага тегишли
S—M.	articularis, e	— бўйинга оид
	ascendens, entis	— кўтарилувчи
	descendens, entis	— тушувчи
	brachialis, e	— елкасимон
	brevis, e	— қисқа
	caudalis, e	— қуйруққа оид
	centralis, e	— марказий
	distalis, e	— марказдан (гавдадан) узоқ
	femoralis, s	— сонга тегишли
	frontalis, e	— манглайга оид
	intervertebralis, e	— умуртқа оралиғига тегишли
	intramuscularis, e	— мушак ичига қарашли
	lacrimalis, e	— кўз ёшига оид
	lingualis, e	— тилсимон
	sublingualis, e	— тил остига тегишли
	longitudinalis, e	— узунасига



	lumbalis, e	— белга оид
	muscularis, e	— мушакка тегишли
	ovalis, e	— тухумсимон шаклли
	parietalis, e	— бош (суяк)нинг тена қисмига оид
	proximalis, e	— юқори камарга яқин қисм
	pulmoralis, e	— ўпкага қарашли
	radialis, e	— билакка оид
	reconvalescens, tis	— соғайтирувчи, соғаяувчи
	sternoclavicularis	— тўш-ўмровга тегишли
	superficialis, e	— юзаки
	teres, etis	— думалоқ, айланасимон
	triceps, itis	— уч бошли
	ventricularis, e	— меъда
M—F.	aequalis, e	— тенг баравар
	communis, t	— умумий
	dulcis, e	— ширин
	letalis, e	— ўлдирувчан
	majalis, e	— май ойига тегишли
	medicinalis, e	— тиббий
	naturalis, e	— табий
	nitens, ntis	— ялтироқ
	Viride (is) nitens (ntis)	— бриллиант яшили
	officinalis, e	— дорихонага оид
	pectoralis, e	— кўкракка тегишли
	simplex, icis	— оддий
	solubilis, e	— эрувчан
	enterosolubilis, e	— ичакда эрувчи
	subtilis, e	— майда
	talis, e	— шунақа, ўхшаш
	vaginalis, e	— қинга оид
	vernalis, e	— баҳорги
F.	adjuvans, ntis	— ёрдамчи, иккинчи даражали
	arvensis, e	— далага оид
	chinensis, e	— хитойча
	consiliuens, ntis	— дорн шаклини ҳосил қилувчи
	corrigens, ntis	— тузатувчи
	expectorans, ntis	— балғам кўчирувчи
	glacialis, e	— музсимон
	laxans, ntis	— сурги, ични юмшатувчи

mollis, e	— юмшоқ
originalis, e	— асл нусха
paluster, tris, tre	— ботқоққа оид
pinguis, e	— ёғли, мойли
purgans, ntis	— сурги
rectalis, e	— тўғри ичакка тегишли
recens, ntis	— янги чиққан, бузилмаган, айниммаган
silvester, tris, tre	— ўрмонга оид
tricolor, oris	— уч хил рангли
utilis, e	— фойдали
vegetabilis, e	— ўсимликка оид
viridis, e	— яшил, кўкатсимон
volatilis, e	— учувчан
vulgaris, e	— оддий

#### 59-§. ЛОТИНЧА-ЮНОНЧА МАЪНОДОШ АТАМАЛАР

Лотинча	Юнонча	Ўзбекча
dulcis	glys	ширин
lacrimalis	dacri	кўз ёшига оид
vegetabilis	phyton	ўсимликка оид
naturalis	physis	табиий
lingualis	glossa	тилсимон
mollis	malac	юмшоқ
ocularis	ophthalmos	кўзга оид
pulmonalis	pneumon	ўпкага тегишли
vertebralis	spondylos	умуртқага оид

#### 60-§. ИККИНЧИ ГУРУҲ СИФАТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ҲАМДА УЧИНЧИ ГУРУҲЛАРДА ТУРЛАНУВЧИ ОТЛАР БИЛАН РОДДА, СОНДА ВА КЕЛИШИКЛАРДА МОСЛАШУВИ

Иккинчи гуруҳ сифатлари биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳларда турланувчи отлар билан родда, сонда ва келишикларда мослашади, лекин келишиклар бўйича турланганда қўшимчалари ҳар хил бўлади. Масалан:

1. Tinctura simplex	— оддий спиртли эритма,
tinctura, ae f	— спиртли эритма.
simplex, icis	— оддий

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus Genetivus Accusativus Ablativus	tinctura simplex tincturae simplicis tincturam simplicem tinctura simplici	tincturae simplice tincturarum simplicium tincturas simplices tincturis simplicibus

2. Morbus gravis  
morbus, i, m  
gravis, e
- оғир касаллик,  
— касаллик,  
— оғир.

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus Genetivus Accusativus Ablativus	morbu gravis morbi gravis morbum gravem morbo gravi	morbi grave morbo im gravium morbos graves morbis gravibus

3. Pars aequalis  
pars, partis, f  
aequalis, e
- тенг қисм,  
— қисм,  
— тенг.

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus Genetivus Accusativus Ablativus	pars aequalis partis aequalis partem aequalem parte aequali	partes aequales partium aequalium partes aequales partibus aequalibus

4. Semen dulce  
semen, inis, n  
dulcis, e
- ширин уруф,  
— уруф,  
— ширин.

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus Genetivus Accusativus Ablativus	semen dulce seminis dulcis seman dulce semine dulci	semina dulcia seminum dulcium semina dulcia seminibus dulcibus

109-машқ. Сифатларни таржимасига қараб мослаштиринг М.

- |            |                   |
|------------|-------------------|
| Cerebralis | орқа ўсимтага онд |
| cervicalis | чаккага тегишли   |
| costalis   | умуртқага онд     |

cranialis	буйракка оид
intercostalis	мянга оид
dorsalis	бўйинга оид
facialis	қовурғага қарашли
nasalis	қовурғалар орасига оид
occipitalis	калла суягига тегишли
renalis	орқага қарашли
sacralis	юзга тегишли
spinalis	бурунга оид
temporalis	энсага тегишли
vertebralis	думғазага оид

**110-машқ.** *Қуйидаги сифатларни мазмунига қараб ўз ўрнига қўйинг.* М—F.

Articularis	меъдасимон
ascendens	билакка оид
descendens	ўпкага қарашли
brachialis	бош (суяк)нинг тепа қисмига оид
candalis	бўғинга оид
centralis	кўтарилувчи
femoralis	тушувчи
frontalis	елкасимон
intervertebralis	қуйруққа оид
intramuscularis	марказий
lacrimalis	сонга тегишли
lingualis	манглайга оид
lumbalis	мушак ичига қарашли
muscularis	умуртқа оралиғига тегишли
parietalis	кўз ёшига оид
pulmonalis	тилсимон
radialis	белга оид
ventricularis	мушакка тегишли

**111-машқ.** *Лотинча атамаларнинг ўзбекча муқобилини топинг.* М—F.

aequalis	қинга оид
communis	шунақа
dulcis	баҳори
letalіs	майда
medicinalis	тенг
naturalis	ширин
officinalis	ўлдирувчан
pectoralis	тиббий
simplex	табiiй
solubilis	лорихонага оид

subtilis	оддий
talis	эрувчан
vaginalis	кўкракка тегишли
vernalis	умумий

**112-машқ.** Қуйидаги атамаларни латинча муқобилига қараб жойлаштинг. F.

Aduvans	ўсимликка оид
constituens	яшил
corrigens	учувчан
expectorans	фойдали
glacialis	тўғри ичакка тегишли
laxans	ёрдамчи
mollis	дори шакли ҳосил қилувчи
originalis	тузатувчи
pinguis	балгам кўчирувчи
rectalis	музсимон
utilis	сурғи
vegetabilis	юмшоқ
viridis	асл нусха
volatilis	ёғли

**113-машқ.** Қуйидаги сифатларни латин тилига таржима қилинг ва лугат шаклида ёзинг:

- M. икки бошли, қовурғалар орасига оид, панжарасимон, думғазага оид, понасимон, чаккага тегишли, орқага (ўсимтага) оид, умуртқага оид.
- S—M. елкасимон, қисқа, марказдан узоқ, тил остига тегишли, узунасига, шакли тухумсимон, юқори камарга яқин қисм.
- M—F. май ойига тегишли, ялтироқ, бриллиант яшили, оддий, ичакда эрувчи, қинга оид, майда.
- F. далага оид, хитойча, ботқоққа оид, сурғи, бузилмаган, ўрмонга оид, уч хил рангли, ўсимликсимон, оддий.

**114-машқ.** Қуйидаги сифатларни отлар билан мослаштинг ва ўзбек тилига таржима қилинг. M—F.

Foramen (vertebralis, e)	vena (temporalis, e)
intestinum (tenuis, e)	foramen (ovalis, e)
musculus (brevis, e)	pars (aequalis, e)
papilla (lacrimalis, e)	aether (medicinalis, e)
glandula (lacrimalis, e)	pulvis (simplex)
pars (abdominalis, e)	palatum (mollis, e)
vena (centralis, e)	

**115-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг: М—Ғ:

Divide in partes aequales, da tales doses numero 10, pulvres simplicis, emplastrum simplex, aetner medicinaliis, viride nitens, infusum herbae, Adonidis vernalis, Zulfacylum solubile, elixir pectorale, extractum Pini silvestris naturale, herba Violae tricoloris recens, acidum Aceticum glaciale, Ricinus communis, olea vegetabilia, succus baccarum recens, rhizoma cum radicibus Valerianae recens.

**116-машқ.** Қуйидаги рецептларни ўзбек тилига таржима қилинг: М—Ғ.

Recipe: Succu gastrici naturalis 200 ml

Da in lagena eriginaii.

Signa: 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал.

Recipe: Solutionis Viridis nitentis aquosae 1% 20 ml

Da. Signa: Оғизга суртиш учун.

Recipe: Tincturae Convallariae majalis

Tincturae Valerianae simplicis ana 7,5 ml

Adonisidi 15 ml

Misce. Da

Signa: 20 томчидан бир марта ичиш учун.

Recipe: Olei Terebinthinae

Linimenti volatilis ana 20,0

Misce. Da.

Signa: Суртиш учун.

Recipe: Coffeini-natrii benzoatis 1,0

Natrii bromidi 3,0

Tincturae Schizandrae chinensis 6 ml

Aquae destillatae 200 ml

Misce. Da.

Signa: 1 ош қошиқдан кунига 3 марта.

Recipe: Acidi salicylici

Acidi lactici ana 6,0

Acidi acetici glacialis 3,0

Collodii ad 20,0

Misce. Da.

Signa: Қаварган жойга суртиш учун.

**117-машқ.** Қуйидаги рецептларни лотин тилига таржима қилинг: М—Ғ.

Ол: Баҳорги адонис ўти дамламасидан 180 мл

Натрий бромиддан 6,0

Коденин фосфатдан 0,2

Аралаштир. Бер.

Белгила: 1 ош қошиқдан кунига 3 марта.

Ол: 20% ли сульфацилнинг эрувчан суртмасидан  
20 мл

Бер. Белгила: Бурунга суртиш учун.

Ол: Хитой лимонниги кукунидан 0,5

Шундай кукундан 12 дона бер.

Белгила: 1 донадан кунига 2 маҳал.

Ол: Гулхайри илдизи қайнатмасидан 180 мл

Кўкрак элексири

Новшадил спирти

Натрий гидрокарбонатдан тенг миқдорда 3,5

Диониндан 0,15

Аралаштир. Бер.

Белгила: 1 ош қошиқдан ҳар 3 соатда ичиш  
учун.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Иккинчи гуруҳ сифатлари неча гуруҳга бўлинади?
2. Иккинчи гуруҳ сифатларининг лугат шакли қандай ифодаланади?
3. Уч қўшимчали, икки қўшимчали ва бир қўшимчали сифатларни тушунтириб беринг.
4. Сифатнинг мажҳуллик хусусиятини англатувчи қандай сўз ясовчи қўшимчаларни биласиз?
5. Сифатнинг бирор нарсага боғлиқлигини, қарашлилигини ёки келиб чиқишини кўрсатувчи қандай сўз ясовчи қўшимчаларни биласиз?
6. Лотинча-юнонча маънодош сифатларни айтиб беринг.

### Мустақил ўрганиш учун

#### *Лотин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Alit lectio ingenium.

Ўқиш ақлни ривожлантиради.

Contraria contrariis curantur.

Заҳарнинг давоси — зидди-заҳар.

Medice, cura te ipsum.

Шофокор, муолажани ўзингдан бошла.

Nil desperandum.

Ҳеч қачон умидсиз бўлма.

Non bis in idem...

Бир гуноҳ учун икки марта жазолама.

## 61 §. ҲОЗИРГИ ЗАМОН АНИҚ СИФАТДОШИ

Ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларига эга бўлган айрим феъл шакллари сифатдош деб аталади. Ҳозирги замон аниқ сифатдошини ҳосил қилиш учун I ва II тусланишдаги феълларнинг негизига -ns, III ва IV тусланишдаги феълларнинг негизига -ens қўшимчасини қўшиш кифоя. Масалан:

I sanare — даволамақ, sanans — даволовчи

II miscere — аралаштирмақ, miscens — аралаштирувчи

III dividere — бўлмақ, dividens — бўлувчи,

IV audire — эшитмақ, audiens — эшитувчи

## 62-§. ҚУЙИДАГИ СИФАТДОШЛАРНИ ХОТИРАДА САҚЛАНГ!

M.	Abducens	— узоқлаштирувчи
	afferens	— келтирувчи
	deferens	— чиқарувчи
	efferens	— олиб чиқувчи
	ascendens	— кўтарилувчи
	descendens	— тушувчи
	comitans	— йўлдошлик этувчи, кузатувчи
	communicans	— бирлаштирувчи
	fructuans	— тебраниб (лиқиллаб) турувчи
	opponens	— қарама-қарши қўювчи
	perforans	— тешувчи (йўқолувчи)
	recurrens	— қайтувчи
	accelerans	— тезлатувчи
	permanens	— доимий
	prominens	— чиқиб турувчи
	reuniens	— қўшувчи
	limitans	— чегараловчи
S—M:	migrans	— адашган
	dissecans	— ёриб чиқувчи
	alternans	— ўзгарувчи
	deficiens	— етишмовчи, йўқолувчи
	differens	— ҳар хил
	deformans	— шакли ўзгарувчи
	abscendens	— йирингловчи
	reccurens	— қайтувчи
	intermittens	— такрорланувчи
	remittens	— сўнувчи
	intercurrents	— оралик, орадаги



latens	— яширин
penetrans	— тарқалувчи, ёйилувчи
perforans	— тешувчи
serpens	— судралувчи (ёйилувчи)
tremens	— титратувчи, қалтиратувчи
imminens	— хавфли, таҳликали, даҳшатли
agitans	— ҳаракатланувчи
delurans	— босинқираш
convalescens	— соғаяувчи
reconvalescens	— соғаяувчи
recipiens	— олувчи
iuvans	— ёрдам берувчи, кўмаклашувчи
patiens	— азоб чекувчи, касаллик туфайли азобланувчи
F. laxans	— юмшатувчи
purgans	— тозаловчи
excitans	— уйғотувчи
relaxans	— сусайтирувчи
adiuvans	— ёрдамчи
corrigens	— тузатувчи
constituens	— шакллантирувчи

**118-машқ.** *Латинча сифатдошларни ўзбекчаси билан мослаштиринг. М.*

abducens	қўшувчи
afferens	чиқиб турувчи
prominens	қайтувчи
comitans	тешувчи
communicans	узоқлаштирувчи
perforans	келтирувчи
recurrens	кузатувчи
reuniens	бирлаштирувчи

**119-машқ.** *Қуйидаги сифатдошларни ўзбекча муқобилига қараб ўз ўрнига қўйинг. S—M:*

Migrans	босинқираш
dissecans	хавфли
alternans	ёйилувчи
deformans	тешувчи
abscendens	тарқалувчи

intermittens	адашган (адашувчи)
remittens	шакли ўзгарувчи
penetrans	ёриб чиқувчи
perforans	ўзгарувчи
serpens	йирингловчи
delurans	такрорланувчи
imminens	сўнувчи

**120-машқ.** Қуйидаги атамаларнинг ўзбекчасини латинча муқобилига қараб жойлаштиринг. F.

laxans	ёрдамчи
purgans	шакллантирувчи
excitans	сусайтирувчи
relaxans	юмшатувчи
adiuvans	тозаловчи
corrigenс	уйғотувчи
constituens	тузатувчи

**121-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг.

- S—M: ren migrans, abscessus dissecans, pulsus alternans, pulsus deficiens, pulsus defferens, arthritis deformans, pneumonia abscedens, typhus recurrens, febris intermittens, febris remittens, morbus intercurrentes, ulcus penetrans, ulcus perforans, ulcus serpens, delirium tremens, glaucoma imminens, paralysis agitans, diagnosis ex iuvantibus nervus abducens, vasa afferentia, vasa efferentia, ductus deferens, aorta ascendens, aorta descendens, arteria comitans, communicantes, costa fluctuansi, musculus, opponens, arteriae perforantes, nervus recurrens, nervi accelerantes, dentes permanentes, vertebro seytima prominens, ductus reuniens, laminae limitantes.
- M: remedium laxans, remedium purgans, remedium excitans, remedia myorelaxantia, remedium adiuвans, remedium corrigenс, remedium constituens

### 63-§. ТўРТИНЧИ ҒУРУҲДА ТУРЛАНУВЧИ ОТЛАР

Отларнинг тўртинчи гуруҳига Masculinum ва Neutrum роддаги отлар киради. Masculinum роддаги отлар Nom. Sing. да **-us** қўшимчасига, Neutrum роддаги отлар

эса Nom. Sing. да -u қўшимчасига эга. Иккала роддаги отлар Gen. Sing. да -us келишик қўшимчаси билан турланади ва лугат шакли қуйидагича бўлади. Масалан:

Spiritus, us, m — спирт,  
 genu, us, n — тизза.

Masculinum ва Neutrum родларидаги отлар келишикларда қуйидагича турланади:

Casus	Singularis		Pluralis	
	Masculinum	Neutrum	Masculinum	Neutrum
Nominativus	—us	—u	—us	—ua
Genetivus	—us	—us	—uum	—uum
Dativus	—ui	—u	—ibus	—ibus
Accusativus	—um	—u	—us	—ua
Ablativus	—u	—u	—ibus	—ibus
Nominativus	fructus	cornu	fruct—us	corn—ua
Genetivus	fruct—us	corn—us	fruct—uum	corn—uum
Accusativus	fruct—um	corn—u	fruct—us	corn—ua
Ablativus	fruct—u	corn—u	fruct—ibus	corn—ibus

### Қоидадан ташқари ҳолат

Қуйидаги отлар Femininum родига тегишли:

manus, us, f — қўл, кафт  
 Quergus, us, f — эман

### 64-§. ТУРТИНЧИ ГУРУҲ ТУРЛАНУВЧИ ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИДА ҚУЛЛАНИЛУВЧИ СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

-tus ёки -sus сўз ясовчи қўшимчалари феълнинг супин шаклидаги -tum, -tum қўшимчаси ўрнига қўйилади ва сезишни, ҳолатни ёки ҳаракатни ифодалайди. Масалан:

auditus — эшитиш, auditum (феълнинг супин шакли), audire — эшитмоқ,  
 affluxus — оқиш, affluxum феълнинг супин шакли,  
 affluere — оқмоқ,  
 effectus — ҳаракат, effectus феълнинг супин шакли,  
 efficere — қилмоқ,  
 gustus — маза, таъм, gustum (феълнинг супин шакли), gustare — таъмини татимоқ.  
 olfactus — ҳидлаш, olfactum феълнинг супин шакли, olfacere — ҳидламоқ,

pulsus — томир уриши, *pulsum* феълининг супин шакли, *pellere* — итармоқ,  
*partus* — туғиш, *partum* феълининг супин шакли, *parere* — туғмоқ,  
*plexus* — чигал, *plexum* феълининг супин шакли, *plectere* — тўқимоқ,  
*status* — ҳолат, аҳвол, *statum* феълининг супин шакли, *stare* — турмоқ,  
*tactus* — пайпаслаб ҳис этиш, *tactum* феълининг супин шакли, *tangere* — термоқ,  
*visus* — кўриш, *visum* феълининг супин шакли, *videre* — кўрмоқ,  
*sensus* — сезиш, *sensum* феълининг супин шакли, *sentere* — сезмоқ,  
*habitus* — ташқи кўриниш, *habitum* феълининг супин шакли, *habere* — эга бўлмоқ.

#### 65 §. ҚУЙИДАГИ АТАМАЛАРНИ БД ОЛИНГ!

М:	<i>Arcus, us, m</i>	— ёй, равоқ
	<i>auditus, us, m</i>	— эшитиш
	<i>ductus, us, m</i>	— оқим
	<i>manus, us, f</i>	— қўл, кафт
	<i>plexus, us, m</i>	— чигал
	<i>processus, us, m</i>	— ўсимта
	<i>abcessus, us, m</i>	— йиринглаш
	<i>collapsus, us, m</i>	— юрак фаолиятининг кескин сусайиб кетиши
	<i>defectus, us, m</i>	— нуқсон, камчилик
	<i>exitus, um, m</i>	— натижа
	<i>habitus, us, m</i>	— ташқи кўриниш
	<i>infarctus, us, m</i>	— инфаркт, қон билан таъминланишнинг тўхташи натижасида тўқималарнинг ўлиши
S—М.	<i>status, us, m</i>	— ҳолат, аҳвол
	<i>afflexus, us, m</i>	— оқиш
	<i>genu, us, n</i>	— тизза
	<i>effectus, us, m</i>	— ҳаракат
	<i>meatus, us, m</i>	— ўтиш жойи, тешик
	<i>sinus, us, m</i>	— бўшлиқ, чуқурлик
	<i>textus, us, m</i>	— тўқима
	<i>abortus, us, m</i>	— бола ташлаш, муддатидан илгари туғиш

	decubitus, us, m	— ётаверишдан увишиб қолган жой
	partus, us, m	— туғиш
	pulsus, us, m	— томир уриши
	prolapsus, us, m	— тушиш
	pruritus, us, m	— қичиш, қичима
	tactus, us, m	— найпаслаб ҳис этиш
	vomitus, us, m	— қайт қилиш
	visus, us, m	— кўриш
M—F.	cornu, us, n	— мугуз (шоҳ)
	fructus, us, m	— мева
	olfactus, us, m	— ҳидлаш
	Quercus, us, f	— эман
	spiritus, us, m	— спирт
	sensus, us, m	— сезиш
	usus, us, m	— қўллаш, ишлатиш

**122-машқ.** *Қуйидаги атамаларни латинча муқобилига қараб жойлаштиринг. М.*

Arcus	ташқи кўриниш
auditus	натижа
ductus	инфаркт, қон билан таъ- минланишнинг тўхта- ши натижасида тўқи- маларнинг ўлиши
manus	ҳолат
plexus	ёй, равоқ
processus	эшитиш
abscessus	оқим
collapsus	қўл, кафт
defectus	чигал
exitus	ўсимта
habitus	йиринглаш
infarctus	нуқсон
status	юрак фаолиятининг кес- кин сусайиб кетиши

**123-машқ.** *Латинча отларни ўзбекча муқобили билан мослаштиринг. S—M.*

genu	пайпаслаб ҳис этиш, сезиш
effectus	қайт қилиш
meatus	туғиш
sinus	томир уриши
textus	қичиш қичима

abortus	кўриш
decubitus	тушиш
partus	тизза
pulsus	ҳаракат
prolapsus	ўтиш жойи, тешик
pruritus	бўшлиқ
tactus	тўқима
vomicus	бола ташлаш, муддати- дан илгари туғиш
visus	ётаверишдан увишиб қолган жой

**124-машқ.** Қуйидаги атамаларнинг ўзбекчасини лотинча муқобилига қараб ўз ўрнига қўйинг. М—F.

Cornu	сезиш
fructus	қўллаш
olfactus	спирт
Quercus	мугуз (шоҳ)
spiritus	мева
sensus	ҳидлаш
usus	эман

**125-машқ.** Қуйидаги атамаларни лотин тилига таржима қилган ҳолда. *Nom. et Gen. Sing.* ҳамда *Plur.* да турланг:

- М. қўл, ўсимта, йиринглаш, нуқсон  
 S—M. ҳаракат, бола ташлаш, туғиш, томир уриши,  
 тушиш  
 M—F. мева, ҳидлаш, эман, спирт, қўллаш

Намуна:

Гуруҳ	Род	Nom. Sing.	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
IV	m	fructus	fructus	fructus	fructuum

**126-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг. М—F.

status naturalis, exitus letalis, arcus vertebrae, plexus cervicalis, ductus choledochus, abscessus pulmonis, infarctus myocardii, articulatio genus, arcus zygomaticus, processus spinosus, textus epithelialis, partus praematurus, spiritus aethylicus, decoctum corticis Quercus, sirupus fructuum Rosae, fructus Anisi, fructus Myrtilli, fructus Sorbi, spiritus dilutus

127-машқ. Қуйидаги сифатларни отлар билан мослашти-  
ринг ва ўзбек тилига таржима қилинг. М—Ғ.

abscessus (gangraenosus, plexus (venosus, a, um)  
a, um)  
arcus (venosus, a, um)      processus (osseus, a, um)  
exitus (letalis, e)      spiritus (aethylicus,  
a, um)  
fructus (amarus, a, um)      usus (internus, a, um)  
manus (sinister, tra, trum) ductus (choledochus,  
a, um)

128-машқ. Қуйидаги рецентларни ўзбек тилига таржима  
қилинг. М—Ғ.

Recipe: Spiritus aethylici 95% 20 ml  
Aquae pro inctionibus 100 ml  
Misc. Da.  
Signa: 10 мл дан кўк томирга юбориш учун.  
Recipe: Solutionis Iodi pro usu interno 15 ml  
Da. Signa: 1—5 томчидан сутга томнизиб ку-  
нига 3 марта ичилсин.  
Recipe: Sulfuris depurati 2,0  
Glycerini  
Spiritus camphorati ana 5,0  
Aquae destillatae 60 ml  
Misc. Da. Signa: Юз тернисига суртиш учун.  
Recipe. Decocti fructuum Rhamni catharticae 200 ml  
Sirupi Rhei 20 ml  
Signa: 1 ош қошиқдан кунга 3 марта.  
Recipe: Resorcini  
Acidi carbolici ana 10,0  
Thymoli 1,0  
Boracis 2,0  
Glycerini 15 ml  
Spiritus Vini rectificati 50 ml  
Aquae destillatae ad 500 ml  
Misc. Da. Signa: Тери қичишинида суртиш  
учун.  
Recipe: Acidi salicylici 1,0  
Spiritus aethylici 95% 1,0  
Collodii 8,0  
Viridis nitentis 0,01  
Misc. Da.  
Signa. Сиртга қўллаш учун.

129-машқ. Қуйидаги рецептларни лотин тилига таржима қилинг. М—Ғ.

- Ол: 20% ли тозаланган узум спиртидан 30 мл  
30% ли глюкоза эритмасидан 70 мл  
Аралаштирилсин! Тозалансин! Берилсин!  
Белгилансин: 20 мл дан кунига бир мартадан  
бир неча кун кўк томирга юбориш учун
- Ол: Метил кўкидан 0,5  
70% ли этил спиртидан 50 мл  
Аралаштир. Бер.  
Белгила: Тери куйган пайтда суртиш учун.
- Ол: 33% ли суюлтирилган этил спиртидан 50 мл  
Тозалансин! Берилсин!  
Белгила: 20 мл дан кўк томирга юбориш учун
- Ол: Қатрон  
Яшил совундан тенг миқдорда 15,0  
95% ли этил спиртидан 15 мл  
Суюқ суртма ҳосил бўлгунча аралаштир.  
Бер. Белгила: Совунли қатрон спирти.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Тўртинчи гуруҳда турланувчи отларнинг луғат шакли қандай ёзилади?
2. Сифатлар тўртинчи гуруҳда турланувчи отлар билан қандай мослашади?
3. Тўртинчи гуруҳда турланувчи отларнинг ясалишида қандай сўз ясовчи қўшимчалар ишлатилади?

### Мустақил ўрганиш учун

#### *Лотин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Ut quisque est doctissimus, ita est modestissimus.  
Қим ақлли бўлса, у камтарин ҳамдир.

Nota bene.

Эътибор бер.

Fer patienter onus, fac sapienter opus.

Қийинчиликларга чидаган ҳолда, оқилона иш қил.

Festina lente.

Секинлик билан шошил.

Suum cuique.

Ҳар кимники ўзига...



## 66-§. БЕШИНЧИ ГУРУҲДА ТУРЛАНУВЧИ ОТЛАР

Отларнинг бешинчи гуруҳига Femininum родига тегишли отлар кириб, Nom. Sing. да -es, Gen. Sing. да эса -ei қўшимчаларига эга бўлади. Луғат шакли қуйидаги кўринишда бўлади:

Facies, ei, f           — юза, бет, юз  
res, rei, f             — нарса, иш

Femininum роддаги отлар келишиқларда қуйидагича турланади.

Casus	Singularis	Pluralis
Nominativus	—es	—es
Genetivus	—ei	—erum
Dativus	—ei	—ebus
Accusativus	—em	—es
Ablativus	—e	—ebus
Nominativus	facies	facies
Genetivus	faciei	facierum
Accusativus	faciem	facies
Ablativus	facie	faciebus

### Қуйидаги сўзларни эса сақланг:

1. Dosis letalis — ўлдирувчи миқдор  
pro dosi — бир марта қабул қилиниши керак бўлган дори миқдори (dosis) pro die — бир кунда қабул қилиниши керак бўлган дори миқдори.
2. Species, ei, f — йиғма сўзи ҳамма вақт кўплик сонда қўлланилади, чунки йиғма бир неча доривор ўсимликлардан ташкил топган бўлиши мумкин:

юмшатувчи йиғма           — species laxantes  
сийдик ҳайдовчи йиғма   — species diuretical

Recipe: Specierum diureticarum 50,0

Misce, ut fiant species.

Ол: Сийдик ҳайдовчи йиғмадан 50,0

Йиғма бўлгунча аралаштир.

## 67-§. ҚУЙИДАГИ АТАМАЛАРНИ БДЛАНГ!

M.       Facies, ei, f           — юз, бет, юза  
S—M.   caries, ei, f           — чириш  
          rabies, ei, f         — қутуриш  
          scabies, ei, f       — қичима

M—F.	dies, ei, f	— кун
	dosis pro die	— бир кунда қабул қилинши керак бўлган дори миқдори
	species, ei, f	— йиғма (дори тури)
F.	res, ei, f	— нарса, иш
	res rudes	— хом ашё

**130-машқ.** Қуйидаги атамаларни таржимасига қараб мослаштиринг. M—F.

facies	кун
caries	нарса
rabies	йиғма
scabies	чириш
dies	қутуриш
species	бет
res	қичима

**131-машқ.** Қуйидаги атамаларни латин тилига таржима қилинг ва *Nom. et Gen; Singularis* ҳамда *Plur* да турланг.

M—F. юз чириш, қутуриш, қичима, кун, йиғма, нарса.

Намуна:

Гуруҳ	Род	Nom. Sing.	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
Y	f	species	speciei	species	specierum

**132-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг.

- M: ossa faciei, nervus facialis, facies costalis, facies interna, facies lateralis
- S—M: facies nasalis, facies cutis, facies renalis, caries dentis, rabies morbi, scabies morbi
- M—F: species polyvitaminosae, species aromaticae, species sedativae, species antiasthmaticae, species laxantes, dosis letalis
- F: species stomachicae, species diaphoreticae

**133-машқ.** Қуйидаги сифатларни отлар билан мослаштиринг ва ўзбек тилига таржима қилинг. M—F.

caries (acutus, a, um)	facies (paralyticus, a, um)
facies (externus, a, um)	facies (costalis, e)
facies (albus, a, um)	facies (internus, a, um)
caries (siccus, a, um)	facies (muscularis, e)

**134-машқ.** Қуйидаги рецептларни ўзбек тилида ёзинг.  
М—F.

- Recipe: Specierum antiasthmaticarum 50,0  
Da in scatula.  
Signa: Бронхиал нафас қиснишида қўллаш учун.
- Recipe: Herbae Adonidis vernalis 2,0  
Rhizomatis cum radicibus Valerianae 1,5  
Misce, fiant species. Da in sacco.  
Da. Signa: Дамлаб ичиш учун.
- Recipe: Florum Chamomillae  
Herbae Millefolii  
Herbae Absinthii  
Foliorum Menthae piperitae  
Foliorum Salviae ana 10,0  
Misce, fiant species  
Signa: Дамлаб ичиш учун.
- Recipe: Foliorum Menthae piperitae  
Florum Sambuci  
Florum Tiliae ana 30,0  
Misce, fiant species, Da.  
Signa: Чойдек дамлансин.
- Recipe: Corticis Frangulae  
Foliorum Sennae ana 15,0  
Florum Sambuci  
Florum Chamomillae ana 7,0  
Florum Malvae 2,0  
Misce, fiant species. Da.  
Signa: Чойдек дамлаш лозим.
- Recipe: Radicis Althaeae  
Radicis Glycyrrhizae ana 10,0  
Herbae Thymi vulgaris 40,0  
Misce, fiant species. Da in sacco.  
Signa: Қайноқ сувда дамлаш учун.

**135-машқ.** Қуйидаги рецептларни латин тилига таржима қилинг. М—F.

- Ол: Сийдик ҳайдовчи йиғмадан 50,0  
Халтачада бер.  
Белгила: Чойга ўхшатиб дамлаш учун.
- Ол: Баҳорги гулизардек ўтидан 8,0  
Қалампирмунчоқ баргидан 1,0  
Йиғма бўлгунча аралаштир.  
Шундай миқдорда 6 та халтачага солиб бер.  
Белгила: 1 стакан қайнаган сувга солиб 15

дўқиқа қайнагандан кейин сузиш керак.  
Бир ош қошиқдан кунига 3—4 марта ичим  
лозим.

Ол: Юмшатувчи йиғмадан 5,0

Мумли халтачада бер.

Белгила: Чой каби дамлаш керак.

Ол: Белладонна барги

Бангидевона баргидан тенг миқдорда 15,0

Калий нитратдан 4,0

Йиғма бўлгунча аралаштир. Бер.

Белгила: Нафас қисганда ичиш учун.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Бешинчи гуруҳда турланувчи отларнинг луғат шакли қандай ёзилади?
2. Сифатлар бешинчи гуруҳда турланувчи отлар билан қандай мослашади?

### Мустақил ўрганиш учун

#### *Латин мақоллари ва ҳикматли сўзлар*

Вона fide.

Виждонан, софдиллик билан.

Est modus in rebus.

Ҳамма нарса меъёри билан.

In spe.

Умид, ишонч билан.

Omniū medicorū antiquitatis Hippocrates clarissimus est.

Буқрот қадим замон табибларининг энг машҳуридир.

Omniū doctrinarū medicina difficillima est.

Тиббиёт — фанлар ичида энг қийинидир.

68-§ ЛОТШІ ТИЛДАГИ ОТЛАРНИНГ БЕШ ГУРУХДА ТУРЛАНИШ ЖАДВАЛИ

Causus	I		II		III		IV		V
	Fem.	Masc.	Neutr.	Masc.	Fem.	Neutr.	Masc.	Neutr.	Fem.

Singularis

Nominativus	-a	-us, -er	-um	-is	-is	-is	-us	-u	-es
Genetivus	-ae	-i	-i	-i	-i	-i	-us	-us	-ei
Dativus	-ae	-o	-o	-i	-i	-i	-ui	-ui	-ei
Accusativus	-am	-um	-um	-em	-em	-em	-um	-u	-em
Ablativus	-a	-o	-o	-e (f)	-e (f)	-e (f)	-u	-u	-e

Pluralis

Nominativus	-ae	-i	-a	-es	-es	-a (-ia)	-us	-ua	-es
Genetivus	-arum	-orum	-orum	-um (ium)	-um (ium)	-um (ium)	-uum	-uum	-erum
Dativus	-is	-is	-is	-ibus	-ibus	-ibus	-ibus	-ibus	-ebus
Accusativus	-as	-os	-a	-es	-es	-a (-ia)	-us	-ua	-es
Ablativus	-is	-is	-is	-ibus	-ibus	-ibus	-ibus	-ibus	-ebus

## 69-§. СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Латин тилида сифат даражалари худди ўзбек тилидагидек оддий, қиёсий ва орттирма даражаларга бўлинади:

gradus positivus	— оддий даража
gradus comparativus	— қиёсий даража
gradus superlativus	— орттирма даража

### Қиёсий даража

Masculinum ва Femininum родга тегишли сифатларнинг қиёсий даражасини ҳосил қилиш учун сифат негизига **-ior**, Neutrum родга эса **-ius** қўшимчасини қўшиш лозим. Масалан:

Gradus	positivus	Gradus comparativus
Nominativus Singularis	Gen. Sing.	Nominativus Singularis
purus—	pur—i	purior—
subtilis—	suptilis	purius—
simplex—	simplic—i	subtilior—
		subtilius—
		simplicior—
		simplicius—

Қиёсий даражадаги сифатлар учинчи гуруҳда турланувчи отлар каби турланиб учала роддаги сифатлар Gen. Sing. да **ior + is** қўшимчасига эга бўлади.

Қиёсий даражали сифатларнинг келишикларда турланиш намунаси:

**Latiior, ius** — кенгроқ

Gasus	Singularis			Pluralis		
	Masc.	Fem.	Neutr.	Masc.	Fem.	Neutr.
Nominativus	latior		latius	latiores		latiora
Genetivus	latioris			latiorum		
Accusativus	latiorem		latius	latiores		latiora
Ablativus	latiore			latioribus		

Қиёсий даражали сифатларнинг луғат шакли қуйидагича бўлади:

longior, ius	— узунроқ
purior, ius	— тозароқ

subtilior, ius — майдароқ  
 simplicior, ius — оддийроқ

### Орттирма даража

1. Сифатларнинг орттирма даражасини ҳосил қилиш учун сифат негизига **issim** ва **-us, -a, -um** род қўшимчалари қўшилади:

pur-issimus, a, um — жуда ҳам (энг) тоза  
 subtil-issimus, a, um — жуда ҳам (энг) майда  
 simplic-issimus, a, um — жуда ҳам (энг) оддий

2. Masculinum родга тегишли **-er** қўшимчали сифатларнинг орттирма даражасини ҳосил қилиш учун **Nom. Sing.** га **-rimus, -rima -ritum** қўшимчалари қўшилади:

Niger-rimus, a, um — жуда ҳам (энг) қора  
 aser-rimus, a, um — жуда ҳам (энг) ўтқир

Орттирма даражали сифатлар I ва II гуруҳда турланувчи отлар каби келишикларда турланади. Орттирма даражали сифатларнинг луғат шакли қуйидагича бўлади:

Purissimus, a, um — жуда ҳам (энг) тоза  
 subtilissimus, a, um — жуда ҳам (энг) майда  
 simplicissimus, a, um — жуда ҳам (энг) оддий

### 70-§. ҲАР ХИЛ НЕГИЗЛАРДАН ЯСАЛГАН СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Қуйидаги бешта сифатнинг қиёсий ва орттирма даражаси нотўғри ҳосил қилинади, яъни ҳар хил негизларга эга бўлади:

Оддий даража	Қиёсий даража	Орттирма даража
parvus, a, um — кичик	minor, minus — кичикроқ	minimus, a, um — жуда кичик
magnus, a, um — катта	major, majus — каттароқ	maximus, a, um — жуда катта
multus, a, um — кўп	plures plura — кўпроқ	plurimus, a, um — жуда кўп
bonus, a, um — яхши	melior, melius — яхшироқ	optimus, a, um — жуда яхши
malus, a, um — ёмон	peior, peius — ёмонроқ	pessimus, a, um — жуда ёмон

## 71-§. ҚУЙИДАГИ СИФАТЛАРНИ ЕДЛАНГ!

M.	anterior, ius	— олдинги
	posterior, ius	— орқанги
	superior, ius	— юқориги
	inferior, ius	— пастки
M—F.	major, jus	— каттароқ
	minor, minus	— кичикроқ
	maximus, a, um	— жуда ҳам (энг) катта
	minimus, a, um	— жуда ҳам (энг) кичик
	optimus, a, um	— жуда ҳам (энг) яхши

136-машқ. Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг.

M:	musculus latissimus dorsi, musculus pectoralis major, vena cordis magna, vena cava superior, foramen occipitale magnum, membrum inferius, prognosis optima
S—M:	musculus longissimus thoracis, paries anterior, canales palatini minores, foramen palatinum majus, foramen ischiadicum majus, venae frontales superiores
M—F.	Vaselinum purissimum, Vaselinum optimum, oleum Vaselini purissimum, pulvis subtilissimus, remedia amarissima, pilula minima, pilula maxima, fructus majoris Cucurbita maxima, aether purissimus

137-машқ. Қуйидаги рецептларни ўзбек тилида ёзинг.  
M—F.

Recipe:	Benzylpenicillini-natrii 125000 Aethazoli 5,0 Misce, fiat pulvis subtilissimus. Da. Signa: Бурунга пуфлаш учун.
Recipe:	Acidi borici pulverati 4,0 Zinci oxydi pulverati 6,0 Talci purissimi 40,0 Misce. Da. Signa: Сиртга қўллаш учун.
Recipe:	Hydrargyri oxydi flavi 0,1 Vaselini optimi pro oculis 10,0 Misce, fiat unguentum. Da. Signa: Кўз учун суртма.
Recipe:	Viridis nitentis 0,025 Cupri citratis Streptocidi albi ana 0,2 Vaselini optimi pro oculis 10,0



Misce, fiat unguentum. Da.

Signa: Кўз суртмаси.

Recipe: Zinci oxydi subtilissimi

Talci ana 20,0

Acidi salicylici subtilissimi 2,0

Misce, fiat pulvis. Da in scatula.

Signa: Терининг яллигланган жойига сепиш учун.

Recipe: Streptocidi albi 5,0

Penicillini 200000

Misce, fiat pulvis subtilissimus. Da.

Signa: Қулоққа пуфлаш учун.

138-машқ. Қуйидаги рецентларни лотин тилида ёзинг.  
M—F.

Ол: Жуда майда Стрептоциддан 20,0

Бер. Белгила: Жароҳатга сепиш учун.

Ол: Норсульфазол

Стрептоциддан тенг миқдорда 5,0

Ментолдан 0,05

Жуда майда кукун бўлгунча аралаштир.

Бер. Белгила: Бурунга пуфлаш учун.

Ол: Тоза вазелин мойидан 200,0

Ялпиз мойидан 2 томчи

Аралаштир. Бер.

Белгила: 1'ош қошиқдан кунига 2 маҳал.

Ол: Салицилат кислотадан 0,5

Рух оксид

Буғдой оҳоридан тенг миқдорда 5,0

Кўз учун тоза вазелиндан 10,0

Хамирсимон модда бўлгунча аралаштир.

Бер. Белгила: (Кўз) Қовоқ терисига суртиш учун.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Сифатларнинг қиёсий даражаси қандай ҳосил қилинади?
2. Қиёсий даражали сифатларнинг лугат шакли қандай ёзилади?
3. Сифатларнинг орттирма даражаси қандай ясалади?
4. Орттирма даражали сифатларнинг лугат шакли қандай ёзилади?
5. Ҳар хил негизли сифатларни айтиб беринг.

## 72-§. ОЛМОШ

От, сифат ва сон ўрнида қўлланиладиган сўз туркумларига олмош дейилади.

Тиббиётда қуйидаги олмошлар қўлланилади:

1. Pro me — ўзим учун
2. Per se — тоза ҳолда
3. Da tales doses — шундай миқдорда бер

**139-машқ.** *Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг.* М—Ғ.

Da pro me, da pro auctore, pro usu proprio, recipe Iodum per se ad usum internum, medicum me curat.

**140-машқ.** *Қуйидаги сўзларни лотин тилига таржима қилинг.* М—Ғ.

Мен учун дори бер, муаллиф учун дори бер, шундай миқдорда 10 дона бер, тоза ҳолдаги йод, тоза ҳолдаги олтингугурт, арчагул барги қайнатмасини мен учун тайёрла, олтингугуртни тоза ҳолда бер.

**141-машқ.** *Қуйидаги рецептларни ўзбек тилида ёзинг.* М—Ғ.

Recipe: Euphyllini 0,1  
Ephedrini hydrochloridi 0,025  
Sacchari 0,2  
Misce, fiat pulvis. Da tales doses numero 12 in capsulis gelatinosis.  
Signa: Муаллиф учун.

Recipe: Iodi 0,1  
Vasellini 1,0  
Benzini 100 ml  
M. D. S: Pro me.

## 73-§. РАВИШ

Лотин тилида равишлар сифат ва бошқа сўз туркумларидан ҳосил бўлиши мумкин.

1. Биринчи гуруҳ сифатларининг негизига -е ёки -о қўшимчаларини қўшиш билан равиш ясалади. Масалан:

- |               |                  |
|---------------|------------------|
| Latus, e, um  | — кенг, lat-e,   |
| rectus, a, um | — тўғри, rect-e, |
| citus, a, um  | — тез, cit-o,    |
| garus, a, um  | — сийрак, gar-o. |

2. Иккинчи гуруҳ сифатларининг негизига **-iter** қўшим-часини қўшиш натижасида равиш ҳосил қилинади:

gravis, e — оғир, grav-iter,  
simplex, icis — оддий, simpliciter

Нотўғри ясалувчи равишлар

bonus — яхши, bene,  
alius — бошқа, aliter.

#### 74-§. ТИББИЙ АТАМАЛАРДА ҚўЛЛАНИЛУВЧИ ҚўИДАГИ РАВИШЛАРНИ ЕДЛАНГ!

M—F.	ana	— тенг, баравар
	cito	— тез, тезлик билан
	citissime	— жуда ҳам тезлик билан, шошилиш равишида
	statim	— дарҳол
	quantum satis	— керагича
	bis	— икки марта
	bene	— яхши
	optime	— жуда яхши
	maxime	— жуда катта
	minime	— жуда кичик
	caute	— эҳтиётлик билан
	aseptice	— зарарсизлантирилган ҳолда
	exacte	— аниқ
	exactissime	— жуда аниқ
F.	grosse	— йўғон, катта
	modice	— ўрта, меъёрида
	longe	— фавқулудда ҳолат, юқори даражада
	calide	— иссиқ, иссиқлик ҳолатида
	frigide	— совуқ, совуқ усул билан
	lente	— секин (ҳаракат асосида)
	tenuiter	— юпқа, майда
	tenuissime	— жуда юпқа, майда
	semilente	— янада секинроқ
	simpliciter	— оддий
	ultralente	— жуда ҳам секин

**142-машқ.** Қуйидаги равишларни ўз ўрнига қўйинг.

apa	зарарсизлантирилган ҳолда
cito	жуда катта
citissime	жуда кичик
statim	эҳтиётлик билан
quantum satis	тенг
bis	тез
bene	жуда ҳам тез
optime	дарҳол
maxime	керагича
minime	икки марта
caute	яхши
aseptice	жуда яхши

**143-машқ.** Қуйидаги равишларни латинча муқобилига қараб мослаштиринг. F.

Grosse	жуда ҳам секин
modice	совуқ
longe	янада секинроқ
calide	йўғон
frigide	меъёрида
lente	фавқулодда ҳолат
semilente	иссиқ
ultralente	секин

**144-машқ.** Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг. M—F.

Da citissime, para infusum calide, extende tenuissime, spiritus Vini optime rectificatus, sirupus simpliciter, misce liquorem exactissime, statim da medicamentum, pulvis modice grossus, pulvis longe subtilissimus.

**145-машқ.** Қуйидаги рецептларни ўзбек тилига таржима қилинг. M—F.

Statim!

Recipe: Solutionis Glucosi 25% 50 ml  
Methyleni coerulei 0,5

Da tales doses numero 3 in ampullis.

Signa: Синил кислотасидан заҳарланганда қўллаш учун.

Cito!

Recipe: Linimenti Synthomycini 1% cum Novocaino 0,5% 25,0

Da. Signa: Қуйган жойга суртиш учун.

## Āitissimel

Recipe: Aquae bidistillatae recenter paratae 20 ml  
Sterilisetur Detur.

Signetur: Поликлиникада муолажа қилиш учун.

### Мавзуларга оид саволлар

1. Равишлар қандай ҳосил қилинади? (Биринчи гуруҳ сифатлари мисолида кўрсатинг).
2. Равишлар қандай ясалади? (Иккинчи гуруҳ сифатлари мисолида кўрсатинг).

### 75 §. сон

Лотин тилида сонлар ўзбек тилидагидек қуйидагиларга бўлинади:

Саноқ сон — numeralia cardinalia  
Тартиб сон — numeralia ordinalia

### 76-§. ҚУЙИДАГИ СОНЛАРНИ ХОТИРАДА САҚЛАНГ!

#### 1. Саноқ сон

I,	1. unus, a, um — бир
II,	2. duo, duae, duo — икки
III,	3. tres, tria — уч
IV,	4. quattuor — тўрт
V,	5. quinque — беш
VI,	6. sex — олти
VII,	7. septem — етти
VIII,	8. octo — саккиз
IX,	9. novem — тўққиз
X,	10. decem — ўн.
XI,	11. undecim — ўн бир
XII,	12. duodecim — ўн икки
XIII,	13. tredecim — ўн уч
XIV,	14. quattuordecim — ўн тўрт
XV,	15. quindecim — ўн беш
C,	100. centum — юз
D,	500. quingenti — беш юз
M,	1000. mille — минг

#### 2. Тартиб сон

primus, a, um — биринчи    sextus, a, um — олтинчи  
secundus, a, um — иккинчи    septimus, a, um — еттинчи

tertius, a, um — учинчи	octavus, a, um — сакки-
quartus, a, um — тўртинчи	зинчи
quintus, a, um — бешинчи	nonus, a, um — тўққи-
	зинчи
	decimus, a, um — ўнинчи

Олд қўшимчали сонлар

bi — икки	biceps, bicipitis — икки бошли
	bicolor, bicoloris — икки рангли
tri — уч	triceps tricipitis — уч бошли
	triplex, triplicis — уч ҳисса кўп
	trigeminus, a, um — уч шоҳли
	tricolor, oris — уч рангли
quadri — 4	quadriceps, itis — тўрт бошли
	quadripetalus, — тўрт баргли
	a, um
semi — ярим	semilunaris, e — ярим ой шаклли
	semicircularis, e — ярим айлана, доира

Юнонча олд қўшимчали сонлар

Юнонча олд қўшимчали сонлар кимёвий номларда қўлланилади.

- |                    |                        |
|--------------------|------------------------|
| 1. mon(o) — бир    | 9. ennea — тўққиз      |
